

472

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши
Жумодулаввал 1447х
Ноябр 2025м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Варо

Ал-Варо сўзи

Одатдан чекиниш ва ўзгаришни қолипдан ташқарида излаш

Золимларга
таянишнинг
хатари

43

Вазиятнинг тескари
айланиши: Бугун шари-
ат юкга, ундан бўйин
товлаш ҳаёт тарзига
айланди!

89

Сиёсий тушунчалар ва
сиёсат юритиш учун
зарур бўлган асосий
шартлар (6)

51

Улуғ саҳобий
Утба ибн
Ғазвон р.а


Халифалик: Американинг
гегемонлик режасига қарши
туриш учун стратегик
альтернативадир

9

64



Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Одатдан чекиниш ва ўзгаришни қолипдан ташқарида излаш..... 3
- Халифалик: Американинг гегемонлик режасига қарши туриш учун стратегик альтернативадир..... 9
- Тўскинлик қилувчи ожизликдан узрни йўққа чиқарувчи қодирликкача...
Қодирликнинг Ислом давлати эълон қилиш ва шариатни татбиқ этиш фарзлигидаги таъсири (4)..... 25
- Золимларга таянишнинг хатари..... 43
- Сиёсий тушунчалар ва сиёсат юритиш учун зарур бўлган асосий шартлар (6) 51
- **Жаннат боғлари:** Улуғ саҳобий Утба ибн Ғазвон  64
- Анъом сурасидаги мақсадлар 67
- **Олам мусулмонлари хабарлари**..... 75
- **Қуръони Карим суҳбатида:** «Роббингиз тарафидан сизга бир яхшилик (ваҳий) тушишини на аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар)дан бўлган кофирлар хоҳлашади ва на мушриклар. Аллоҳ эса раҳмат-марҳаматини ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Аллоҳ буюк фазлу қарам соҳибидир»..... 84
- **Сўнги сўз:** Вазиятнинг тескари айланиши: Бугун шариат юкга, ундан бўйин товлаш ҳаёт тарзига айланди! 89
- Эпштейн можароси: Ғарб ҳазорати ва унинг ҳукмрон элитасининг юзи очилган палла 91



ОДАТДАН ЧЕКИНИШ ВА ЎЗГАРИШНИ ҚОЛИПДАН ТАШҚАРИДА ИЗЛАШ

АҚШ президенти Дональд Трампга кескин мухолифлиги билан танилган демократ номзод Захрон Мамдани Нью-Йорк шаҳри мэрилиги сайловларида ғалаба қозонди. Унинг ғалабаси кўплаб кузатувчилар, қарор қабул қилувчилар ва тадқиқотчилар эътиборини тортган ҳал қилувчи бурилиш нуқтаси бўлди. Негаки, Нью-Йорк нафақат капитализм ва капиталистлар кўргони, балки АҚШнинг энг йирик шаҳри ҳамдир. Молия, маданият, санъат, мода ва медиа соҳаларининг глобал маркази, дунёдаги энг йирик ва кўп тармоқли иқтисодиётлардан бири саналган ушбу шаҳар жаҳоннинг энг муҳим савдо ва молия ўчоқларидан биридир. У ерда глобал компаниялар ва банкларнинг кўплиги сабабли Американинг иқтисодий пойтахти ҳисобланади. БМТ қароргоҳи, Фонд биржаси ва Доу-Жонс индекси жойлашган мазкур мегаполис дунёнинг маданий ва иқтисодий пойтахти сифатида таърифланади.

Нью-Йорк шаҳрининг аҳамиятини, шунингдек, Америка сиёсатчилари, қарор қабул қилувчилари ва ҳокимият учун курашаётган икки партия – Республикачилар ва Демократлар наздидаги рамзий мақомини ҳисобга олганда, Мамданининг ғалабаси ғоят диққатга сазовор ғалабадир. Зеро, мусулмон оиласига мансуб бўлган ва ўз фикрлари билан Америкадаги қарор қабул қилувчиларни ҳайратга солган бу йигитнинг ғалабаси мутлақо ғайриоддий ҳодиса бўлди. У Нью-Йорк ва Америкадаги молиявий «кит»лар (магнатлар) ва капиталистларни, шунингдек, сиёсий майдондаги лоббилар ва таъсир ўтказувчиларни, хусусан, сионистик лоббини мутлақо доғда қолдирди. Ҳатто ўз сайлов кампаниясини молиялаштиришда номзодлар одатда суянадиган – капиталистлар ва лоббилардан иборат – «кит»ларнинг миллионлаб маблағларига эмас, балки қирқ доллардан ошмайдиган кичик шахсий хайрияларга таянди. У Трампга, унинг партияси ва сиёсатига кескин хужум қилишдан тийилмади. Капиталистларга, элита ва йирик корпорация

эгаларига ўз душманлигини ошкор қилди. Яҳудий вужудининг Ғазога қарши урушига ва Ғаластиндаги жиноятларига қаршилигини очик билдирди, ҳатто яҳудий вужуди бош вазири Биньямин Нетаняху Нью-Йоркка ташриф буюрса, уни ҳибсга олишга ҳаракат қилиш билан таҳдид қилди. Бунинг муқобилида у халқ, камбағаллар ва кам таъминланган қатлам эҳтиёжларини қондиришга чақирди ҳамда уларга адолат қилиш ва аҳволларини ўнглаш йўлида бор имкониятини ишга солишга ваъда берди.

Қисқаси, Мамдани Америкадаги ҳукмрон оқимга қарши фикрларни илгари сурган шахсдир. Ҳатто АҚШ президенти Дональд Трамп унинг сайловдаги ғалабасидан шу қадар ларзага тушдики, оқибатда унга ва уни сайлаган барчага кескин ҳужум қилди.

Воқеанинг эътиборли жиҳатига назар ташлар эканмиз, Ғарб жамиятларида йиллар давомида шаклланиб, сўнгги икки йил ичида, айниқса барча мавжуд тизимларни фош этган Ғазодаги уруш туфайли кучайиб бораётган янги бир ҳолат шакллана бошлаганини кўрамиз. Бу Ғарбда мерос бўлиб қолган эски анъаналарга қарши бош кўтараётган ёш авлоднинг пайдо бўлишидир. Улар эски анъаналар муваффақиятсизлигига ёки ёмонлигига, ёхуд ҳеч бўлмаганда уни ўзгартириш зарурлигига қаноат ҳосил қилганликлари боис, ўзлари учун янги хусусият ва аввалгидан фарқли маданий йўналишни белгилаб олмоқдалар.

Масалан, Дональд Трамп глобал сиёсий кайфият ва ижтимоий онгда – хусусан, ўсиб келаётган авлод орасида – юз берган ушбу ўзгаришлар кўламига ишора қилиб, бундай деди: «20 йил олдин Исроил Конгрессда энг кучли лоббига эга эди, у ҳар қандай давлат, муассаса ёки компаниядан кўра кучлироқ эди. Аммо бугун у энди бу даражада эмас. Буни кўриб мен ҳайратга тушяпман». У яна шундай қўшимча қилди: «Америка сиёсий доираларида Исроилни ошкора танқид қилиш мумкин бўлиб қолди, ваҳоланки, илгари бу мутлақо имконсиз эди».

Ҳатто Мамданийнинг ғалабаси Дональд Трампнинг президентлик сайловида ғалаба қозониши борасидаги баҳс-мунозараларни яна кун тартибига қайтарди. Зеро, кўпчилик бу икки шахс ўртасида ўзаро ўхшашлик кўриб, уларни бир-бирига қийёслади. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам одатий «эскилик»га қарши – маълум даражада – инқилобий янги фикрлар билан майдонга чиқишди. Сиёсий доиралардаги анъанавий

дипломатия ва протоколлардан йироқ бўлган мутакаббир миллиардер Трамп, президентлик пойгаси давомидаги кўплаб тахминларнинг акси ўлароқ, сайловда ғолиб чиқди. Салбий обрў ва тарихга эга Трампнинг ғалабаси сабабларига кўпчилик тўхталди. Бунга энг кучли изоҳ шу бўлдики, Трамп янги, ноодатий фикрларни илгари сурди ва Америка халқининг энг нозик нуқтасига – иктисодиёт ва турмуш шароитининг ёмонлашувиغا мурожаат қилди. Шу сабабли халқ, шояд Трамп бизни ўзининг «Америка ва америкаликларнинг устуворлиги» ҳамда «Американи қайтадан буюк қилиш» шиорлари билан иктисодий таназзулдан қутқарса деб, унга умид боғлади. Кўпчилик буни қолипдан ташқари фикрлаш деб баҳолади, Трамп маъмурияти эса кейинчалик бу шиордан уларни бошқалардан ажратиб турадиган хусусият сифатида фойдаланди. Бироқ, Трамп президентликни эгаллаганидан бир йил ҳам ўтмай, Америка халқининг Трамп ва унинг дастурига бўлган умидлари тезда сўна бошлади, Нью-Йорк мэри сайлови эса Трамп ва унинг сиёсатидан умидсизликнинг яққол ифодасига айланди.

Трамп ва Мамданининг сайловдаги ғалабасининг муштарак жиҳати шундаки, Америка халқи уларнинг ҳар иккиси ҳам мавжуд қолипларни бузувчи, одатдан ташқари фикрларни илгари сурганини кўрди. Зеро, халқ айнан ўша эски қолипларни ўз вазиятининг ёмонлашуви ва турмуш даражасининг таназзули сабабчиси деб билар эди. Бу ҳолат капитализмга қарши исённинг муқаддимасига ўхшади ҳамда кўпчиликнинг ҳукмрон тузумга – улар бу тузумни уларнинг ҳисобидан фақат капиталистлар ва молиявий «китлар» манфаатига хизмат қиладиган тузум эканини кўрдилар – нафратидан далолат берди. Бу эса қад кўтарганидан бери дунёни ўз оловида куйдириб келаётган демократия ва капитализм «бути»нинг чилпарчин бўлиш жараёнининг бошланишидир.

Гарчи Америка ва Нью-Йоркда юз берган ушбу воқеалар зоҳирда диққатга сазовор ва яққол ҳодиса саналса-да, бу асло ягона ва истисно ҳолат эмас. Билъакс, бу нарса мазкур юртнинг маълум даражада эркинлик ва ўз фикрини ифода этиш имконига эга экани боис юзага чиқди. Аслида айни шундай ҳис-туйғу ва қарашлар бошқа жамиятлар ва халқларда, энг аввало исломий юртлардаги халқларда ҳам мавжуд, ҳатто бундан-да кучлироқ шаклда бор. Бироқ қатағон ва диктатура

муҳити у ердаги одамларнинг ўзгариш истаги билан уни ифода этиш ёки амалга ошириш имкониятлари ўртасида улкан ғов бўлиб турибди.

Мусулмонларнинг ўзгаришга бўлган эҳтиёжи ва юртларидаги мавжуд ҳолатдан халос бўлиш истаги янада кучлироқдир. Чунки улар ҳаёт аччиғи ва машаққатини бошқалардан, жумладан, халқи уларга нисбатан фаровон ҳаёт кечирадиган Америкадан ҳам кўра кўпроқ тотмоқдалар. Қолаверса, уларга ўзгариш ва Роббилари улар учун ҳаёт дастури сифатида рози бўлган Ислому тузумига ўтиш фарзлиги борасидаги диний қаноат ва раббоний буйруқлар туртки беради.

Капитализмнинг бузуқ ва ёмон тузум эканига бўлган мусулмонлардаги қаноат бошқа халқларга қараганда анча илғордир. Табиийки, бу қаноат уни янада кучайтирувчи ва мустаҳкамловчи ҳис этиш мантиқи билан йўғрилиб, шаръий қаноатлар билан қувватлангандир. Ғарб халқларида, хусусан капитализм ва демократияда етакчи бўлган Америка халқида шаклланган ушбу қаноат эса, бутун башариятнинг ҳукмрон элита ва тўдалар туғёнидан қутқарувчи мабдага нақадар муҳтож эканининг ҳаққоний ифодасидир. Зеро бу ҳукмрон синфлар одамларни ҳалок қилган ва машаққат гирдобига ташлаган қонунлар ва тузумлар орқали халқ елкасига миниб олишган.

Бу ҳолат иқтисодий жиҳат ва моддий эҳтиёжларда намоён бўлса ҳам, ижтимоий, инсоний ва ахлоқий жиҳатларда янада яққолроқ кўринади. Негаки капитализм халқларни руҳий, ахлоқий ва инсоний бўшлиққа гирифтор қилиб, уларнинг турмушини танг қилди ҳамда уларни хотиржамлик ва ҳаловатдан маҳрум этди.

Шубҳасиз, бу ҳукмрон тўдалар халқларнинг – ҳукмрон синф ўз гегемонлиги ва салтанатини давом эттириш мақсадида ўз қўллари билан мустаҳкамлаб қўйган – одатий қолиплардан ташқарига чиқиш ҳақида фикр юритишларидан доим кўрқишади ва бу ҳақ билан ботил кураши бошлангандан бери шундай. Халқлар учун одатдаги қолиплардан ташқарига чиқиш ҳақида фикрлаш доимо қийин ва машаққатли иш бўлиб келган, Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ ءَابَاءَنَا أَوْ لَوْ كَانَ ءَابَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾

«Қачон уларга «Аллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлишса, ҳам-а?» [Бақара 170]

Масалан, куйидаги оятда Бани Исроил саййидимиз Мусо ﷺнинг одамлар одатланган нарсадан ташқарига чиққанини айблаиди:

﴿فَلَمَّا جَاءَهُمْ مُوسَىٰ بِآيَاتِنَا بَيَّنَّتْ قَالُوا مَا هَذَا إِلَّا سِحْرٌ مُّفْتَرَىٰ وَمَا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي ءَابَائِنَا الْأَوَّلِينَ﴾

«Энди қачонки Мусо уларга Бизнинг аниқ-равшан оят-муъжизаларимизни келтиргач, улар – бу ҳеч нарса эмас, фақат уйдирма-сеҳрдир, биз бу нарсани ўтган ота-боболаримиз (замони)да бўлганини эшитмаганмиз, дейишди» [Қасос 36]

Самуд қавми ҳам ўз пайғамбарлари Солиҳ ﷺни айблаган:

﴿قَالُوا يَصْلِحْ قَدْ كُنْتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هَذَا أَتَنْهَلُنَا أَنْ نَعْبُدَ مَا يَعْبُدُ ءَابَاؤُنَا وَإِنَّا لَفِي شَكٍّ مِّمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ مُرِيبٍ﴾

«Улар (бундай) дейишди: «Эй Солиҳ, сен илгари бизнинг орамиздаги умидли киши эдинг-ку, энди бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларга ибодат қилишимиздан қайтарурмисан?! Албатта, биз сенинг даъват қилаётган динингдан шак-шубҳадамиз» [Худ 62]

Мадян аҳли ҳам ўз пайғамбарлари Шуайб ﷺга шундай дейишган:

﴿قَالُوا يَشْعِبُ أَصْلَوْتُكَ تَأْمُرُكَ أَنْ نَتْرَكَ مَا يَعْبُدُ ءَابَاؤُنَا أَوْ أَنْ نَفْعَلَ فِي أَمْوَالِنَا مَا نَشَاءُ إِنَّكَ لَأَنْتَ الْحَلِيمُ الرَّشِيدُ﴾

«Улар (масхара қилиб) дейишди: «Эй Шуайб, биз ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларни тарк қилишимиз кераклигини ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз хоҳлагандек тасарруф қилмаслигимиз кераклигини сенга ўқиётган намозинг буюрмоқдами? Ҳақиқатан, сен ҳалийм

(жуда кўнгилчан) **ва рашид** (тўғри йўлни топиб олган) **кишисан-да!»** [Худ 87]

Ўзгариш ҳақида қолипдан ташқарида фикрлаш осон иш эмас, зеро одатни тарк этиш мушкул. Халқлар одатий қолиплар доирасидаги ўзгариш ҳақида фикрлашга одатланиб қолишган. Бу ҳол кўникилган одатий қолипларга нисбатан ишонч йўқола бошлагунига қадар давом этади. Агар уларга нисбатан ишонч йўқолса, халқлар одатий қолиплар доирасидан ташқаридаги ўзгариш ҳақида фикрлашга ўтади. Бу эса бугунги кунда инсоният ўта муҳтож бўлган нарсадир. Инсониятнинг демократия ва капитализмнинг, булардан олдин социализмнинг бузуклигига ҳамда ўзини қутқарувчи ўзгаришга нақадар муҳтож эканлигига қаноат ҳосил қилиши хурсанд бўладиган ишдир. Ушбу халқлар ўзларига бахтсизлик ва машаққат келтирган ҳамда бахт ва хотиржамликдан маҳрум қилган анави мабда ва тузумларни тажрибадан ўтказишганидан сўнг, шундай бўлиши табиий. Буни Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا﴾

«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга танг-бахтсиз ҳаёт бўлур» [Тоҳа 124]

деган каломи тасдиқлаб турибди. Аллоҳим, Ислом Уммати ва у билан бирга бутун инсоният учун демократик капитализм зулматидан ҳамда бошқарув ва ҳукмрон тўдалар келтирган тангликдан Ислом адолати ва мусулмонлар Халифалигига олиб чиқувчи зотларни муҳайё қилиб бер. Чунки, Ислом ҳаёт ва турмуш тузуми сифатида қайтмас экан, на Ислом Уммати ва на бутун инсоният учун ўзлари гирифтор бўлган бахтсизлик ва машаққатдан халос бўлишга ҳеч қандай умид йўқ. □

ХАЛИФАЛИК: АМЕРИКАНИНГ ГЕГЕМОНИК РЕЖАСИГА ҚАРШИ ТУРИШ УЧУН СТРАТЕГИК АЛЬТЕРНАТИВАДИР

Др. Мухаммад Жийлоний

Мукаддима: Дунё тартибсизликдан чарчаган пайтда

Бугунги кунда дунё тобора изтиробли тус олаётган глобал манзара қаршисида турибди. Унда Ғарбнинг эркинлик ва адолат ҳақидаги шиорлари куламокда, демократия эса иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронликни беркитувчи бир ниқобга айланмокда. Бутун дунё кўплаб ҳарбий базалар ўрнини эгаллаган глобаллашув кишанлари исканжасида асир бўлиб эзилмокда. Ушбу парчаланиш фақатгина иқтисодий кризис ёки ўткинчи ҳарбий тўқнашув билан чекланиб қолмаяпти, балки ўз маъно-моҳиятини тугатган халқаро тизимнинг ахлоқий, фикрий ва ҳазорий (цивилизация) емирилишини ифодаламокда. Дунёдаги бу аччиқ воқелик қаршисида моддани руҳ билан қориштирадиган, ҳукмронликни қийматлар билан тартибга соладиган ва инсониятнинг кенг қамровли кризисига адолатли ечим тақдим эта оладиган янгича қарашга эҳтиёж катта, бу яққол кўриниб турибди.

«The Middle East Paradigm» (Яқин Шарқ парадигмаси) китобига киритилган тарихий фактлар ўрганилиб, улар ҳақида чуқур ва ёрқин мулоҳаза юритилганидан сўнг қуйидагилар аён бўлди: Исломиё Халифалик – шунчаки ўткинчи мозий ёки тарих эмас, балки, Вашингтон ўнлаб йиллар давомида етакчилик қилиб келган гегемонлик режасига «ҳақиқий альтернатива» бўла оладиган реал стратегик лойиҳадир. Миллатчилик, илмонийлик ва либерализм каби четдан келтирилган моделларнинг нафақат Яқин Шарқда, балки дунёнинг аксарият минтақаларида ҳақиқий мустақиллик ва уйғонишни рўёбга чиқаришдаги муваффақиятсизлиги воқеий тажрибаларда исботланди. Бу ҳолат Ислом Умматини шу кунгача бирлаштирувчи лойиҳасиз қолдирди, натижада Уммат тарихни шакллантиришда фаол иштирокчи бўлиш ўрнига, ташқи тажрибалар учун унумдор заминга айланиб қолди.

Шунга кўра, инқирознинг асл моҳияти шундаки, Исломиё Уммат бугунги кунда бирлаштирувчи лойиҳасиз қолди. Минтақа «империялар учун стратегик чорраҳа»га айланди. У ерда тарихнинг материали бўлиш ўрнига, уни шакллантиришга қодир мустақил ирода мавжуд эмаслиги сабабли, нуфуз ва ҳукмронлик бошқа кучлар ўртасида тақсимланадиган (қўлдан-

қўлга ўтадиган) майдонга айланиб қолди. Олий қийматларга асосланган ҳукмронлик лойиҳасининг йўқлиги ахлоқий ва сиёсий бўшлиқни юзага келтирди. Гегемон кучлар эса «Яқин Шарқнинг геосиёсий барқарорлиги» ниқоби остида ўз манфаатлари йўлида мана шу бўшлиқдан фойдаланишмоқда.

Америка гегемонлигининг тарихий илдизлари: Империядан гегемонликкача

Яқин Шарқ минтақаси XX аср бошидан бери кескин геосиёсий ўзгаришга гувоҳ бўлди. Бу жараён 14 асрдан кўпроқ давом этган Халифалик давлати тимсолидаги исломий тузумнинг қулашида намоён бўлди ва унинг қулаши Ислом оламининг Британия, Франция, Италия ва бошқалар каби турли Европа давлатлари бўлишиб олган заиф вужудларга парчаланиб кетишига олиб келди. Бунинг ортидан АҚШ гегемонлиги Европа империялари ўрнини босқичма-босқич ва тизимли равишда эгаллай бошлади.

АҚШ Иккинчи жаҳон урушидан сўнг империяларнинг заифлашиши ва қулаши натижасида юзага келган бўшлиқни тўлдиришга ҳамда «Совуқ уруш» доирасида коммунистик оқимга қарши мустаҳкам туришга асосланган глобал қарашни шакллантириш устида иш олиб борди. Мазкур қарашдан кўзланган мақсад шунчаки нуфузни қўлга киритишгина эмас, балки анъанавий мустамлакачиликдан фарқ қиладиган янгича ҳукмронлик моделини шакллантиришдан иборат эди.

Бу ўзгариш минтақадаги АҚШ гегемонлигининг тамал тоши бўлган Миср мисолида яққол намоён бўлди. Чунки, 1956 йилги Сувайш урушидан сўнг Британия ўз нуфузини қайта тиклай олмагач, АҚШ унинг нуфуз ўрнини эгаллади. АҚШ анъанавий кучларни Мисрдан тортиб Эронгача, сўнгра Ироқ, Саудия ва Суриядан бирин-кетин сикиб чиқаришга, шунингдек ўзини минтақавий режимлар устидан ҳукмрон ҳамда хавфсизлик ва молиявий жиҳатдан кафил сифатида ўрнатишга муваффақ бўлди. Бундан кўзлаган асосий мақсади минтақанинг географик ва сиёсий харитасини қайта чизиш ҳамда минтақада Ислом мабдасига асосланган тузумнинг қайтишига йўл қўймаслик эди. Зеро, АҚШ шуни жуда яхши англадики, унинг Яқин Шарқдаги гегемонлигига, қолаверса, дунё миқёсидаги мавқеига таҳдид солувчи омил – Ислом мабдасига иймон келтирувчи Уммат томонидан кўтариб чиқиладиган ҳамда дунёга АҚШ капитализми, глобаллашуви ва янги

мустамлакачилигига муқобил лойиҳани тақдим этадиган мабдаий тузумдир.

АҚШнинг минтақага аралашуви Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги шароитлар тақозо этган тасодифий ҳодиса эмас, балки дунёнинг энг муҳим минтақаси устидан тўлиқ АҚШ гегемонлигини ўрнатиш кўзланган методик стратегия эди. Бу стратегияга АҚШ президенти Трумэн даврида (1949-1953 йилларда) асос солинган бўлиб, унинг давлат котиби Дин Ачесон ўзининг «Present at the Creation: My Years in the State Department» (Яратилиш палласида: Давлат департаментида ўтган йилларим) номли китобида бу стратегиянинг айрим қирраларини очиқ берган. Ушбу китобида у жумладан шундай деган: «Мақсадимиз фақат Британия ва Франциянинг мустамлакачилик ролини алмаштиришига эмас, балки турли воситалар ёрдамида янги минтақавий тартибни яратишдан иборат». Бу эса аввалги мустамлакачилик гегемонлигидан қолишмайдиган, бироқ янгича қиёфадаги гегемонликни англатади.

Ҳанузгача ўз кучини йўқотмаган бу стратегиянинг энг муҳим мақсадлари: қазилма бойликлар, жумладан нефть ва газ оқимини, сув йўллари хавфсизлиги ва фаолиятини, глобал хавфсизлик ва мавжуд вазиятга таҳдид солувчи бирор тузумнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун «сиёсий барқарорлик»ни кафолатлашдан иборат. Гарчи бу стратегия ишлаб чиқиляётган вақтда, зоҳиран ўша пайтдаги Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги ҳукмронлигига тўсқинлик қилишга қаратилгандек кўринса-да, лекин у Совет Иттифоқи қулаганидан кейин ҳам давом этди. Бугунги кунда минтақада АҚШнинг минтақавий ва халқаро миқёсдаги манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган ягона сиёсий тузум – кутиляётган Халифалик давлати тимсолидаги Ислом тузумидир. Бу ҳақиқатни Жорж Буш, Рамсфелд, Дик Чейни ва бошқа кўплаб АҚШ етакчилари очиқ эътироф этишган.

Жумладан, кичик Буш давридаги мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг баёноти бунга яққол мисолдир. У шундай деган эди: «Биз ёвуз душманга юзма-юз келмоқдамиз, радикал исломчилар мавжуд ва улар бу дунёда Халифаликни барпо этишга ҳамда миллий давлатлар табиатини тубдан ўзгартиришга қасд қилганлар. Биз эса улар билан фикрий рақобатга киришишга ҳамда уларнинг ҳақиқатини ва нақадар

Халифалик: Американинг гегемонлик режасига қарши туриш учун стратегик альтернативадир ваҳший эканликларини очиб беришга тараддудланмоқдамиз». (Дональд Рамсфелд, 2011).

Замонавий тадқиқотлар – хусусан, ташқи алоқалар кенгаши ва стратегик тадқиқот институтлари томонидан тузилганлари – шуни кўрсатдики, АҚШ Яқин Шарқ тизимининг ичидан маҳаллий воситаларни пайдо қилиш устида иш олиб бормоқда, токи улар Яқин Шарқ хавфсизлигини ҳамда унинг геосиёсий ва фикрий барқарорлигини АҚШ бошқаруви остида таъминлаш вазифасини бажаришсин. Бу ҳолат 2018 йилги Брукингс (Brookings) институти маълумотларида ҳам ўз тасдиғини топган бўлиб, унда мазкур вазифа АҚШ ва Россиянинг назорати ва қафолати остида Туркия, Эрон, «яхудий вужуди» ва Саудияга юклатилиши тахмин қилинган эди, бу эса «4+2» модели деб аталган лойиҳадир. («Ал-Ваъй» журналининг 471-сони, «Янги Яқин Шарқ модели: Америка гегемонлигими ёки Ислом ва унинг Халифалиги?» мақоласига қаранг).

АҚШ ўз нуфузини Миср, Эрон, Ироқ, Сурия, Саудия ва Суданнинг ҳар бирида тўлиқ ёки қисман ёйишга муваффақ бўлгач, ушбу стратегияни амалга ошириш сари кенг қадамлар ташлади. Бундан ташқари, Форс кўрфази ва Иорданиядаги ҳарбий базаларини – деярли ҳарбий босқинчилик орқали – шакллантирди.

Шубҳасиз, ушбу «барқарорлик» моделидан кўзланган асосий мақсад минтақада барқарорлик ва фаровонликка эришиш эмас. Балки бундан барқарорликни шундай бошқариш кўзланганки, ушбу жараён ясалаётган ва чизилаётган географик ўзгаришларга тўсқинлик қилсин ҳамда расмий режимлар ўзгаришига йўл қўймасин. Бундан кўзланган мақсад эса, минтақада ҳар қандай бирлаштирувчи вужуд ёки мустақил уйғониш лойиҳаси пайдо бўлишини олдини олишдир. Шу боис давлатларнинг тўртта устун ўртасидаги мувозанати сақлаб турилади. Бу эса, бирор томоннинг бошқа томондан узил-кесил устун келмаслигини таъминлайди, шунингдек, ресурслар оқимининг узлуксизлигини таъминлайди ва энг муҳими, Халифалик давлати тимсолидаги исломий моделнинг пайдо бўлмаслигини таъминлайди. Зеро, ушбу давлатларнинг ҳар бирида Халифаликнинг қад кўтаришига тўсқинлик қилиш учун ўзларига хос жиддий сабаблар мавжуд.

АҚШнинг Яқин Шарқ харитасини ўзининг мутлақ гегемонлиги остида чизиш лойиҳаси 75 йилдан бери давом этаётган бўлса-да, ҳамон тўсиқларга учрамоқда. Буларнинг энг

каттаси яҳудий вужудидир. Чунки у зўрлик билан ҳудудларни босиб олишга, қолган фаластинликларни ҳам ватанидан ҳайдаб чиқаришга ва минтақадаги бирор давлатнинг яҳудий вужуди эга бўлган қуролларга тенг келадиган стратегик қуролларга эгалик қилишини олдини оладиган ҳарбий диктатура ўрнатишга уринмоқда.

Афтидан, аини пайтда яҳудий вужудига нисбатан бўлаётган улкан Америка босимларидан уни АҚШ стратегияси бўйича юришга мажбурлаш кўзланган кўринади. Бу минтақада мазкур вужуднинг чегаралари ва мавжудлигига оид хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан келиб чиқмоқда.

Бу ҳолат яҳудий вужуди олиб бораётган этник тозалаш ва оммавий қиргин операцияларининг қўллаб-қувватланганида, шунингдек, стратегик тийиб туриш вазифаси барқарорликнинг асосий кафили, яъни АҚШ зиммасида эканлигига яҳудий вужудини қаноатлантириш мақсадида Эрон ядровий иншоотларига зарба бериш учун қилинган тезкор аралашувда яққол намоён бўлди. Шунга қарамай, яҳудий вужуди – бир қанча сабабларга кўра – АҚШ андозасидаги янги Яқин Шарқ тизими занжиридаги энг сўнгги тугун-муаммо бўлиб қолмоқда.

Америка ва исломий лойиҳа ўртасидаги Яқин Шарқ келажаги бўйича кураш:

Шу ерда бир муҳим савол туғилади: Яқин Шарқ АҚШ истаган тарзда барқарорлашадими? Ёки унинг модели билан рақобатлашадиган, балки унга қарши тура оладиган бошқа бир модель борми?

Америка моделидаги Яқин Шарқнинг барқарорлиги икки жиҳатга боғлиқ: Биринчидан, халқаро миқёсда ва глобал тизимда барқарорликнинг давом этиши, яъни АҚШ ўз тахтида бардавом ўрнашиб олиши. Бунинг давом этишини тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, биз Аллоҳ Таолонинг Китобида ўқиб турганимиздек:

﴿لَا يَغْرَتْنَاكَ تَقَلُّبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْبِلَادِ ۗ مَتَّعٌ قَلِيلٌ لِّمَنْ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمِهَادُ﴾

«Сизни кофирларнинг шаҳарларда кезишлари алдаб-қўрқитиб қўймасин! (Бу кезишлари) озгина матодир, қолаверса, жойлари (албатта) жаҳаннам бўлғай, у нақадар ёмон жойдир!» [Оли Имрон 196-197]

Халқаро вазият ва глобал тизим ўзгарувчан бўлиб, улардаги барқарорлик босқичма-босқич характерга эга, доимий эмас. Бу тизимни қулашга етакловчи беқарорлик омиллари бисёр бўлиб,

уларнинг энг асосийси: халқаро ва стратегик тусдаги урушларнинг бошланишига сабаб бўладиган сиёсий ва ҳарбий можаролардир.

Бунга Россия ва Украина ўртасидаги уруш яққол мисолдир. Айрим Европа давлатлари бу низога НАТО альянсини жалб қилиш ҳаракатидан тўхтамаяпти. АҚШнинг ўта эҳтиёткорлиги ва НАТОни унга аралаштирмаслик борасидаги қатъиятига қарамай, халқаро саҳнадаги ҳарбий ва сиёсий шароитлар уруш кўламнинг кенгайишини тақозо этиши мумкин. Бундай уруш, бир томондан, глобал барқарорликка таъсир кўрсатса, бошқа томондан, АҚШнинг бор эътиборини минтақалар устидан назорат ўрнатиш ўрнига, халқаро вазиятга қаратишига олиб келади.

Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги такрорий кризислар борасида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу кризислар мунтазам равишда ҳарбий тўқнашувларга айланиб туради. АҚШ эса мазкур ҳарбий низонинг стратегик қуроллар қўлланиладиган урушга айланиб кетишига йўл қўймаслик учун доим аралашиб келмоқда. Чунки агар шундай уруш юз бергудек бўлса, халқаро тизим кулаш хавфи остида қолади. Шунингдек, Хитой ва Тайвань масаласи ҳам ҳарбий ҳаракатларга айланиб кетиши ва низо халқаро можаро даражасига кўтарилиши мумкин. Хусусан, Хитой сифат жиҳатдан ноёб стратегик қуролларга эга бўлган бир пайтда, Тайвань АҚШ билан бўлган иттифоқидан бошқа ҳеч қандай кучга эга эмас. Шундай қилиб, Яқин Шарқ минтақасининг Америка андозасидаги барқарорлиги халқаро миқёсдаги барқарорлик билан муқаррар равишда боғлиқ. Чунки халқаро вазият, ўз навбатида, олов ёқасида турибди ва исталган вақтда портлаши мумкин.

Қолаверса, халқаро сиёсий тизим – ҳар қачонгидан ҳам кўра – глобал иқтисодий ва молиявий тизимлар билан тубдан боғлиқ бўлиб қолди. Гувоҳ бўлганимиздек 2008-2010 йиллардаги молиявий қулаш даврида АҚШнинг турли глобал сиёсий соҳалар устидан чангали шу даражада заифлашдики, «Араб баҳори» АҚШ ўнлаб йиллар давомида барпо этган режимларни супуриб ташлашига оз қолди. Агар араб давлатларидаги халқ кўзғолони аниқ сиёсий қараш ва мабдаий фикрга асосланганида эди, Яқин Шарқ АҚШ гегемонлигидан мустақил бўлиб, Ислом асосидаги мабдаий қарашга таянган янги Яқин Шарқни барпо этишга қодир бўлар эди.

Бугунги кунда молиявий ва иқтисодий вазият ҳам барқарорлик ва саботдан мутлақо йироқ. Бунга АҚШнинг божхона тўловларини ошириш ва айрим давлатлар – хусусан, Россия ва Хитой – савдосига нисбатан санкциялар қўллаш борасидаги тажовузкор сиёсатини, шундан келиб чиқиб, «БРИКС» каби АҚШ гегемонлигидан холи иқтисодий мустақилликни вужудга келтиришга интиладиган халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишини ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Ушбу барча аломатлар иқтисодий тизимнинг таг-туғи билан кулашига доимий таҳдид бўлиб қолмоқда. Хусусан АҚШ қўллаётган иқтисодий чоралар молиявий инфляциянинг кескин ошишига олиб келмоқда. Бунга сабаб, унга мутаносиб иқтисодий ўсиш кузатилмаган ҳолда улкан миқдордаги нақд пул маблағларининг – айниқса долларнинг – муомалага киритилишидир.

Бунинг устига, молия бозорларидаги доллар гегемонлигидан қочиш мақсадида криптовалюталар чиқариш ва улардан фойдаланиш кўламининг улкан даражада кенгайгани ҳам қўшимча бўляпти. Зеро, криптовалюталарнинг – турли навлари билан биргаликда – миқдори реал доллар миқдорига тенглашса ёки ундан ошиб кетадиган бўлса, бутун молия олами портлайди ва бир лаҳзада ҳўлу қуруқни баравар куйдирувчи улкан вулқон оғзида қолади.

Криптовалюта бозорининг хавфсизлиги ҳақида тарқалган гап-сўзларга қарамай, у электрон киберхужумлар оқибатида бир кечадаёқ ғойиб бўлиши мумкин. Бунга кўмаклашадиган ва унинг содир бўлиш вақтини – хоҳ ҳозирок, хоҳ босқичма-босқич бўлсин – тезлаштирадиган омил эса сунъий интеллект соҳасидаги улкан тараккиётдир. Чунки у тизимларни бузиб кириш учун талаб этиладиган вақтни кунлар ва ойлардан санокли дақиқаларгача қискартиради.

Ушбу молиявий ва иқтисодий вазиятлар, сиёсий кризислар ва халқаро таъсирга эга минтақавий урушларнинг барчаси шунга ишора қиладикки, дунёнинг биринчи давлати ўзининг 75 йилдан бери давом этиб келаётган лойиҳасини охирига етказишига имкон берадиган ҳолатда барқарор туриши хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Зеро, минтақа давлатлари ташқи манфаатлар гаровида қолиб кетди ва ўзларининг мустақил стратегик қарорларига эга эмас. Минтақавий давлатлар ва ажнабий кафиллар бу можарони муолажа қилиш ўрнига, ундан

босим ўтказиш карталари сифатида фойдаланиб, уни бошқаришяпти. Бундан ташқари, адолат олий қадрият сифатида ғойиб бўлиб, унинг ўрнини прагматик манфаатлар мантиғи эгаллади ва бу мавжуд сиёсий режимларга бўлган ишончнинг емирилишига олиб келди ҳамда бу аҳвол минтақанинг ўз қаъридан етилиб чиқадиган стратегик ўзгариш учун қулай шароит яратмоқда.

Биз ушбу жараёнларга, хусусан, АҚШ гегемонлигининг ўзига бевосита ёки билвосита тобе юртларда кўрсатган таъсирига синчиклаб назар солсак, шу нарса аён бўладики, айнан мазкур гегемонликнинг ўзи минтақа халқларида мавжуд бўлган манҳажий альтернативаларни ҳаракатга келтириш учун кучли «ёқилғи» вазифасини ўтамоқда.

АҚШ гегемонлиги қаерга ўрнашган бўлса, у ерга фақирлик, муҳтожлик ва очлик олиб келди. Бу вазиятлар эса курашга чорлайдиган ва портлашга ундовчи энг кучли омиллардан биридир.

Қолаверса, АҚШнинг турли минтақалар устидан ўрнатган гегемонлиги доимо минтақа халқларининг ўз ҳукмдорларига нисбатан ғазаб-нафрати кучайиши билан бирга кечмоқда. Чунки ҳукмдорлар АҚШнинг буйруқ ва ижозатисиз кимир этишмаяпти. Бу ҳолат сентябр ойида яҳудий вужуди Қатар пойтахти Давҳада амалга оширган ҳужумдан сўнг, айти шу шаҳарда ўтказилган Араб-исломий саммити мисолида яққол намоён бўлди. Буларга қўшимча, минтақадаги айрим давлатлар мусулмонлар ақидасини маҳаллий ва халқаро кураш майдонларидан узоқда тутиш учун ниқоб қилиб келган «сохта исломий тасаввур» батамом фош бўлди. Энди Исломни фақат масжид деворлари орасида ҳукмдорлар ва уларнинг режимларига ҳамд-сано айтишдан иборат қилиб кўрсатувчи бундай хомхаёлларнинг мусулмонлар ақли ва руҳияти устидан ҳеч қандай ҳукми қолмади.

Шу боис, ҳануз Яқин Шарқ устидан ҳукмронлик қилишга интилаётган ва шу ҳукмронлик орқали ўзига рақобатчи тузумнинг қайтишига тўсқинлик қиляпман деб ўйлаётган АҚШ гегемонлиги – минтақа бошига солган кулфатлар, вайронагарчилик, фақирлик, очлик ва бойликларнинг талон-торож қилиниши туфайли – уни минтақадан тамомила суғуриб ташлашга, нафақат шу, балки уни халқаро миқёсда ҳам таъқиб этишга қаратилган ҳақиқий кураш чўғини қайтадан аланга олдиarmoқда.

АҚШ тўлиқ гегемонлигини ёйишга ва ўзи хоҳлаган кўринишда барқарорликни рўёбга чиқаришга интилаётган бир пайтда, унинг қаршисидаги вазиятни янада мушкуллаштираётган омил шуки, минтақа халқларини ҳақиқий уйғониш ва тўлиқ суверенитетдан чалғитиш (буриб юбориш) учун қўлланилиши мумкин бўлган воситаларнинг барчаси батамом ишга солиниб, тугаб бўлди.

Араб, турк, форс каби кенг қамровли миллатчилик, Саудлар, Ҳошимийлар, Сабоҳлар каби чекланган қабилачилик, Иордания, Сурия, Миср, Ироқ каби жугрофий давлатчилик, буларнинг барчаси тажрибадан ўтказилиб, ўз имкониятларини тугатди, нуқсонлари фош бўлди. Эндиликда улар халқларни қайта ўз ортидан эргаштиришга қодир эмас, аксинча, масхара ўрни ва интиқом нишонига айланиб қолди.

Шунингдек, эркинлик ва суверенитет каби иккиламчи тушунчаларнинг нуқсони, ёлғони ҳамда уларнинг хўжайинлари ва малайларининг кўзбўямачилиги очилиб бўлди, энди бу нарсалар минтақа фарзандларини заррача таъсирлантира олмайдиган бўлиб қолди. Худди шундай, аниқ мақсадга эга бўлмаган «Ўзгариш учун инқилоб» шиори ҳам энди минтақа халқлари учун ҳаракатлантирувчи куч мақомини йўқотди.

Мусибатларнинг энг даҳшатлиси Ғазо уруши бўлди. У барча сирларни фош этиб, ҳар бир хоинни шармандаи шармисор қилди. У шуларни очик кўрсатди: модомики Уммат жиловни ўз қўлида эмас экан, унинг ақидасига чин дилдан ишонган, дардларини ўз дарди деб билиб, яраларини даволайдиган етакчига эга бўлмас экан, Уммат на бир очни тўйдиришга, на бир касални кутқаришга, на ожиз қария ёки аёлни ҳимоя қилишга ва на ваҳшиёна қатлиомни тўхтатишга қодирдир. Бугун Уммат ишларини эгаллаб олганларнинг ҳеч бирида бу хислатлардан асар ҳам йўқ.

Шундай қилиб, минтақа икки қарама-қарши кучнинг тўқнашув нуқтасига айланди: Бир томонда АҚШнинг ёлғон, сароб, такаббурлик ва зўравонлигига таянган оқими. Иккинчи томонда эса, Уммат вужудидаги сўнмас кучли ақида оқими. Гарчи бу ақида чўғи узоқ йиллар кул остида қолган бўлса-да, у ҳеч қачон сўнмаган. Бу куч бепарволик туфайли тўсатдан бой берилган етакчиликни қайтариб олиш ва уни – Умматга икки дунё бахтини берадиган тарзда кўтариб чиқадиган – ҳақиқий эгаларига қайтариш учун курашмоқда. Ушбу оқим инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат сифатида, шунингдек, Аллох

Ўз пайғамбарларига нозил қилган рисолатни ва ҳақ билан ботилни, яхши билан ёмонни, пок билан нопокни ажратувчи мезонни қабул қилиб олган Умнат сифатида яна бир бор минтақада, сўнгра бутун дунёда етакчилик ўрнини эгаллашга интиломда. Худди Аллоҳнинг Китобидаги Ҳадид сурасида келгани каби:

﴿لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ وَأَنْزَلْنَا الْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنْفَعٌ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ وَرُسُلَهُ بِالْغَيْبِ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Қасамки, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик. Яна Биз темирни туширдик-яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ гайбда (бандалари кўзига кўринмасдан) турган ҳолида Ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ёрдам берадиган кишиларни билиш учун (темирни яратди). Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир» [Ҳадид 25]

Америка гегемонлиги муқобилидаги исломий лойиҳа:

Аниқ ҳақиқат шуки, Исломий Халифалик давлатини – Муҳаммад ﷺ барча ўтмиш рисолатларга хотима ўлароқ келтирган Ислом низомини татбиқ этиш тариқати ҳамда уни дунёнинг турли бурчакларидаги бутун инсониятга намуна сифатида тақдим этиш воситаси сифатида – қайта барпо этиш сари ҳаракатланаётган ушбу оқим ҳукмронлик ва бирлик жавҳарини бир қанча устунлар орқали ўзида мужассам этган беқиёс намунадир. Ушбу устунларнинг энг муҳимлари куйидагилардир:

Биринчи устун: Суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳукуки)нинг шариатга, яъни Аллоҳ Таолонинг амрига хослиги. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам ҳеч қандай ботил-ноҳақлик келмайди ва башариятга қўлланган барча суверенитет турларига ҳукмронлик қилган ҳавойи нафснинг ҳеч бир кўриниши у билан беллаша олмайди. Буни англаш учун жами бойликларнинг 90%дан ортиғи ер юзи аҳолисининг 0,5%идан ошмаган бир сиқим кимсалар қўлида тўпланиб қолганига назар солишнинг ўзи кифоя. Ушбу мабда илоҳий қонунни барча инсоний ҳокимиятлардан устун қўяди, давлатнинг якка шахс ёки муайян табақанинг диктатурасига айланиб қолишидан

химоя қилади ҳамда ҳукмдорнинг чекланмаган ваколат эгаси эмас, балки Аллоҳнинг амри билан чекланган бўлишини кафолатлайди.

Иккинчи устун: Дунё аҳолисининг тахминан 25%ини ташкил этувчи Умнат бирлигининг рўёбга чиқиши. Қачонки парчаланиб кетган мусулмон ўлкалар ҳеч қандай ташқи кучларга таянмайдиган ҳамда ўзининг хавфсизлик, иқтисодий ва сиёсий қарорларида хорижий кучларга тобе бўлмаган ягона мустақил давлатда жамланса, ана ўшанда мазкур Умнат ўзидаги яхшилик ва адолатни бошқа инсонларга ҳам етказиш имконига эга бўлади.

Ушбу оқим эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Яқин Шарқдаги янги-эски лойиҳалар муаллифи бўлган АҚШ ҳам ушбу оқимни ва унинг нақадар қудратли эканини тўлиқ англаб етмоқда. Шу боис уни турли воситалар билан барбод қилиш ҳаракатида. У «терроризмга қарши кураш» деган нарсани тўқиб чиқарди ҳамда одамларни Ислоннинг ҳазорий лойиҳасидан чалғитиш мақсадида тўқиб чиқарган «терроризм» сифатига тушадиган ҳаракат ва ташкилотларни айнан ўзи вужудга келтирди. Бирок, бугунга келиб ушбу лойиҳанинг асл башараси очилиб, макр-ҳийласи фош бўлди.

Америка – ундан олдин ва у билан бир қаторда Британия, Франция ва бошқа Европа давлатлари – Ислоннинг ҳазорий қалъасини қайта тиклашга даъват қилаётган инсонларнинг ҳар қандай ҳаракати ёки фаолиятини тақиқлаш устида ишлашди. Минтақадаги ўз малайлари зиммасига ушбу қалъани қайта барпо этишга чорлаётган ҳар қандай «нафас»га қарши аёвсиз кураш мажбуриятини юклашди.

Шунга қарамай, Ислон оқими ҳаракатланишда давом этди ва ўз қаршисида турган барча тўсиқларни бузиб ўтишга қодир бўлгунга қадар кучайиб боради.

Америка ва собиқ мустамлакачилик малайлари ҳануз ўз тузумларининг ифлослигидан мусулмонлар эътиборини чалғитишга уринишяпти. Улар зулм ва куфрнинг турли шакллари билан бир қаторда «шаръий ечимлар» тақдим этадиган молиявий ва ижтимоий муассасалар тузишяпти. Токи Аллоҳ ва Росулига уруш эълон қилган судхўр банклар «исломий» банклар билан бемалол ёнма-ён ишлаб турсин. Фиску фаҳш уясига айланган университетлар ёнгинасида, иффатини сақламоқчи бўлганлар учун сохта «шаръий бошпана» вазифасини ўтовчи мадрасалар ҳам қад кўтарсин.

Шу тариқа, уларнинг исломий қувватни ўз мазмун-моҳиятидан маҳрум этишга қаратилган фаолияти давом этмоқда.

Шунга қарамай, Ислом оқими муттасил юксалиб бормоқда; токи суверенитет фақат Аллоҳнинг шариатига хос бўлсин, ботил ҳақ билан ёнма-ён турмасин, адолат зулм билан бир майдонда жамланмасин ҳамда ҳукм башариятдан бирор кимсага эмас, балки бутунлай Аллоҳгагина тегишли бўлсин.

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ҳукм фақат Аллоҳникидир, У сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюрган. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар» [Юсуф 40]

Шундай қилиб, Яқин Шарқ минтақаси – ҳажми ва таъсири жиҳатидан ҳамда улардан келиб чиқадиган улкан оқибатлар нуқтаи назаридан – икки йирик лойиҳа учун ҳамон «қайноқ майдон» бўлиб қолмоқда: Америка оқими ловуллаб турган ёмонликдан, узлуксиз эзишдан ва минтақа бойликларини битта ҳам қўймай талон-торож қилишдан дарак беради. Бирок у – муқаррар равишда ва олдинроқ ёки кейинроқ содир бўлишидан қатъий назар – яқин кунларда шармандали мағлубиятга маҳкумдир. Зеро, одамлар рози бўлишса ҳам ёки ғазабланишса ҳам, Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир.

Ислом оқими – яъни ҳақ байроғини, Ислом байроғини, Уқоб байроғини, Росулulloҳ ﷺнинг байроғини баланд кўтариб бораётган ушбу умидбахш оқим – муқаррар равишда нусрат кучади. Модомики унинг байроғини Ислом тариқатини теран англаган, ўз ақидаларидан куч олган, Умматига ғоят ғамхўр, жонларини қафтларига қўйиб, Роббилари розилиги сари дадил қадам ташлаётган йигитлар баланд кўтариб борар экан, шундай бўлиши муқаррар.

Осмонлар ва ерни яратган Зотга қасамки, албатта, бу очиқ-ойдин ҳақиқатдир ва Аллоҳнинг амрини қайтарувчи йўқдир. Бас, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш йўлида дадил қадам ташлаб, Унинг лашкарлари сафидан ўрин олишга интилган киши нақадар бахтлидир! Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишига етгувчидир. Америка эса, ҳар қанча куч-қудратга эга бўлмасин, барибир Фиръавн ва Ҳомондан кучлироқ, Од ва Самуд қавмидан қудратлироқ эмас.

Аллоҳ Таоло Қасос сурасида бундай деди:

﴿إِنَّ فِرْعَوْنَ عَلَا فِي الْأَرْضِ وَجَعَلَ أَهْلَهَا شِيَعًا يَسْتَضِعُّ طَائِفَةً مِنْهُمْ يُدَبِّحُ أَبْنَاءَهُمْ وَيَسْتَحْيِي نِسَاءَهُمْ إِنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُفْسِدِينَ ﴿٥٠﴾ وَنُرِيدُ أَنْ نَمُنَّ عَلَى الَّذِينَ اسْتَضَعُوا فِي الْأَرْضِ وَنَجْعَلَهُمْ أَيْمَةً وَنَجْعَلَهُمُ الْوَارِثِينَ﴾

«Дарҳақиқат Фиръавн ерда тугёнга тушиб, унинг аҳолисини бўлак-бўлак қилди. У улардан бир тоифани (яъни Бану Исроил қавмини) хорлаб ўғилларини сўяр, аёлларини тирик қолдирар эди. Албатта у бузғунчи кимсалардан бўлди. Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хор-бечораликдан) чиқариб, барчага пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкининг) ворислари қилишни истаймиз» [Қасос 4-5]

Иккинчи тарихий имконият:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسَّخَرَنَّ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзиде халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Исломи) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳолини) хавфу-хатарлардан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди» [Нур 55]

Бизнинг айни дамдаги тарихий лаҳзамиз геосиёсий ва ахлоқий ўзгаришлар палласидир. Бу жараёнда эски тузум куламоқда, янги тузум эса ҳануз дунёга келмади.

Бас, ушбу омилларнинг барчаси – тузумнинг ҳолдан тойиши, кетма-кет келаётган иқтисодий инқирозлар ҳамда ахлоқий ва ҳазорий ишончини бой берган Ғарб оламига нисбатан ишончининг йўқолиши, буларнинг барчаси – жамлаиб, «Уммат учун иккинчи тарихий имконият» пайдо бўлишига ёрдам беради.

Уммат учун Исломи лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у шунчаки ҳукмронликка муносабат билдириш ҳолатидан унга муқобил ечим тақдим этиш босқичига ўтишни ифодалайди.

Исломи фикр ўн йилликлар мобайнида Ғарбга раддия билдириш ва ўзига тегишли бўлмаган майдонда ўзини ҳимоя қилиш билан машғул бўлиб келди ҳамда муаммоларнинг ғарбча қолиплари билан чекланиб қолди. Аммо бугунги кунда вазият бутунлай тесқари тус олди: эндиликда айнан Ғарбнинг ўзи

ишонч ва қийматлар кризисидан азият чекмоқда. Уммат эса инсониятга ечим тақдим этишга даъват қилинган.

Бу нуқтаи назар Ислом географияси сарҳадларидан ҳатлаб ўтиб, инсоният келажагига доир янги тасаввурни тақдим этади. Зеро, Ислом – ўзининг туб моҳиятига кўра – бирор умматнинг бошқаси ҳисобига манфаат кўрадиган лойиҳаси эмас, балки инсонни инсонга қуллик қилишдан қутқарувчи оламшумул озодлик рисоласидир. Айнан шу доирада Халифалик том маънодаги инсоний лойиҳага айланмоқда. Чунки у дунёнинг таянч нуқтасини Америка модели маҳкум бўлган манфаатпарастликдан Ислом Уммати моделига асос бўлган қийматларга, шунингдек, ўзаро низолардан ҳамкорликка кўчиради ҳамда куч гегемония қуроли эмас, балки адолат хизматкорига айланадиган янги халқаро тузумни барпо этишни мақсад қилади.

Ушбу нуқтаи назарнинг мухтасар мазмуни қуйидагича:

«Бугунги дунё энг кучли давлатга эмас, энг одил фикрга муҳтож».

Агар биз мутлақ илоҳий адолатга асосланган, олдидан ҳам, ортидан ҳам ҳавойи нафс ва ботил яқинлаша олмайдиган одил фикрга асос сола олсак, у ҳолда унга хизмат қилувчи қудратли давлат вужудга келиши муқаррар.

Бугунги кунда Американинг туғёни, кибр-ҳавоси, зулми ва фисқу фасоди қаршисида – гарчи одамлар уларни ер юзидан супуриб ташлашдан кўрқиб турсалар-да – бир гуруҳ заифҳол кишилар сабот билан турибди. Улар ўз имкониятларининг чекланганига қарамай, буюк Ислом қалъасини барпо этиш йўлида фаолият юритмоқдалар, Ислом нуруни кўзлари ва қалбларида жо айлаб, Аллоҳнинг нуруни оғизлари билан ўчиришни истайдиган адоватли душманларнинг кўплигига қарамай, Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Исломий Халифалик байроғини баланд кўтармоқдалар.

Ушбу жамоанинг шунга ишончи қатъий комилки, гарчи Америкадан тортиб Британия, Франция ва Россиягача, уларнинг ортидан эса Шарқ ва Ғарбдаги малайларигача барча кофир ва золимлар исташмаса ҳам, Аллоҳ Ўз нуруни тўла ёйгувчидир.

Америка гегемонлигининг қулаши ва либерал моделнинг чайқалиши билан бир вақтга тўғри келган бугунги тарихий лаҳза Умматга мукамал ҳазорий альтернативани тақдим этиш имкониятини беради. Ушбу ўзгариш шунчаки тузумларнинг

алмашинуви эмас, балки икки ҳазорий модель ўртасидаги муқаррар тўқнашувдир ҳамда минтақа ва дунёнинг тақдири айнан мана шу кураш натижасига кўра белгиланади.

Менинг зиммамдаги ва ушбу кризис моҳиятини теран англаган ҳар бир кишининг зиммасидаги масъулият – мазкур лойиҳани илоҳий адолат соясида инсон қадр-қиммати ва озодлигини рўёбга чиқарувчи сиёсий воқеликка айлантириш йўлида фаолият юритишдан иборат.

Йўл узоқ кўришиб, Аллоҳ бизга нусрат бермайди деган гумонга борган ва чорасизликдан қийналган кимсаларга шуни эслатиб ўтаман: «Буюк давлат» деб номланган ва инсонлар орасидаги илм аҳлига ҳам санаб адоғига етиш машаққат туғдирадиган даражада улкан куч-қудратга эга бўлган Америка 75 йилдан бери ўзининг золим оқимини илгари суриб келяпти... Бироқ шунга қарамай, Аллоҳнинг амрига қарши чиққан ҳолда ўз бошига ғолиблик тожини кийиш учун ҳалихануз бу йўлнинг поёнига ета олгани йўқ.

Айни вақтда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини қайта барпо этиш лойиҳаси – Америка лойиҳасидан бор-йўғи уч йил кейин – битта олимнинг саъй-ҳаракати, сўнгра иймони ва садоқатидан ўзга на бир ҳимоячиси ва на куч-қудрати бўлган кичик ва заиф бир гуруҳ билан бошланди. Бу гуруҳ ўз йўлида зулм, қийноқ, камоқ ва қатлнинг барча турларига дуч келди, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидан бошқа на Ғарбдан ёрдамчи топди, на Шарқдан, на яқиндан ва на узоқдан. Бироқ сабр қилди, йўлида собит туриб, қаддини ростлади ва барча мусулмон юртларида кенг қулоч ёйди ва ҳатто Ғарб ўлкаларидаги мусулмонларга қадар етиб борди. Ҳатто Исломга нисбатан зулм ва адоватда давлатларнинг энг ашаддийси бўлган собиқ Совет Иттифоқи даврида ҳам ривожланиб, илдиз отишга муваффақ бўлди.

Эндиликда унинг олдида Аллоҳнинг амрини рўёбга чиқариш учун фақатгина бир қадам қолди:

Агар қўлимизда ушбу даъватнинг саботи ва унинг бугунги кунга қадар бардавомлигидан бошқа ҳеч нарса бўлмаганда ҳам, айнан шунинг ўзи Аллоҳ Ўз ишида ғолиб эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун кифоя қилган бўлар эди, лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар.

Мен Аллоҳдан ўша куннинг кечикмаслигини сўрайман. У кунда Аллоҳ Таолонинг биздан аввал ўтган муҳожир ва ансорларга қарата айтган сўзларини ёдга оламиз. Токи Ислом

биноси иккинчи бор қад кўтарганда, мазкур илоҳий хитоб бизни ҳам ўз қамровига олсин.

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَآوَاكُمْ وَأَيَّدَكُمْ بِبَصَرِهِ وَرَزَقَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Сизлар ерда озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда Аллоҳнинг сизларга жой бериб Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан баҳраманд қилганини эслангиз!»

[Анфол 26] □

**ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОЖИЗЛИКДАН УЗРНИ ЙЎҚҚА
ЧИҚАРУВЧИ ҚОДИРЛИККАЧА
ҚОДИРЛИКНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ
ВА ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ФАРЗЛИГИДАГИ
ТАЪСИРИ (4)**

Тўртинчи халқа: Ислом давлатига қарши уруш сценарийси муқаррарми? Ёки бу жиддий стратегик хатоми?

Устоз Соир Салома

Роберт Пейпнинг «Bombing to Win» (Ғалаба учун бомбардимон) каби таҳлилий асарлари мисолида келтирилган замонавий стратегик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳаводан бомбардимон қилиш кампанияларининг ёлғиз ўзи нишонга олинган давлат иродасини синдиришга қодир эмас. Аксинча, бомбардимон қилиш қаршилиқни янада кучайтиради ва кўпинча тажовузкорга (зарба йўлловчига) қарши ички бирдамликни вужудга келтиради. Шунингдек, янгиланган таҳлилий қарашларнинг асоси стратегик ҳаво бомбардимонининг ёлғиз ўзи уруш санъатидаги инқилобни англатмаслигини кўрсатади. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иккинчи жаҳон урушидан кейинги бешта йирик можарода ушбу усулдан фойдаланиш жанг майдонида кутилган ютуқларга олиб келмаган. (Air University).

Ядровий тийиб туриш контекстига келсак, «Икки томонлама ўзаро кафолатланган вайронагарчилик» (MAD) принципи ядро қуролини биринчи бўлиб қўллаш ҳар икки томоннинг ҳам тўла вайрон бўлишига олиб келишини ва бу ҳолат мазкур танловни амалий жиҳатдан деярли имконсиз қилишини исботлайди. «Барқарорлик-беқарорлик парадокси» назариясининг шаклланиши билан давлатлар ўртасидаги тенг кучли ядро арсеналларининг мавжудлиги кенг қўламли уруш эҳтимолини камайтиради. Гарчи сўнгги пайтларда «чекланган ядровий уруш» хусусида гап-сўзлар кўпайган бўлса-да, стратеглар унга ортиқча таянишдан огоҳлантиришади. Чунки бунда радиациянинг кенг ҳудудларга тарқалиб кетиш хавфи мавжуд. Қолаверса, бу назорат қилиб бўлмайдиган эскалацияга олиб келиши ёки вазият ўзгарган тақдирда, дунёдаги бошқа ядровий давлатлар учун келажақда биринчи бўлиб зарба берган давлатга қарши айни қуролни қўллашга баҳона бўлиб хизмат қилиши мумкин. Амалий мисол сифатида шуни келтириш мумкинки, Россия, гарчи моддий имкониятга эга бўлса-да ва бу рақибни таслим бўлишга мажбур қилиш эҳтимолини туғдирса-

да, халқаро қасос оқибатларини англаб етган ҳолда Украина шаҳарларига ядро қуроли билан зарба беришга журъат қилмади. Янги туғилган Ислом давлатига ёки исломий олам пойтахтларидан бирига зарба бериш эҳтимолига келсак, бунинг улкан оқибатлари шундан иборатки, бу иш Умнатнинг ғазабини кўзғатади ва натижада бомбардимон қилган давлатнинг манфаатлари жиддий хавф остида қолади. Ҳарбий ва стратегик мувозанат бундай қалтис таваккалчиликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини тақозо этади. Зеро, бу шунчаки фантазия эмас, балки чуқур стратегик ҳисоб-китоб масаласидир.

Биринчидан: Қўшма Штатлар ва унинг Яқин Шарқда кенг кўламли уруш олиб бориш қуввати:

Ўтган икки ўн йилликдаги Америка тажрибаси узокқа чўзилган куруқлик урушларининг харажатлари нақадар юкори экани ҳақида ғоят аниқ тасаввур беради. Аслида, тез ҳал этилиши кўзланган Ироқ ва Афғонистон урушлари Қўшма Штатлар тарихидаги энг узокқа чўзилган икки хорижий урушга айланиб кетди. Браун университетининг «Уруш харажатлари» (Costs of War) лойиҳаси ҳисоб-китобларига кўра (CRS маълумотлари асосида), 11 сентябрдан кейинги урушларнинг умумий қиймати 2023 йилга қадар қарийб 8 трлн. долларни ташкил этди (бунга Ироқ ва Афғонистон, қарз фоизлари ва фахрийлар таъминоти ҳам киради). Ушбу рақамлар Америка ялпи ички маҳсулотининг улкан қисмига тенг бўлиб, келажакдаги фоиз тўловлари ҳисобига давлат қарзини муттасил ошириб бормоқда. Демак, бу – тўхтовсиз давом этаётган молиявий «қон йўқотиш» жараёнидир.

Жанговар шайликнинг издан чиқиши: Жараён энг қизгин паллага чиққан даврда (2008 йил) мудофаа учун ойига қарийб 12,1 млрд. доллар сарфланди. Бунга қўшимча, қўшинлар олиб чиқиб кетилганидан кейин ҳам йиллар давомида армиянинг «техникаларни қайта тиклаш» харажатлари йилига 16 млрд. долларни ташкил этди. Бу ҳолат захиралар, шахсий таркиб, ҳарбий техника ва машғулот ўтказиш қудратининг бутунлай сарфланиб битишини англатади. 2006-2008 йилларда армия кўмондонлиги берган гувоҳликларда мавжуд босим «қўшинларни барқарор тўлдириб бориш имкониятидан ортиқча» экани таъкидланган. Бу эса жанговар бригадалар ва кўнгилли кучлар тайёргарлигига жиддий салбий таъсир кўрсатган.

Амалий таҳлил: Энг юқори нуқтасига чиққан даврда, фавқулодда операциялар учун сарфланган маблағлар (ОСО) бир неча йил давомида йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 1-2 фоизига тенг бўлди. Бундай даражадаги харажатлар одатда техник ва инсоний шайликнинг сезиларли даражада пасайиши, модернизация жараёнларининг кечикиши ҳамда таъминотдаги «узилишлар» (логистик бўшлиқлар) билан бирга кечади. Мазкур узилишлар жанглар тўхтаганидан кейин ҳам тиклаш ва қайта қуриш харажатлари сабабли йиллар давомида сақланиб қолади. (CRC маълумотлари ҳамда Штаб бошлиғи ўринбосарининг кўрсатмалари ушбу хулосани қувватлайди). Ушбу урушлар нафақат Америка иқтисодиётини заифлаштирди, балки қуролли кучларнинг ўзини ҳам ҳолдан тойдирди. Чунки аскарлар орасида рухий ва жисмоний жароҳатларнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилди ҳамда қайтиб келган ҳарбийлар сафида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайди. Бугунги кунда – Вашингтон Украинани Россияга қарши қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминлаши ҳамда Ғазо урушида сионистик вужудга улкан миқдорда юқори аниқликдаги қуроллар ва тутиб қолувчи ракеталарни етказиб бериши ортидан – Америка армиясининг захиралари «совуқ уруш» тугаганидан бери энг қуйи даражага тушиб кетди. Пентагон ҳисоботларининг ўзига кўра, ушбу захираларни – хусусан, Javelin ва Stinger ракеталари ҳамда 155 мм калибрли артиллерия снарядларини – қайта тўлдириш ва ҳар қандай кенг кўламли уруш учун хавфсиз даражага кўтариш 3 йилдан 5 йилгача бўлган узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини талаб қилади.

Нега бугунги кундаги учинчи уруш жанговар шайлик жиҳатидан энг қиммати бўлади?

1 – Ўқ-дори захиралари ва таъминот занжирлари: ҳақиқий «бўғувчи нуқта»

- АҚШ Украинани 3 млн.дан ортиқ 155 мм калибрли снаряд билан таъминлади ва ишлаб чиқаришни ойига 100 минг снарядгача оширишга шошилмоқда. Лекин 2025 йил ёзидаги воқелик шуки, ишлаб чиқариш ойига 40 мингтага зўрға етди. Портловчи моддалар (тротил) ҳамда ўқлаш ва йиғиш қувватларидаги қаттиқ тақчиллик сабабли 100 минглик довонга чиқиш 2026 йил баҳоригача кечиктирилди. Оқибатда, ҳар қандай янги уруш дарҳол ушбу чекланган имкониятлар деворига бориб урилади.

- Саноат таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, муайян «ақлли» ўқ-дорилар (масалан, 155 мм калибрли Excalibur) ўрнини қоплаш – аввалги ва кейинги ишлаб чиқариш суръатларини солиштирганда – 4 йилдан 7 йилгача вақт талаб қилиши мумкин. Бу ҳолат, ҳали янги йирик фронт очилмасидан олдинги ҳисоб-китобдир.

- Гарчи мудофаа вазирлиги янги ишлаб чиқариш линияларини (Мескит) очган ва миллиардлаб маблағ ажратган бўлса-да, саноатдаги ўсиш ҳали-ҳамон узоқ муддатли шартномалар ва заиф глобал таъминот занжирларининг гаровида қолмоқда. Яъни «ўқ-дори ишлаб чиқариш» қуввати кўп фронтли йирик урушдаги истеъмол суръатига тезда етиб улгурмайди.

2 – Жанговар йўқотишлар ва урушдан кейинги харажатлар:

- Ироқ ва Афғонистон тажрибалари уруш тугаганидан кейин ҳам армияни «асл ҳолига қайтариш» учун бир неча йил давомида ҳар йили 16 млрд. доллар маблағ сарфланганини кўрсатди. Бугунги вазиятда – Украина ва Ғазо воқеаларидан сўнг – бу миқдор янада ошади. Чунки инфляция, заводларнинг етишмаслиги ва ўта қиммат тизимларни (масалан, Patriot, юқори аниқликдаги ўқ-дорилар) янгилаш мажбурияти «ўрнини босиш ва кенгайтириш» харажатларини кескин кўтариб юборади.

«Учинчи йирик уруш»нинг Америка кудратига таъсири ҳақида фараз (консерватив таҳлилий сценарий)

- Тахмин: 12-18 ой давомидаги узлуксиз ҳарбий кампания. Бунда қуйидагилар кўзда тутилади: интенсив ҳаво парвозлари, базалар ва флотларни ҳимоя қилиш, қуруқлик-денгиз-ҳаво кучларининг ўқ-дори истеъмоли, бошқа фронтларни (Шарқий Европа ва икки океанни) мустаҳкамлаш зарурати ҳамда энг муҳими, ҳар қандай кутилмаган глобал хатарларга қарши туриш учун тўлиқ жанговар шайлик билан қодир бўлган кучни сақлаб қолиш эҳтиёжи.

- Ўқ-дори захиралари: Украинадаги сўнгги ўт очиш суръатларини ва Америка ишлаб чиқаришидаги тўсиқларни ҳисобга олган ҳолда, учинчи уруш асосий жиҳозларда (155 мм калибрли снарядлар, ракета ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа, юқори аниқликдаги ўқ-дорилар) истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасида даврий тақчилликни юзага келтиради. Бу ҳолат Американинг айрим муҳим тоифадаги захираларининг

амалдаги шайлигини дастлабки ойлардаёқ икки хонали рақамли тақчиллик (15-30%) даражасига тушириб юборади. Агар ўқотиш ва парвозлар суръатига қатъий чекловлар қўйилмаса ёки иттифоқчилар ишлаб чиқаришининг каттароқ қисми ушбу тақчилликни тўлдиришга йўналтирилмаса, аҳвол шундай тус олади. (Мазкур тақчиллик доираси ойига 40 минг дона ишлаб чиқариш ҳажми ва ундан анча юқори бўлиши мумкин бўлган тезкор эҳтиёжлар ўртасидаги фарққа, шунингдек, CSIS ва CRSнинг захираларни тўлдириш муддатлари борасидаги тахминларига асослангандир).

• **Бўлинмаларнинг жанговар шайлиги:** ўқ-дори ва техникаларнинг сарфланиб битиши ҳамда сафарбарлик даврларининг тезлашиши айрим бригадалар ва таъминот тизимларининг «тўлиқ жанговар шайлик» кўрсаткичларида сезиларли пасайишни келтириб чиқаради. Бу эса, худди Ироқ ва Афғонистон урушларидан кейинги йиллар давомида техник хизмат кўрсатиш ва ўрнини тўлдиришни тақозо этгани каби, «кечиктирилган таъмирлаш ишлари»нинг (Backlogs) тўпланиб қолишига сабаб бўлади. Эҳтиёткорона баҳолаш: Биринчи йил давомида биринчи навбатдаги тезкор бўлинмаларнинг жанговар шайлик кўрсаткичларида икки хонали рақамли пасайиш кузатилади. Мазкур ҳолат молиялаштириш ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач аста-секин тикланади. Бироқ бу жараён ҳарбий амалиётлар якунланганидан кейин ҳам камида 3-5 йил вақт талаб қилади.

• **Иқтисодиёт – Давлат молияси:** Тарихий таққослаганда, хориждаги фавқулодда операциялар харажатлари авж палласида бир неча йил давомида йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 1-2%ини ташкил этган. Бундай кўламдаги учинчи уруш – Украина, Ғазо ва Тайван бўйича мажбуриятлардан ташқари – 3-5 йил давомида 1 трлн.дан 2 трлн. долларгача қўшимча харажатга сабаб бўлиши мумкин (бунга тўғридан-тўғри харажатлар, қайта тиклаш ва қарз фоизлари киради). Бу эса фоиз юқини кескин оширади ва узоқ муддатли модернизация ишларида зиддият келтириб чиқаради. (Ушбу тахмин Ироқ-Афғонистон тажрибалари ва «Уруш харажатлари» лойиҳаси ҳужжатлаштирган фоиз харажатлари асосида баҳоланади).

Амалий хулоса

• Албатта, узоққа чўзилган қуруқлик урушлари жанговар шайликни заифлаштиради ва қайта тикланиш учун йиллаб вақт

талаб қилади, Ироқ ва Афғонистон тажрибаси бунга тасдиқлайди. Бугунги кунда ўқ-дорилар (аниқроғи, 155 мм калибрли снарядлар) ишлаб чиқаришдаги тўсиқлар ҳар қандай учинчи уруш, заводлар ишлаб чиқариш суръатига етиб олгунига қадар, тез фурсатда имкониятлар танқислигини пайдо қилади. Жанговар қобилиятга бўлажак таъсир шунчаки бир рақам эмас, балки яқин муддатда асосий ўқ-дориларда сезиларли тақчилликни ва айрим бўлинмалар шайлиги сезиларли даражада пасайишини англатади. Буларнинг барчаси триллионлаб молиявий харажатлар билан бирга, Вашингтон Россия ва Хитой олдида етарлича тийиб туриш салоҳиятини сақлаб қолишга уринаётган бир пайтда рўй бермоқда! Шубҳасиз, урушга кириш қарори АҚШ учун стратегик жиҳатдан хавфлидир!

АҚШнинг – давлат хазинасига 8 трлн. доллардан зиёдга тушган ва 20 йил мобайнида ҳарбий тузилмани ҳолдан тойдирган – Ироқ ва Афғонистондаги тажрибалари шуни яққол кўрсатмоқдаки, Ислом оламида ҳар қандай янги, йирик ва узок муддатли урушга кириш «мураккаб толиқиш»га олиб келади: 1. Иқтисодий жиҳатдан: Бюджет камомadini ва қарз олиш харажатларини ошириш орқали; 2. Логистик жиҳатдан: Украина ва сионистик вужудни қўллаб-қувватлагач, аллақачон қаттиқ танқислик сезилаётган ўқ-дори ва юқори аниқликдаги ракеталар захираларига босим қилиш орқали; 3. Саноат жиҳатидан: Танқисликни қоплаш учун йиллар талаб қиладиган мудофаа ишлаб чиқариш базасининг чекланган имкониятларини очиб ташлаш орқали.

CSIS ва RAND каби таҳлил марказлари ҳамда ҳукумат доиралари тасдиқлаган бу омиллар бугунги кунда узоққа чўзилган куруклик урушини «стратегик кимор»га айлантиради. Бу эса Вашингтоннинг йирик рақиблари олдида манёвр имкониятини камайтириб, Осиё ва Европадаги тийиб туриш салоҳиятини заифлаштиради. Миллий мудофаа доктринасининг «бир вақтда икки уруш» принциpidан Хитой ва Россия билан рақобатга бурилиши вазиятни сиёсий жиҳатдан янада чигаллаштиради. Чунки қарор қабул қилувчи шахс қаршисида ташқи урушлардан чарчаган раъйи ом, янги саргузаштни молиялаштиришда иккиланаётган конгресс ҳамда кучлар Яқин Шарқда совурилса, глобал жанговар шайлик хавф остида қолишидан огоҳлантирадиган ҳарбий муассаса туради.

Сиёсий нуқтаи назардан, Афғонистон ва Ироқдан сўнг АҚШнинг ички кайфияти ташқи «йирик уруш» ғоясини энди қабул қилмайди, айниқса, иқтисодий инфляция кийинчиликларига дуч келаётган, давлат қарзи 34 трлн. доллардан ошиб кетган, маъмурият эса ресурсларни ички инфратузилмани қайта қуришга ҳамда Ҳинд ва Тинч океанларида Хитой билан рақобатга йўналтиришга эҳтиёж сезаётган бир шароитда. Бу шуни англатади: Яқин Шарқда кенг қамровли уруш олиб боришни кўзлаган ҳар қандай маъмурият икки улкан тўсиққа дуч келади: ҳарбий ва логистик тайёргарликнинг етишмаслиги ҳамда бундай танлов учун халқ ва конгресс қўллаб-қувватловининг мавжуд эмаслиги. Шунга кўра, АҚШнинг ҳар қандай эҳтимолий аралашуви – бевосита қуруқликдаги операциялар эмас, балки чекланган зарбалар ёки вакиллар (проксилар) орқали ҳаракат қилиш шаклида бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир. Тажриба қуруқликдаги уруш ўта қиммат стратегик толиқиш эканини исботлади. Агар Ислом давлати – биз, инша Аллоҳ, кейинроқ бунга яна тўхталамиз – ўзидаги мавжуд куч-қудрат манбаларини ишга солса, бу каби (чекланган) чоралар давлатимизни йўқ қилишга қодир бўлолмайди.

Яқин Шарқдаги учинчи йирик урушнинг Америка армияси қудратига таъсири хусусидаги энг муҳим тадқиқот манбалари рўйхати. Мазкур рўйхат академик манбалар, таҳлил марказлари ҳисоботлари ва ҳукуматнинг расмий статистик маълумотларини ўзида мужассам этади:

1 – Академик тадқиқотлар ва йирик илмий лойиҳалар

Браун университетининг халқаро алоқалар ва давлат бошқаруви бўйича Ватсон институти – Уруш харажатлари лойиҳаси – 11 сентябрдан кейинги урушлар (Ироқ, Афғонистон, Покистон, Сурия) харажатлари бўйича кенг қамровли ҳисоб-китоблар. Бу лойиҳа бевосита харажатлар, уруш фахрийлари таъминоти ва келажакдаги қарз фоизларини ҳам ўз ичига олади. <https://watson.brown.edu/costsofwar>

Конгресс Тадқиқот Хизмати (CRS) – «11 сентябрдан кейинги Ироқ, Афғонистон ва «терроризм»га қарши глобал операцияларнинг қиймати». Ушбу даврий ҳисоботлар йиллик харажатларни, уларнинг давлат бюджетига таъсирини ҳамда ОСО (хориждаги фавқулодда операциялар) жадвалларини изоҳлаб беради.

2 – Стратегик тадқиқотлар марказлари

CSIS (Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази) – Украина ва Ғазода ўқ-дориларнинг, хусусан, 155 мм калибрли снарядлар ва юқори аниқликдаги тизимларнинг тугаб битишининг АҚШ қудратига кўрсатадиган таъсири хусусидаги ҳисоботлар.
<https://www.csis.org>

IISS (Халқаро стратегик тадқиқотлар институти) – Ҳарбий баланс – йирик давлатларнинг ҳарбий кучлари ҳажми, захиралари ва жанговар шайлик кўрсаткичлари бўйича йиллик маълумотлар. <https://www.iiss.org>

RAND Corporation – Армиянинг шайлигини таъминлаш ва йирик можаролардан кейин ҳарбий тайёргарликни қайта тиклаш – узоққа чўзилган урушлар давомида жанговар шайликнинг қандай сусайиши ва уни қайта тиклаш йўллари ҳақидаги логистик ва молиявий таҳлиллар.
<https://www.rand.org>

3 – Ҳукумат ҳужжатлари ва Конгрессдаги гувоҳликлар

АҚШ уруш вазирлиги – Бюджетни асослаш ҳужжатлари – Хориждаги фавқулодда операциялар ва терроризмга қарши глобал уруш бўлимлари; жумладан, операциялар харажатлари ва (техникани) қайта тиклаш харажатлари.
<https://comptroller.war.gov>

АҚШ Қуруқлик кўшинлари бош штаб бошлиғининг ўринбосари гувоҳлиги (2006-2008) – Конгресснинг Куролли кучлар кўмиталари ҳузурида Ироқ ва Афғонистоннинг армия жанговар шайлиги ҳамда захираларига кўрсатган таъсири хусусида.

4 – Ишончли таҳлилий матбуот ҳисоботлари

Defense News, Breaking Defense ва War on the Rocks – Американинг ишлаб чиқариш қуввати, ўқ-дори ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастурлари ва Украинани қўллаб-қувватлашнинг стратегик захирага таъсири хусусидаги таҳлилий мақолалар.

Reuters/Associated Press Special Reports – Америкадаги ўқ-дори ишлаб чиқариш линиялари ва ишлаб чиқариш (155 мм калибр, HIMARS, PAC-3) мақсадларига эришишнинг муддатлар жадвали (вақт чегаралари) бўйича журналистик суриштирувлар.

5 – Тарихий статистикалар ва иқтисодий ёндашувлар

АҚШ иқтисодий таҳлиллар бюроси (BEA) ва Конгресс бюджети бошқармаси (CBO) – Ялпи ички маҳсулот

маълумотлари, ҳарбий харажатларнинг унга (ЯИМга) нисбати ва бунинг давлат қарзига таъсири.

Иккинчи: Сионистик вужуднинг Сурияга қарши кенг кўламли уруш олиб бориш қудрати:

7 октябр уруши бошланганидан бери сионистик вужуд 1948 йилдан буёнги энг узоқ ва энг шафқатсиз ҳарбий тўқнашувга тортилиб, унинг армиясини инсоний, моддий ва маънавий жиҳатдан умумий емирилиб бориш ҳолатига олиб кирди. Ғазодаги қуруқлик операциясининг нархи армия учун минглаб ўлим ва ўн минглаб ярадорлар бўлди. Бундан ташқари, мисли кўрилмаган миқдорда зирҳли техникалар, жумладан, илғор «Merkava IV» танклари бой берилди. Ҳарбий ҳаво кучларига келсак, улар рекорд даражадаги жанговар парвозларни амалга ошириш орқали ўз авиапаркининг, хусусан, F-16 ва F-35 қирувчи самолётларининг техник ресурсидан катта қисмини сарфлаб юборди. Бу эса катта маблағ талаб қилувчи техник хизмат ва таъмирлаш ишларини ҳамда тўлиқ жанговар шайликни қайта тиклаш учун узоқ вақт талаб қилади.

Бевосита ҳарбий талафотлар билан бир қаторда, уруш меҳнат бозори ва иқтисодиётда издан чиқиш ҳолатларини юзага келтирди. Хусусан, юқори технологиялар ва туризм каби соҳалар фаолияти тўхтаб қолди, хорижий инвестициялар кескин қисқарди ва бюджет тақчиллиги иқтисодий барқарорликка таҳдид соладиган даражага етди. Ички жиҳатдан эса, уруш сиёсий ва ижтимоий бўлинишнинг нақадар чуқурлигини фош этди ҳамда – айниқса, 7 октябрдаги разведка ва ҳарбий операция соҳасидаги муваффақиятсизликлардан сўнг – ҳарбий ва сиёсий раҳбарият ўртасидаги ишонч инқирозини яна юзага чиқарди.

Сурия билан кенг кўламли урушга киришилган тақдирда, яҳудий вужуди шимол ва жанубда кўплаб фронтлар очилиши хавфига дуч келади. Бу вазият унинг Ғазодаги урушни узил-кесил ҳал қилишга ва у ерда ғалабанинг бирор кўринишини намойиш этишга қодир эмаслиги манзарасида юз беради. Бунга қўшимча, стратегик чуқурликдан (ичкаридан) йўлланадиган аниқ нишонга олувчи ракеталар ва дронлар орқали бўладиган таҳдидлар ҳам мавжуд. Урушнинг бундай тури тезкор сафарбарлик қудратини ва давомли операцияларни қўллаб-қувватлаш учун иқтисодий қувватни тақозо этади. Бироқ айти дамда яҳудий вужуди мазкур икки унсур борасида яққол таназзулни бошдан кечирмоқда. Энг муҳими шундаки,

урушнинг чўзилиши – жамоатчилик босими ва узлуксиз йўқотишлар туфайли – ички қулашни тезлаштириши мумкин. Бу сценарийдан сионистик вужуднинг ўзидаги тадқиқот марказлари шунчаки хавфсизлик муаммоси эмас, балки мавжудликка таҳдид сифатида огоҳлантирмоқда.

Замонавий ҳарбий ҳисоб-китобларда тўқнашув эҳтимолларига шунчаки лаҳзалик қарорлар сифатида эмас, балки ҳар қандай томоннинг мудофаа ва хужум доктринасини шакллантиришда таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар сифатида қаралади. Айни пайтда сионистик қарор қабул қилувчи доиралар шуни яхши англайдики, ҳозирги Сурия раҳбарияти тўғридан-тўғри тўқнашувдан қочишга мойил бўлиб, халқаро майдонда ўз мавқеи ва имижини яхшилашга интилмоқда. Бу эса яқин истиқболда кенг кўламли уруш бошланиш эҳтимолини пасайтиради. Шу сабабли яҳудий вужуди жазоланмаслигидан хотиржам бўлган ҳолда ҳаводан зарбалар йўлламоқда ва куруқлик орқали бостириб кирмоқда. Бироқ, сиёсий саҳнадаги ҳар қандай туб бурилиш – айниқса, босқинчи билан тўқнашувни шаръий ҳақ деб биладиган Ислом давлатининг қад ростлаши – мавжуд «тийиб туриш» мувозанатини остин-устун қилиб юборади. Бу янги воқелик сионистик хавфсизлик машинасини ўз стратегик ҳисоб-китобларига энг мураккаб ва даҳшатли сценарийларни киритишга мажбур қилади.

Масалан, IISS Military Balance ҳисоботлари, гарчи бевосита жанг майдонига оид аниқ рақамларни келтирмаса-да, Сурия ихтиёрида ҳали ҳам жангга киритишга яроқли юзлаб танклар (турли даражада модернизация қилинган Т-72, Т-62 ва Т-55 русумлари) мавжудлигини таъкидлайди. Гарчи улар яҳудий вужудининг замонавий «Меркава» танқларига тенг келиши қийин бўлса-да, яҳудийларнинг Ғазо урушидаги улкан йўқотишлари – жумладан, юзлаб ҳарбий техникаларнинг йўқ қилиниши ва 2014 йилдан бери хизматдан чиқарилган эски танкларни қайта ишга туширишга мажбур бўлгани, бунинг устига 150та «Меркава-4» танки учун двигателлар харид қилиш мақсадида Германия билан шартнома имзолагани – унинг куруқлик қудрати қайта тикланишга муҳтож ва узоқ муддатли толиқишга дош беролмаслигини фош этмоқда.

Шунингдек, 2018 йилдан буён Эрон ва Россия кўмагида Суриянинг дронлар арсеналида юз берган ривожланиш – тийиб туриш мувозанатидаги жиддий ўзгаришларни акс эттиради. Ғарб таҳлил марказларининг баҳолашича, бугунги кунда

мазкур арсенал турли тоифадаги юзлаб дронларни қамраб олган бўлиб, улар орасида назарий жиҳатдан босиб олинган ҳудудларнинг туб ичкарисигача етиб боришга қодир бўлган ўнлаб узоқ масофали камикадзе-дронлар ҳамда разведка ва яқин масофадаги хужумларга мўлжалланган қурилмалар мавжуд. Гарчи ушбу захира чекланган бўлса-да, у икки йиллик уруш оқибатида ҳолдан тойган Исроил ҳаво ҳужумидан мудофаа ва радиолокацион тизимлари олдига мураккаб муаммоларни кўндаланг кўйишга кифоя қилади.

Инсоний кучлар фронтига келсак, Сурия уруши мобайнида узоқ йиллик тажриба орттирган, махсус тайёргарликдан ўтган ва ақидавий жиҳатдан сафарбар қилинган тахминан миллион нафарлик жанговар кучнинг мавжудлиги сионистик ҳисоб-китобларда муқаррар равишда инобатга олинадиган қуруқликдаги сценарийларга кенг йўл очади. Ушбу сценарийлар қаторига Жўлон ва Шабъа далалари ёки Сурия-Ливан туташув нуқталари орқали амалга ошириладиган, ёппасига ўт очиш ва ракета зарбалари билан қамраб олинган ҳамда эрта аниқлаш тизимларини ишдан чиқариш учун дрон зарбалари билан қувватланган кўп йўналишли хужумлар киради. Ёхуд ҳаво разведкаси самарадорлигини камайтирадиган мураккаб иқлим шароитларидан фойдаланган ҳолда ижро этиладиган чекланган операциялар киради. Бу ўринда муваффақият омиллари нафақат сон ва техникага, балки кутилмаганда хужум қилиш омили, оператив хийланайранг ва Исроил кучларини бир неча фронтлар бўйлаб парчалаб ташлаш қудратига, шунингдек, мураккаб жанговар муҳитда кенг кўламли операцияларни бошқара оладиган мослашувчан кўмондонликка боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу сценарийлар – агар Сурия сиёсий вазиятида ўзгариш юз берса – ҳар қандай сионистик ҳарбий режалаштириш жараёнида инобатга олинishi лозим бўлган тахминий рамкани шакллантиради. Айниқса, Ғазо урушидан кейин сионистик вужуд армияси инсоний ва логистик жиҳатдан қаттиқ толиққани ҳамда шимолда кенг кўламли қуруқлик фронтлари очилишига нисбатан ўта юқори заифлик ҳолатида экани ҳисобга олинса, бу сценарийларнинг аҳамияти янада ортади.

Бирок, юқорида зикр қилинганлар фақат рақамлар ва жадваллар билан ўлчанадиган моддий кучлар мувозанати доирасидаги мулоҳазалар, холос. Ушбу фавқулодда тадқиқот

очиб берадиган ҳақиқат эса, улкан стратегик қудратнинг чуқур баёнидир. У Ислом давлати эга бўлган ва душманларни ўз ҳисоб-китобларини минг марта қайта кўриб чиқишга, унга қарши урушга киришдан қўрқувларини бир неча баробар оширишга мажбур қилади. Зеро, душманлар ўз қаршиларида Ислом давлати қуввати таянадиган қатор мустаҳкам асосларни кўришади ва бу омил тўқнашув фикрини тақдирий хатарлар билан ўралган қалтис саргузаштга айлантиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ақл-заковатли инсонга қуйидагилар кундек равшан бўлади: Ислом давлатини эълон қилиш ва шариатни қоим қилишдек олий қарорларнинг таянчи бўлмиш иститоат (қодирлик) борасидаги шаръий ҳукм фақатгина моддий кучлар нисбатини шошма-шошарлик билан ҳисоблашдан ёки яқка шахснинг ўзини ўлчов қилиб олиб, давлат қудратини шу тор қараш билан таққослашдан келиб чиқмайди! Балки у кенг қамровли стратегик қарашдан келиб чиқади: бу қараш мавжуд куч омилларини тўлиқ қамраб олади, уларни Умнатни ҳаракатга келтириш, Умнат оммасини уйғотиш, яширин қувватларини сафарбар этиш, ресурсларини пухта бошқариш орқали кучайтириш йўллариини ўрғанади ҳамда тўқнашув эҳтимоллари ва унинг оқибатларини ҳисобга олади. Чунки қачон Умнат сафларини бирлаштириб, ўз султонини барпо этса, Аллоҳ ато этган ҳимоя ва қайтарувчи куч манбаларини тўғри ишга солса, Роббисига суяниб, Унга чинакам таваккул қилса, у қайтарувчи мувозанатни ўрнатиш, тажовузкорларнинг иродасини синдириш ва давлат арконини куч, иззат ва ғолиблик асосида мустаҳкамлашга қодир бўлади!

Учинчи: Кутилаётган уруш соатлар ичида ҳал бўладиган оддий кўнгилочарлик эмас!

Сурия кўзғолони 2011 йилдан то 2015 йилнинг 30 сентябрига қадар Эрон ва унинг иттифоқчиларига қарши курукликдаги курашда ҳал қилувчи устунликни сақлаб келди. Россиянинг аралашуви ҳаводаги кучлар мувозанатини ўзгартирган бўлса-да, тез ҳал қилувчи натижани бера олмади. Аксинча, юрт кўп фронтли ва узоқ муддатли толиқтириш уруши гирдобига тушди. Мазкур уруш йиллаб давом этган оммавий бомбардимонларни, режим кучлари, Эрон ва Ироқ жангари тузилмалари ҳамда «Ҳизбуллоҳ» етакчилигидаги куруклик ҳужумларини, шунингдек, кенг кўламли разведка ва логистик таянчни тақозо қилди. Шунча саъй-ҳаракатга қарамай, улар кўзғолонни яшин тезлигидаги зарба билан тугата

олишмади. Можаронинг мураккаб табиати – кўплаб фронтлар, зич шаҳар шароити, халқаро ва минтақавий томонларнинг аралашуви – вақт, инсоний ва моддий йўқотишлар кўламини кескин ошириб юборди. Кетма-кет ҳарбий операцияларга қарамай, кенг муҳолафат ўчоқлари маҳаллий имкониятлар ва чекланган таъминот тармоқларига таянган ҳолда йиллар давомида ўз мавжудлигини сақлаб қолди. ICG ва CFR ҳисоботлари можаронинг узоқ чўзилгани, унинг мураккаблиги ва халқаро «вакиллик уруши» тусини олганини ҳужжатлар асосида тасдиқлайди. (crisisgroup.org, council on foreign relations).

Россиянинг ҳаводан кенг кўламли кўмагига (минглаб жанговар парвозлар) қарамай, ҳал қилувчи операциялар узоқ муддатли камални, мажбурий кўчириш келишувларини ҳамда «ҳужум ва чекиниш» жанглари (2016 йилда Ҳалаб, 2018 йилда Ғута ва Даръа, сўнгра Идлибда) тақозо этиб келди. RAND ва CNA тадқиқотлари жанговар парвозларнинг кўплигини ҳамда бошқарилмайдиган ўқ-дориларга кенг кўламда таянилганини тасдиқлайди. Бу омил зарбаларни ойлаб, ҳатто йиллаб такрорлаш заруратини юзага келтирди. (rand.org, sna.org).

Россия ҳаводан кўп ҳужумлар қилди... аммо тезкор натижа бўлмади:

- **Минглаб жанговар парвозлар:** CNA тадқиқоти ҳисоб-китобларига кўра, Россия кучлари атиги 60 кун ичида (2015 йил 24 декабрдан 2016 йил 22 февралгача) тахминан 6500та жанговар парвоз амалга оширган. Бу кунига ўртача 107та парвозни ташкил этади. Юқори кўрсаткичлар кейинчалик ҳам сақланиб қолди (масалан, 2016 йил август ойида Ҳалаб бўйлаб кунига 70та парвоз уюштирилган). Бу эса битта шаҳар фронтини бўйсундириш учун зарур бўлган операциялар қанчалик узоқ давом этганини яққол кўрсатади. (sna.org, rand.org).

Кучлар кўлами: Ҳарбий таҳлилларнинг кўрсатишича, Россиянинг минтақадаги ҳарбий ҳозирлиги асосан 30-50та қирувчи самолёт ва 16-40та вертолёт доирасида чекланган эди, ушбу куч маҳаллий даражада мувозанатни ўзгартиришга қодир бўлса-да, бутун юрт миқёсида тезкор натижага эришиш учун етарли эмас эди. Айни шу омил нима учун Москванинг кетма-кет ҳарбий кампанияларга, узоқ муддатли камалларга ва

мажбурий кўчириш келишувларига таянишга мажбур бўлганини изоҳлайди. (armyupress.army.mil).

Эрон ва трансчегаравий жангари тузилмалар томонидан қўллаб-қувватланган куруклик инфратузилмаси мавжудлигига қарамай, жанглр узоқ чўзилди:

- **Эрон кучлари ва ажнабий ҳарбий тузилмалар:** CSIS ҳисоб-китобларига кўра, курукликда тахминан 2500 нафар Эрон ҳарбийси (Инқилоб соқчилари ва мунтазам қўшинлар) ҳамда «Қудс» кучлари ва таъминот тармоқлари орқали сафарбар қилинган 8000дан 12000гача бўлган хорижий шиа жангарилари (афғонлар, ироқликлар ва бошқалар) ҳаракат қилган. Шунингдек, «Ҳизбуллоҳ» асосий зарбдор куч вазифасини бажарди. Бироқ ушбу салмоқли сифат ва сонга эга куч жанговар ғалабани эмас, балки узоқ давом этган ҳарбий кампанияларни юзага келтирди.

- Эронга иттифоқчи бўлган Ироқ жангари тузилмалари (масалан, «Ҳаракатун Нужабо») Сурияда «Қаршилиқ ўқи» доирасида жанг олиб борди ва бу ҳолат уруш майдонининг байналмилал тус олганини акс эттиради ҳамда муҳолафат назоратидаги худудларни эгаллаш трансчегаравий кучларнинг улкан миқдорда жамланишини тақозо этганини тасдиқлайди. (dni.gov, washingtoninstitute.org).

- **Иттифоқчиларнинг талафотлари:**

SOHR 2023 йилга қадар «Ҳизбуллоҳ» сафларидан 1139-1736 нафар жангчи ҳалок бўлганини ҳужжатлаштирди. Бу рақамлар – Россиянинг ҳаводан кенг кўламли кўмагига қарамай – жанглрнинг нақадар шиддатли ва давомли бўлганини кўрсатади. Шунингдек, нуфузли матбуот хабарларида Эроннинг юқори мартабали кўмондонлари ҳалок бўлгани ҳам алоҳида қайд этилган. (Wikipedia, The New Yorker).

Икки томонлама ҳолдан тойиш ва Россиянинг рамзий йўқотишлари жанг майдонининг муросасизлигини намоён этади:

- Россиянинг Су-24 самолёти Туркия томонидан (2015 йил ноябр) ва Су-25 қирувчиси Идлиб осмонида (2018 йил феврал) уриб туширилди, шунингдек, Ил-20 разведка самолёти Сурия мудофаа тизимларининг ўт очиши оқибатида ҳалокатга учради. (2018 йил сентябр). Бу ҳодисалар ҳарбий жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамият касб этмаса-да, аммо оператив муҳитнинг нақадар қалтислигини ҳамда тезкор ғалабага эришишнинг

ниҳоятда мушкуллигини кўрсатувчи далиллардир. (Time, The Aviationist).

Можаро тезда яқун топмаган шароитдаги улкан инсоний оқибат

• Кенг кўламли мажбурий кўчишлар: 2011 йилдан буён 14 млн.дан ортиқ суриялик ўз уй-жойларини ташлаб чиқишга мажбур бўлди. 2025 йилга келиб ички қочқинлар 7,4 млн.дан ошди. Бу эса жараён «яшин тезлигидаги уруш» сценарийси асосида эмас, балки низонинг узоққа чўзилгани ва ҳарбий операцияларнинг бир неча мураккаб тўлқинлардан иборат бўлганидан далолат беради. (unrefugees.org).

«Яқинда тикланадиган, халқ таянчига эга бўлган давлатга қарши яшин тезлигидаги уруш олиб бориш имконсиз», деган тезисни қувватловчи оператив хулосалар:

1 – Зич шаҳар инфратузилмаси ва тарқоқ фронтлар шароитида фақатгина ҳаво кучлари билан тезкор ва узил-кесил ғалабага эришиш имконсиз. Россиянинг минглаб жанговар парвозларига қарамай, мухолафатнинг ҳар бир қаршилиқ ўчоғини бўйсундириш – ойлаб, ҳатто йиллаб давом этган қамал ва шиддатли ҳужум операцияларини талаб қилди. Бу эса чекланган ҳаво зарбалари пойдевори мустаҳкам вужудни мутлақо қўлата олмаслигини англатади. (cna.org, rand.org).

2 – Узил-кесил ғалабага эришиш Эроннинг кўллаб-қувватлови остидаги ташкиллашган жангари тузилмаларнинг қуруқликдаги кенг кўламли иштирокини тақозо этди. Шунга қарамай, кенг қаршилиқ ўчоқлари ўз позицияларида собит турди (кейинчалик шимолдаги худудлар Туркия ҳимояси остига ўтди). Бу эса, халқ сафарбарлиги ва тўпланган жанговар тажриба тезкор бўйсундириш имкониятини эҳтимолдан узоқлаштиришини исботловчи далилдир. (CSIS, crisisgroup.org).

3 – Толиқиш жараёнининг узоққа чўзилиб кетгани интервенция иштирокчилари учун тўлов қимматини кескин ошириб юборди (Россия учун рамзий инсоний йўқотишлар, Эрон ва «Ҳизбуллоҳ» учун эса йирик қурбонлар каби). Бироқ бу ҳолат тезкор ва узил-кесил ғалабага айлангани йўқ, аксинча, олдинга силжиш, турли келишувлар ва ортга чекинишлардан иборат кетма-кет босқичларга олиб келди. (The Aviationist, Wikipedia).

4 – **Стратегик хулоса:** Агар қуролли қўзғолоннинг ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишига йўл қўймаслик – йиллар

давомида кўп давлатли ҳаво ва қуруқлик коалицияси ҳамда жангари тузилмалар иштирокини тақозо этган бўлса, у ҳолда жамият жипслиги ва жанговар тажрибага эга яқинда тикланувчи давлатга қарши «яшин тезлигидаги уруш» анча мушкул ва қимматга тушиши табиий. Бу уруш чекланган бомбардимон ёки тезкор десант тушириш билан ҳал бўлмайди. Агар биз асоси қуроли ташкилотлардан иборат бўлган кўзғолон билан – ўз армиясига эга бўлган ҳамда ўша қуроли ташкилотлар томонидан қувватланадиган – давлат ўртасидаги улкан тафовутни инобатга олсак, бу омил унга қарши уруш авантюрасини янада мушкуллаштиради. Бу вақт эса, яқинда тикланадиган Ислом давлатига кенгайиш, ёйилиш, шунингдек, уни қулатишга қаратилган режаларни барбод қилиш учун зарур чораларни амалга ошириш имконини тақдим этишга тўлик кифоя қилади.

Қиёсий далил хулосаси: Сурия саҳнаси амалда шуни исботлади: йирик хорижий ҳарбий аралашув урушни осон ишга айлантириб қўймайди. Зеро, Россиянинг доимий ҳаво кучлари, Эрон, «Ҳизбуллоҳ» ва Ироқ жангари тузилмаларидан иборат қуруқликдаги зарбдор кучлар ҳамда халқаро разведка «соябони» мавжудлигига қарамай, мухолафат ўчоқларини бўйсундириш йиллар давомида ҳолдан тойиш жараёнини тақозо этди ва тезкор ғалабага эришилмади. Шунга биноан, Сурия тажрибасига кўра, ижтимоий жипслик ва жанговар тажрибага эга бўлган, яқинда тикланадиган давлатга қарши ҳар қандай «яшин тезлигидаги уруш» – ушбу давлатни санокли кунлар ичида қулатадиган бомбардимонга эмас – узоқ давом этадиган, қимматга тушадиган ва натижаси кафолатланмаган можарога айланади. Чунки ҳозирги вазиятда АҚШ ҳам, Россия ҳам, сионистик вужуд ҳам бундай катта урушга киришга қодир эмас. Сабаби, АҚШ Афғонистон ва Ироқда чарчади, Ғазо ва Украинада бор-йўғини сарфлаб бўлди. Россия Украина урушида ҳолдан тойди. Сионистик вужуднинг Ғазода тинкамадори қолмади. Буни биз аввалроқ аниқ рақамлар ва таҳлиллар орқали исботлаб бердик.

Ушбу хулоса қуйидаги нуфузли манбаларга таяниб тайёрланди: Россия ҳаво амалиётлари ҳақида RAND ва CNA; чўзилиб кетган низо моҳияти бўйича International Crisis Group ва CFR; Эрон қўшинлари ва чет эллик жангарилар сони борасида CSIS баҳолари; қурбонлар статистикаси бўйича

SOHR/SNHR; қочқинлар ва инсонпарварлик ҳалокати юзасидан БМТ маълумотлари.

Жозеф Най қарашларининг мухтасар хулосаси: Узил-кесил ғалаба мушкул бўлган даврда «қаттиқ куч» ва «юмшоқ куч» мувозанати:

- Жозеф Най «юмшоқ куч»га шундай таъриф беради: «Кўзланган мақсадга мажбурлаш ёки сотиб олиш (таёқ ва ширинлик) йўли билан эмас, балки жозибадорлик воситасида эришиш имконияти». Унинг манбалари – сақофат ва қийматлар жозибаси ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг қонуний асосга эгалигидир. Зеро сиёсат қанчалик қонуний кўринса, «юмшоқ куч» қамрови шунчалик кенгайди ва мажбурлаш чораларига таяниш эҳтиёжи шунчалик камаяди.

- «Қаттиқ куч» эса, ҳарбий ва иқтисодий имкониятлар воситасида мажбурлашга (таёқ ва ширинликка) асосланади. Найнинг фикрича, тезкор ҳарбий ғалаба самарадорлиги пасайиб бораётган бугунги дунёда манфаатларни бошқариш учун ушбу икки турни оқилона уйғунлаштириш, яъни «ақлли куч» энг мақбул йўл саналади.

Хўш, нима учун замонавий можароларда ҳарбий бўлмаган воситалар бевосита ҳарбий ҳаракатдан устун келмоқда?

- Афғонистон ва Ироқдан олинган сабоқлар шуни яққол кўрсатдики, тўғридан-тўғри олиб бориладиган урушлар ниҳоятда серҳаражат, узок муддатли ва сиёсий жиҳатдан узил-кесил натижа бермайдиган жараёндир. Айни шу омил Ғарбдаги қарор қабул қилувчи доираларни 2004 йилдан кейин «юмшоқ куч»га ва билвосита таъсир ўтказиш воситаларига қайта эътибор қаратишга ундади.

- Урушларнинг «жанговар бўлмаган» ҳаражатлари – жумладан, қонуний ва ахлоқий мажбуриятлар (халқаро гуманитар ҳуқуқ, жамоатчилик олдидаги жавобгарлик) ҳамда чегара оша қочқинлар оқими – тўғридан-тўғри аралашув бадалини кескин ошириб юборади ва бундай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиш учун кучли омилларни вужудга келтиради.

Бу амалда қандай намоён бўлади? Қисқача мисоллар:

- Жазоир (тўқсонинчи йиллар): Сайлов жараёни бекор қилинган, Ғарб кучлари армия билан тил бириктириб, юртни қонли фуқаролар уруши гирдобига ташлаш йўлидан боришди. Бунда ташқи кучлар тўғридан-тўғри ҳарбий аралашувдан кўра, кўпроқ ички динамикага (ҳаракатлантирувчи кучларга) суянишни афзал билишди. Бу эса низо оловини ёқиш учун

кулай муҳитда билвосита воситаларни устун қўйишнинг яққол намунаси. Бироқ, биз мусулмонлар аслида доимо таъсир остидаги объект мақомида қолиб кетмаслигимиз лозим. Яъни «Агар биз давлат курсак, улар орамизда фуқаролар урушини келтириб чиқаради», деган ҳадикда ўтирмаслигимиз керак. Хусусан, Жазоир намунасида буён ўтган давр мобайнида Уммат ҳаёт синовларида товланиб, унинг сиёсий онги юксалгани эътиборга олинса, бу айтиш ҳақиқатдир.

- Ироқ (тўқсонинчи йиллар): Мамлакатга нисбатан шафқатсиз иқтисодий қамал жорий қилинди ва бу жараён «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури (1996) ишга туширилишига уланиб кетди. Ушбу чора ўзининг оғир гуманитар оқибатлари туфайли кенг кўламда танқид остига олинди. Бу ҳарбий бўлмаган «қаттиқ куч» тоифасига кирадиган иқтисодий мажбурлаш воситаси бўлиб, уни халқаро майдонда оқлаш мақсадида «юмшоқ» сиёсий талқинлар ҳамроҳлигида амалга оширилди.

- Сурия-Европа (2015): Ғарб кенг кўламли куруқлик қўшинларини киритишдан ўзини тийиб, асосий эътиборни санкциялар қўллашга, воситачилар орқали қўллаб-қувватлашга ва оммавий қочқинлар оқими оқибатларини бошқаришга қаратди. Бу билвосита «қаттиқ» воситалар (иқтисодий ва хавфсизлик) ҳамда «юмшоқ» воситалар (қонунийлик ва нарративни шакллантириш) ўзаро уйғунлашган мураккаб ёндашувдир.

Амалий хулоса: Тезкор ва узил-кесил ғалабага эришиш имконсиз бўлиб қолганда ҳамда ишғол қилиш ёки тўғридан-тўғри аралашув бадали ҳаддан ташқари ошиб кетган вазиятда, қарор қабул қилиш мезони – Най қарашларига кўра – ҳарбий мажбурлашдан қуйидаги мураккаб воситалар мажмуига кўчади: Иқтисодий мажбурлаш ва дипломатик босимлар (ҳарбий бўлмаган қаттиқ куч) + жозибадорлик, қонунийлик, сиёсий талқин (юмшоқ куч) = сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан қимматга тушадиган «яшин тезлигидаги уруш»га киришмай, сиёсий мақсадларни камроқ харажат ва узокроқ муддат ичида рўёбга чиқарадиган «ақлли куч».

Демак, кўпроқ кутиладиган эҳтимол шуки, давлатлар яқинда тикланадиган Ислоҳ давлатига қарши уруш танловига эмас, балки иқтисодий қамал вариантига қўл уришади. (Давоми бор). □

ЗОЛИМЛАРГА ТАЯНИШНИНГ ХАТАРИ

Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَلَا تَرْكَبُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَمَا تَمَسَّكُمْ النَّارُ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас» [Худ 113]

Ушбу оят ҳар бир ақл эгасини тўхтатиб, уни сергак торттиради... Уни тадаббур қилиш ва унга тадаббур жиҳатидан тўхталишдан олдин **رُكُونٌ** (рукун) сўзининг луғавий маъноларини тадқиқ этиш лозим.

Агар араб тили луғатларига мурожаат қилсак, **رُكُونٌ** сўзи майл ва ишониш (суяниш) маъноларини англатишига гувоҳ бўламиз. Замахшарий бу оятдаги **رُكُونٌ**ни «озгина мойиллик» маъносида тушунган. Қуртубий бундай деган: «**رُكُونٌ**нинг ҳақиқий маъноси – суяниш ва таяниш, бирор нарсага ишониб, унга рози бўлишдир». Қатода айтади: «Оятнинг маъноси: уларни дўст тутманглар ва уларга итоат қилманглар». Ибн Журайж «Уларга мойил бўлманглар», деган. Абул Олия: «Уларнинг амалларига рози бўлманглар», деган. Буларнинг барчаси бир-бирига яқин. Ибн Зайд: «Бу ерда **رُكُونٌ** хушомадгўйлик маъносидадир», деган. Тил имомлари **رُكُونٌ** сўзини мутлақ мойиллик ва бирор нарсага суяниш деб тафсир қилганлар. Қуртубийнинг айтишича, рукуннинг ҳақиқий маъноси – суяниш ва таяниш, бирор нарсага ишониб, унга рози бўлишдир.

Зотан, **رُكُونٌ** сўзи **رُكْنٌ** дан олинган, у эса, ҳар қандай бинонинг таянчи-устунидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَوْعَاوَىٰ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ﴾

«... Ёки кучли бир таянчим бўлса» [Худ 80]

Қуръони Карим **رُكُونٌ** сўзини мутлақ мойиллик маъносида қўллади ва бундан зулм аҳлини дўст тутиш ва уларга ёрдам беришдан янада қаттиқроқ қайтарилгани тушунилади. Демак, **رُكُونٌ** сўзи орқали ифодалаш ушбу тақиқдан кўзланган мақсадга янада балоғатлироқ далолат қилади. Худди Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّمَا الْحَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сизиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар бирдан узоқ бўлингиз!» [Моида 90]

деган каломидаги اجْتَنِبُوا «узоқ бўлинг» сўзи «ароқ ичманг ва қимор ўйнаманг», дейшдан кўра балоғатлироқдир.

Демак, زُكُونٌ сўзи ушбуларни ўз ичига олади: «мойиллик, ишониш, хотиржамлик ва суяниш». Чунки бирор нарсага ишониш ва унинг олдида мустаҳкам туриш куч-қудрат маъносига дохилдир. زُكُونٌ сўзи босқичма-босқич маъноларни ўз ичига олади, яъни мойилликдан бошланиб, ишонишга, сўнгра хотиржамликка ва ниҳоят суянишга қараб ўсиб боради, бу маъноларнинг бири иккинчисига олиб боради... Сир эмаски, зулм битта даражада бўлмайди, балки унинг турлари ва даражалари бор. Модомики биз зулмнинг турлари ва даражалари борлигини билар эканмиз, демак, оятдаги зулмга рукун қилишдан қайтарув ҳам турли хил ва даражаларда бўлиши муносибдир ҳамда бу сўзнинг маъноси унда мужассам бўлган маънолар кўламининг ҳамма-ҳаммасини қамраб олиши лозим.

Имом Розий ўз тафсирида зикр қилишича, زُكُونٌ сўзининг зидди ذُفُورٌ дир, яъни зулм қилганлардан нафратланиш (улардан узоқ юриш)дир. Шундай экан, оятдаги تَرَكْنُوا феълининг маънолари қалб амаллари ва тана аъзолари амалларидан ташқарига чиқмайди. Қалб амалларига мойиллик, муҳаббат ва розилик кирса, тана аъзолари амалларига ишониш, зулмни зийнатлашда шерик бўлиш, золимларга тилеғламалик қилиш, уларни зиёрат қилиш, ҳамроҳлик қилиш, бирга ўтириш, уларни мақтаб гапириш ва уларга суяниш киради. Золимга زُكُونٌ қилишнинг энг қуйи даражаси уни бошқаларга зулм қилишдан тўсмаслик бўлса, энг юқори даражаси зулмни золимнинг ўзига ва одамларга чиройли қилиб кўрсатишдир.

Биз ушбу ояти каримага тўхталмоғимиз зарур:

1 – Аллоҳ Таолонинг Худ сурасидаги

﴿وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا﴾

(Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар) ояти Қуръони Каримда такрорланмаган қайтарувдир. Ушбу сура Аллоҳ Таолонинг Китобида бир неча ўринларда зулм ва туғён сифати билан васф қилинган етти қавм қиссаларини ўз ичига олган. Ҳуд сурасида зулм ва туғённинг барча манзаралари, ҳар бир қавмга хос бўлган ҳокимият таркиби ва мустабид тузилманинг турли шакллари тўлиқ баён этилганидан сўнг, суранинг охирида золимларга суянишдан қайтарув келган.

Қайтарилган руқун золимлар тутган йўлга рози бўлишни, уларнинг услубини ўзгалар наздида яхши санаб, зийнатлаб кўрсатишни ҳамда уларнинг шариатга зид ва қайтарилган амалларида уларга шерик бўлишни ҳам ўз ичига олади. Ҳасан Басрий ушбу ояти карима ҳақида бундай деган: Бу ва олдинги оятда «Аллоҳ динни икки қайтарув орасига жойлаб, *وَلَا تَطْعُوا* туғёнга кетманглар) ва *وَلَا تَرْكَبُوا* суянманглар) деди». Ҳа, Ҳасан Басрий бу ерда бутун дин моҳиятини икки ишда, яъни туғёндан қайтаришда ва золимларга мойил бўлишдан қайтаришда мужассам этди. Бу эса, зулм аҳлига мойил бўлишдан сақланиш нақадар муҳим эканига далолат қилади. Чунки бунда дин ишини сусайтириш ва унинг шаънини заифлаштириш мавжуд.

2 – Дарҳақиқат, туғён ва зулм қилганларга таянишнинг зарари фақат якка шахсга эмас, балки бутун жамият ва давлатга тегади. Бу қилмишнинг нақадар жиддийлиги, хусусан, бу ҳолат оммавий тус олиб, фуқаронинг золимга нисбатан оммавий итоатгўйлиги кўринишида яққол кўзга ташланади. Биз олдинги оятдаги туғёнга тушишдан қайтариш ўзининг умумийлигида кўплик шаклида келганига, шунингдек, зулм қилганларга таянишдан қайтариш ҳам бирлик эмас, кўплик шаклида келганига гувоҳ бўлдик. Бу эса зулм қилганларга мойил бўлишнинг ўта хатарли эканига далолат қилади. Бас, қайси жамиятда туғён мавжуд бўлса, ўша ерда зулм қилганларга суянувчилар тоифаси ҳам топилади, мавжуд суяниш сабабли уларда тўғри йўлда собит туриш ҳеч қачон рўёбга чиқмайди.

3 – (*رُكُونٌ* суяниш) – хоҳ ҳис-туйғу орқали бўлсин, хоҳ зулм қилганлардан нафратланишни ифодаловчи бирорта хатти-ҳаракат қилмаслик орқали бўлсин, фарқсиз – кўпинча зулмга нисбатан билдирилган энг осон салбий реакциядир. Бирок, зулм қилганларни қўллаб-қувватлаш ёки уларга мойил бўлиш у ёқда турсин, ҳатто уларга шунчаки сукут сақлашнинг ўзи ҳам

қайтарилган қилмишдир. Шу боис ҳам ифода «золимлар» эмас, балки айнан «зулм қилганлар» лафзи билан келди. Бу шуни англатадики, мазкур оятдаги қайтарув, зулм қилганларнинг ҳавойи нафсларига эргашиб тубанлашишни, уларга бутунлай берилишни, ҳамроҳлик қилиш ва бирга ўтиришни, уларни зиёрат қилиш ва уларга хушомад қилишни, амалларига рози бўлиб, уларга ўхшашга интилиш ва кийиниш тарзларини ўзлаштиришни, уларнинг дунёвий зийнатларига кўз тикишни ҳамда уларни улугловчи сўзлар билан тилга олишни ўз ичига олади.

Имом Олусий ушбу оят ҳақида бундай дейди: «Аксар муфассирларнинг фикри шуки, агар ўзидан қандайдир бир зулм содир бўлган кимсага нисбатан умумий маънода озгина мойил бўлишнинг оқибати одамларга дўзах олови етишига олиб борса, у ҳолда, зулмга илдиз отиб кетганларга бутунлай мойил бўлган кимса ҳақида нима дейишингиз мумкин?!». Зулм қилганлар сўзи умумийдир, хоҳ мўмин, хоҳ кофир бўлсин, ҳар қандай золимни ўз ичига олади. Қуртубий оятдан мурод умуман зулм аҳли деган фикрни қувватлироқ кўрган. Бу хусусда Ибн Аббос бундай деган: «Бу ҳукм, мусулмон билан ғайримусулмон ўртасида ҳеч қандай фарқсиз умумий татбиқ қилинади. Зеро, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади, сабабнинг хослиги эмас». Имом Шавкониё роҳимахуллох бундай дейди: «Оятнинг зоҳири умумийликни ифода этади, агар нозил бўлиш сабаби мушриклар деб фараз қилинган тақдирда ҳам, эътибор сабабнинг хослигига эмас, балки лафзнинг умумийлигига қаратилади».

4 – Ушбу ояти карима зулм қилганларга таянишнинг икки оқибатини белгилади: Биринчиси, дунёвий бўлиб, Аллоҳ томонидан нусрат ва мададнинг келмаслиги. Иккинчиси, охиратдаги дўзах азобидир.

Ушбу икки оқибат Аллоҳ Таолонинг

﴿فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

(Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас) деган каломиди ифодаланган. Гўёки Аллоҳ Субҳанаҳу бизга бундай демоқда: Агар сиз зулм аҳлининг тутган йўлига рози бўлсангиз, уларга итоаткорлик қилиб эргашсангиз ва ботил ишларида уларга ёрдам берсангиз, албатта охиратда сизга жаҳаннам ўти етади, дунёда ҳам Аллоҳ

сизга ёрдам бермайди, аксинча, Аллоҳ сизни Ўз ёрдамисиз қолдиради, устингизга душманингизни ҳукмрон қилади ва сизни хор аҳволда ташлаб қўяди. Бугунги кунда Умматнинг ҳоли айнан шундай. Сиз қачонки золимга суянсангиз, ҳақиқатда Аллоҳнинг йўлига нисбатан душманлик ҳолатига тушиб қоласиз, оқибатда Аллоҳ сизни ташлаб қўяди ва ҳеч ким сизга ёрдам беролмайди, чунки Аллоҳ Таолодан ўзга на бир дўст бор, на ёрдам берувчи.

Зулм йўлини тутганларга озгина таянишнинг ўзи мана бу жазога олиб боради:

﴿فَتَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

(Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас). Шу ўринда Имом Шавканийнинг ушбу иборасини нақл қиламан: *(Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар)*, уларга таянгангиз сабабли. Бунда шунга ишора борки, золимлар дўзах аҳлидир ёки худди оловнинг ўзгинасидир, кимки оловга ҳамроҳ бўлса, унга олов етиши шубҳасиз...».

Мовардий ҳам яна бир нозик жиҳатга ишора қилган ва бундай деган: «Худди олов ўзига яқин бўлган нарсага куйдириш учун тутшиб кетгани каби, зулм қилганларнинг зулми ҳам уларга яқинлашган кимсаларга тутшиб куйдиради, демакдир. Ушбу жиҳатга кўра, оловнинг зикр қилиниши истиора ва ташбиҳдир». Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَا لَكُم مِّن دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

(Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас), деган каломида ўзига золимларни рукн (таянч), суянадиган асос ва соясида ором оладиган макон қилиб олган кимсалар учун зулм қилганларга суяниш қилмишининг нақадар оғир жиноят эканига қатъий далил бор. Бас, ҳаёти дунёда уларни дўст ва ёрдамчи деб рози бўлганингиз ҳамда улар сабабли Аллоҳ Субҳанахунинг дўстлиги ва ёрдамидан беҳожат бўлганингиздан кейин, энди улар сизларга, сиз билан Аллоҳнинг азоби ўртасини тўсиб қоладиган дўст ёки ёрдамчи бўлишмайди.

5 – Золимларга таяниш дунёда бало-офатдир, чунки у таянган кимсаларни зулмда давом этишга ва уни янада авж

олдиришга рағбатлантиради. Золимларга мойил бўлишнинг, хусусан, уламолар томонидан содир этилганда, хатари улкан ва ёмонлиги чор атрофга ёйилган бўлади. Бу ҳолат аввалига золимларнинг хузурига киришдан бошланади, кейин тез орада кирганларнинг кўпчилиги золимларнинг суҳбатини ўзларига раво кўрадиган, қилмишлари учун келтирган окловларини қабул қиладиган, балки уларнинг сўзларига алданадиган кимсага айланишади. Кейин андиша қилиб золимларнинг ҳадялари ва инъомларини қабул қила бошлашади, оқибатда тиллари ҳақни айтишдан тийилади. Шу тариқа, уларнинг хузурига кириш Аллоҳ учун ва Унинг розилигини истаб кириш эмас, балки нафс насибаси йўлида киришга айланиб қолади. Улар энди золимларга ва улар ғарқ бўлган дунё ҳашаматию халққа қилаётган зулмларига мойил бўлиб қолишади. Золимларга таянмасликнинг фақат бир йўли бор: Бу Аллоҳ Таолога тақво қилиш, амални Унинг ризоси учун холис қилиш, Унинг ҳайбати ва буюклигини ҳис этиб, Унинг хузурда туришни фикрлашдир. Мана, имом Зухрий, илмда баланд мартаба соҳиби бўлишига қарамай, саройга аралашиб қолгани учун унга холис-насихатгўй биродари бундай деб мактуб ёзади: «Эй Абу Бакр, Аллоҳ барчамизни фитналардан асрасин! Сиз шундай ҳолатга тушиб қолдингизки, сизни танийдиганлар ҳаққингизга дуо қилиши ва ҳолингизга ачиниши лозим. Чунки кексайиб, ёшингиз бир жойга етиб қолганда, Аллоҳ сизга Ўз Китобидан тушунтирган ва Набийсининг Суннати орқали берган неъматлари сизнинг масъулиятингизни янада кучайтирди. Ваҳоланки Аллоҳ уламолардан аҳду паймонни бундай равишда олмаган. Аксинча, Китобида

﴿لُئَلَّيْسِنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ﴾

«Албатта бу Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» [Оли Имрон 187]

деди. Шуни яхши билингки, қўл урган энг енгил жиноятингиз ва кўтарган энг енгил юкингиз – сиз ҳақни адо этмаган ва ботилни тарк қилмаган золимга яқинлашиш орқали унинг залолат йўлини осонлаштирдигиз. Золимлар сизни ўзларига яқинлаштириб, сизни ботил тегирмонини айлантирадиган ўққа, бало-офатларини кечиб ўтадиган кўприкка ва залолатларига кўтариладиган нарвонга айлантериб олишди. Улар сиз орқали бошқа уламолар хусусида одамларда шубҳа уйғотишмоқда ва сизнинг воситангизда нодонларнинг қалбини етаклашмоқда.

Улар сизга дунёдан берганлари динингиздан бузган нарсалари олдида ҳеч нарсага арзимади! Бас, Аллоҳ Ўз каломида

﴿فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسَوْفَ يَلْقَوْنَ غِيَابًا﴾

«Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлишди. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмон (жазо)га йўлиқишур»

[Марям 59]

деган кимсалардан бўлиб қолишдан кўрқмайсизми?! Зеро, сиз ҳеч нарсадан беҳабар бўлмаган Зот билан муомала қилмоқдасиз ва ҳеч қачон ғафлатда қолмайдиган Зот сизнинг қилмишларингизни сақлаб қайд қилиб бормоқда. Бас, динингизни муолажа қилинг, чунки унга дард оралаган, охират озиғини ғамланг, чунки узоқ сафар яқинлашди. Аллоҳдан ҳеч нарса яширин эмас. Вассалом».

Ривоят қилинишича, бир киши Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳузурига келиб сўради: «Эй имом, мен золим ҳукмдорларга кийим тикувчи бўлиб ишлайман. Менга Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَا تَرْكُنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ﴾

(Зулм қилган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар) деган сўзи тўғри келиб қоладими?» – деб сўради. Шунда Имом Аҳмад деди: «Йўқ! Аксинча сен зулм қилганлардансан! Сенга ип сотган киши эса, зулм қилганларга суянганлардир». Агар бугунги кунда золимларнинг ёнини оладиган, қилмишларини яширадиган, улар учун баҳона тўқийдиган ёки зулмига шерик бўлиб, уларни қўллаб турадиганларга шу ўлчовни қўлласак, улар ким бўлиб чиқади, ўзингиз ўйлаб кўрингчи?! Айникса, оятнинг давомини билганимиздан сўнг:

﴿وَلَا تَرْكُنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا

تُنصَرُونَ﴾

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир, кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас» [Худ 113]

Эй золимларга мойил бўлаётган, уларга ҳамтовоқлик қилаётган ва жиноятларини оқлаётган кимсалар! Ушбу жиноятларда уларга шерик эканингизни наҳот билмасангиз?!

Сиз ўз динини бировнинг дунёси эвазига сотиб юборган кимсалардан бўлиб қолдингиз!

Ғазода ва бошқа исломий юртларда тўкилган шунча қонлар ва вайронагарчиликлардан, шунингдек, бу золимларнинг ер юзида содир этаётган жиноятлари ва бузғунчиликларидан кейин, сизларга тоғутлар ва золим жиноятчиларга нисбатан ўз мавқеингизни қайта кўриб чиқиш фурсати келмадими?! □

СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА СИЁСАТ ЮРИТИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН АСОСИЙ ШАРТЛАР (6)

Олтинчи ва сўнгги қисм

Устоз Лукмон Ҳарзуллох

Альянслар ва блоклар

Альянслар ва блокларни ўрганиш сиёсатчилар ва сиёсатни белгиловчилар учун жуда муҳим. Чунки альянслар ва блоклар ҳарбий ва иқтисодий устунликни таъминлаши, дунёни – инсониятни деярли йўқ қилган жаҳон урушлари каби – кенг кўламли урушларга олиб келиши мумкин. Альянслар ва блоклар давлатларнинг ўзларидаги ҳарбий ёки иқтисодий қувватни жамлаш мақсадида фойдаланадиган асосий услублардан биридир. Бунинг натижаси ўларок, халқаро майдонда альянс ёки блокнинг вазни унга аъзо бўлмаган алоҳида давлатнинг вазнидан сезиларли даражада юқори бўлади. Шу боис, альянсга аъзо ҳар қандай давлат, унинг ихтисослашуви доирасида, фақат ўз давлатининг вазнини эмас, балки бутун альянс вазнини намоён этади. Айнан шу ҳолат альянсининг – бинобарин, унинг таркибидаги давлатларнинг, хусусан, альянс сиёсатини белгиловчи ва унга етакчилик қилувчи давлат ёки давлатларнинг – халқаро муносабатлардаги таъсирини яққол кўрсатиб беради.

Альянс икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги шартнома асосидаги муносабат бўлиб, унда томонлар тажовуз ёки уруш ҳолатида ўзаро ёрдам беришга келишиб олишади. Биз «альянс» сўзини ишлатганимизда, айнан ҳарбий альянсни назарда тутяпмиз. Альянс тузиш омиллари турлича бўлса-да ҳамда манфаат омили бошқалардан кўра яққолроқ кўзга ташланса-да, бироқ альянс ортида ақидавий сабаб ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунга Россия, Пруссия ва Австрия ўртасидаги 1815 йилги «Муқаддас иттифок»ни мисол қилиш мумкин. Унда Европа давлатлари ўртасида «Масихнинг даъвати»га асосланган алоқа ўрнатишга келишилди, шу тариқа иттифок аъзолари тинчлик ва тартибни ҳимоя қилишга «Тангри томонидан жавобгар қилинган» бўлишди. Альянслар 1873 йилдаги «Уч император иттифоқи» каби моддий манфаат асосида бўлиши ҳам мумкин. Ўшанда Германия, Россия ва Австро-Венгрия императорлари ушбу империялардан бирига уруш таҳдиди туғилганда ўзаро мудофаани таъминлашга иттифок қилишган. Бунга яна бир мисол – 1949 йилда Совет Иттифоқига қарши туриш учун тузилган Шимолий Атлантика

альянси (НАТО)дир. Ўз навбатида, Совет Иттифоқи ҳам бунга жавобан 1955 йилда Варшава шартномасини тузган эди.

Халқаро блок – бир қатор давлатларнинг сиёсий ёки иқтисодий йўналишларни биргаликда қабул қилиш, уларга алоқадор сиёсатларни ҳамкорликда юритиш ҳақидаги ўзаро келишувдир. Дунёда сиёсий блоклар, иқтисодий блоклар ва сиёсий-иқтисодий блоклар мавжуд. Ўтган асрда дунё икки асосий сиёсий блокка бўлинди: шарқий блок ёки шарқий лагер ва ғарбий блок ёки ғарбий лагер. Ғарб ва Совет Иттифоқи ўртасидаги қарама-қаршилик доирасида шарқий блок Совет Иттифоқи позицияси атрофида бирлашди, ғарбий блок эса АҚШ позицияси атрофида. Шунингдек, Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар блоки ҳам тузилган бўлиб, унинг тузилишига 1955 йилдаги Бандунг (Индонезия) конференцияси асос бўлган. Бу блокни ташкил этишда Жавахарлал Неру, Жамол Абдунносир ва Иосип Броз Тито бош ташаббускор бўлишган. Ушбу блок «ижобий бетарафлик» мавқеини эълон қилган бўлса-да, амалда у Ғарб билан Совет Иттифоқи ўртасидаги қарама-қаршилик даврида кўпроқ Ғарб блоги манфаатларига хизмат қилгани очиқ-ойдин кўриниб турган. Сиёсий-иқтисодий блоклардан бири 1957 йилдаги Рим конференциясининг самараси ўлароқ ташкил этилган Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИҲ)дир. Унинг асосий мақсади унга аъзо олти давлат – Бельгия, Франция, Италия, Ғарбий Германия, Люксембург ва Голландия – ўртасида Европа умумий бозори ва божхона иттифоқини ташкил этиш орқали иқтисодий интеграцияга эришиш бўлган. Оқибатда, 1991 йилдаги Маастрихт шартномасидан сўнг Европа Иттифоқи (ЕИ) ташкил этилди. Шунда Европа Иттифоқи валютаси бирлаштирилди (фақат баъзи давлатлар ўз асосий миллий валюталарини сақлаб қолди). Гарчи Европа Иттифоқининг сиёсий роллари мавжуд бўлса-да, унинг энг ёрқин жиҳати иқтисодий томонидир. Чунки унда пул-кредит сиёсати бирлаштирилди, аммо солиқ сиёсати бирлаштирилмади. Шу сабабли, у иқтисодий жиҳати устун бўлган сиёсий-иқтисодий блокдир. Энг муҳим сиёсий-иқтисодий блоклардан бири «Катта еттилик» (G7) гуруҳидир. У 1973 йилда АҚШ, Британия, Германия, Франция, Италия, Япония ва Канада томонидан ташкил этилган ҳамда ундан хавфсизлик, савдо, иқтисод ва иқлим ўзгариши соҳаларидаги йирик масалалар юзасидан муносабатларни муҳокама қилиш ва ўзаро мувофиқлаштириш

мақсад қилинган. Иқтисодий блокка яна бир мисол сифатида «БРИК» гуруҳини келтириш мумкин. У бир қатор дипломатик учрашувлар ортидан, 2008 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган форумдан сўнг фаолият бошлади. Гуруҳ аввалига Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойдан таркиб топган эди. Кейинчалик, 2010 йилда Жанубий Африка қўшилиши билан гуруҳ кенгайди ва унинг номи «БРИКС»га айланди. Гуруҳни ташкил этиш дунёдаги молиявий яқка қутблиликни тугатиш доирасида амалга оширилгани маълум қилинди ва у янги молиявий тузилма яратиш устида ишлади. Бу гуруҳ айна мақсадда қароргоҳи Шанхайда жойлашган Янги Тараққиёт Банкни (NDB) ташкил этди ҳамда глобал ликвидлик босимларидан ҳимояланиш учун фавқулодда захира чораларини (CRA) ишлаб чиқди. Шунингдек, БРИКС давлатлари тўлов тизимида Ғарбдан мустақилликни таъминлаш мақсадида, 2015 йилда SWIFT тизимига муқобил тўлов механизмини яратиш бўйича муҳокамаларни бошлади.

Альянслар ва блоклар қаторига конференциялар ва форумлар ҳам киради. Биз халқаро қонун ва халқаро позиция мавзусида, шунингдек, ушбу боб доирасида кўриб чиқилган мисолларда халқаро конференцияларга тўхталиб ўтган эдик. Халқаро конференциялар альянсларни, халқаро қонунни ва муштарак сиёсатларни белгилашда асос вазифасини ўтаган. Энг эътиборга молик конференциялардан бири 1944 йилдаги Бреттон-Вудс конференцияси бўлиб, унда долларнинг дунёдаги ҳукмрон валютага айланишига асос солинган. Шунингдек, 1648 йилдаги Вестфалия конференцияси ҳам шулар жумласидан бўлиб, Европанинг Ислом давлатига қарши позициясига тамал тошини қўйган. Форумларга келсак, улар сиёсий ва иқтисодий етакчилар ҳамда муфаккирларнинг дунё микёсидаги йирик масалаларни тадқиқ этиш ва муҳокама қилиш учун тўпланадиган муҳим майдони ҳисобланади. Глобал форумларнинг энг нуфузлиси – ҳар йили Давос курортида ўтказиладиган Жаҳон иқтисодий форумидир. Бу форум дунёнинг энг йирик капиталистлари, улкан компаниялари, муфаккир ва сиёсатчиларини ўзида жамлайди ҳамда унда глобал аҳамиятга эга масалаларга доир асосий йўналишлар муҳокама қилинади.

Альянслар ва блоклар ўта хатарлидир. Чунки улар дунёни улкан урушлар гирдобига улоқтиради. Дунёни ўнлаб миллион инсонларнинг бошига етган икки жаҳон уруши қаърига айнан

ҳарбий иттифоклар олиб кирди. Бу урушлар оловини ёққан Британия уларни ёлғиз ўзи олиб боришга қодир эмас эди. Шу боис у альянслар тузди. Оқибатда экин ва наслни қуритди. Сиёсатни белгиловчилар инсоният кушандаси бўлмиш буюк урушларнинг олдини олиш учун, альянс тузиш тушунчасига қарши глобал раъйи омни яратишлари лозим. Ана ўшанда, етакчилик ёки манфаат талашиб икки давлат ўртасида юз берадиган кичик урушлар улкан муаммога айланмайди, чунки бундай тўқнашувларнинг талафот кўлами доимо чеклангандир.

Сиёсатчи киши блоклар, форумлар ва уларнинг йиғилишларидан асло ғафлатда қолмаслиги керак. Чунки, улар кўплаб глобал – иқтисодий ва сиёсий – масалалар муҳокама қилинадиган муҳим йиғилишлар бўлиб, уларда дунёнинг таъсир кучига эга давлатларнинг етакчилари мазкур масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён қилишади. Бу эса кузатувчининг эътиборини муайян масалага оид ҳодисаларни таъсирли давлатларнинг ўша масала бўйича позицияси билан узвий боғлашга йўналтиради ва уни ҳодисалар тафсилотларига берилиб кетиб, умумий манзарага алоқаси бўлмаган жужий тушунчалар гирдобиди адашиб қолишдан асрайди.

Сиёсий онг

Уйғониш йўлида фаолият юритувчи шахснинг сиёсий таҳлилни пухта эгаллашининг ўзи кифоя қилмайди. Зеро, таҳлил ўз-ўзидан асл мақсад эмас. Агар фақат таҳлил билан чекланилса, уйғониш сари ҳаракат қилувчи киши на ўз мақсадларини рўёбга чиқара олади ва на ўзининг сиёсий тушунчасидан фойдалана олади. Натижада у уйғониш жараёнида ҳеч қандай амалий таъсирга эга бўлмаган «назарий сиёсий таҳлилчи» бўлиб қолаверади. Демак, уйғониш йўлида фаолият юритувчи ўз Умматини уйғотишга қодир бўлиши учун, албатта, сиёсий онг соҳиби бўлмоғи лозим. Сиёсий онг халқаро вазият ва ҳодисалардан шунчаки хабардор бўлишгина эмас. Сиёсий онг кишининг ишларни бошқаришни англашидир. Яъни инсоннинг ўз ишларини бошқариш ҳақида тадаббур қилиши (чуқур фикр юритиши), бинобарин, дунёга алоҳида-хос нуқтадан назар солишидир.

Инсоннинг ўз ишларини тадбир қилиши билан оламга алоҳида нуқтадан назар ташлаши бир-бирига боғлиқдир. Бу боғлиқлик шундан иборатки, инсон ўз ишларини бошқарар экан, ўзига кимлар таъсир ўтказаятганига эътибор қаратиши, уларнинг таъсир кўламини ва услубларини ҳамда мазкур

таъсир ўтказувчилардан келаётган хатарни идрок этиши лозим. Шундагина у хатардан сақланиш учун зарур чора-тадбирларни кўра олади, тегишли сиёсатни белгилайди ҳамда ўзига таъсир ўтказишни кўзловчиларнинг имкониятини йўққа чиқариб, аксинча, ўзгаларга таъсир ўтказиш ташаббуси томон йўналиш олади.

Оламга алоҳида нуқтадан назар солиш бир қатор қийматлар ёки қоидалардан иборат бўлиши, ёхуд муайян мабда (мафкура) бўлиши мумкин. Агар инсон оламга назар солишда миллатчилик ёки ватанпарварликдан келиб чиқадиган бўлса, унинг дунёқараши ва онги тор доирада чекланиб қолади. Бордию у инсоний тенглик ёки умумий ҳаёт қийматларига асосланса, унинг қарашлари хаёлий тус олади. Баъзида эса у муайян фикрат ёки мақсадга асосланган нуқтадан келиб чиқади ва табиийки, унинг барча амаллари ўзи қабул қилган мазкур нуқта асосига қурилади. Аммо, агар у оламга назар солишда мабдадан келиб чиқса, унинг сиёсий онги барқарор, мақсади аниқ ҳамда услублари ўзи кўзлаган ғояга мустаҳкам боғланган бўлади.

Мусулмон киши дунёга Ислом ақидаси назаридан боқади. Қачонки мусулмон киши араб ҳукмдорларининг Америка билан тобелик асосида алоқа ўрнатишаётганини кўрса, буни Уммат яхлитлигидаги улкан ёриқ деб билади. Чунки Аллоҳ Азза ва Жалла деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْكٰفِرِينَ ءَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ ؕ اَثْرِيْدُونَ اَنْ تَجْعَلُوْا لِلّٰهِ عَلَيْهِمْ سُلْطٰنًا مُّبِيْنًا﴾

«Эй мўминлар, мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутманглар! Аллоҳ учун ўз зарарларингизга очик ҳужжат қилиб беришни истайсизми?» [Нисо 144]

Шунингдек, агар у мусулмонларни, бошларига бирор ташвиш тушганда БМТга ёлвораётганларини ва куфр кучларидан биридан нажот сўраётганларини кўрса, буни муқаррар зиёнга етакловчи жиноят деб баҳолайди. Зеро, Аллоҳ Азза ва Жалла деди:

﴿فَتَرَى اَلَّذِيْنَ فِيْ قُلُوْبِهِمْ مَّرَضٌ يُسْرِعُوْنَ فِيْهِمْ يَقُوْلُوْنَ نَخَشَى اَنْ تُصِيْبَنَا دٰٓئِرَةٌ فَعَسَى اَللّٰهُ اَنْ يَّاتِيَ بِالْفَتْحِ اَوْ اَمْرٍ مِّنْ عِنْدِهٖ فَيُصِْبِحُوْا عَلٰى مَا اَسْرُوْا فِيْ اَنْفُسِهِمْ تَلْمِيْٓمِيْنَ﴾

«Бас, сиз дилларида мараз бўлган кимсалар – бизга бирон бало этишидан қўрқамиз, дея улар (кофирлар) томонга

шошаётганини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга галаба берса ёки ўз хузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолишса»

[Моида 52]

Мусулмоннинг ўзига хос назар солиш нуктаси уни, шубҳасиз, шу асосда амалий фаолиятга ундайди. Агар у Американинг Фаластин масаласини ўз қарашига кўра – яҳудийлар давлати биқинида Фаластин вужудини барпо этиш орқали – ҳал қилиш устида ишлаётганини кўрса, бу лойиҳага қарши курашиши ва бу йўлда муносиб услубларни қўллаши лозим. Жумладан: одамлар орасида айни лойиҳага қарши раъйи омни яратиш, намоишларга чиқиш, баёнотлар тарқатиш, деворий варақалар ёпиштириш, одамларни унга қарши норозилик арзномаларини имзолашга ундаш ёки қувват эгалари билан боғланиб, уларга лойиҳанинг моҳияти ва хатарини тушунтириш ҳамда – агар улар хоҳласалар, азму қарор қилсалар ва Аллоҳга таваккул қилсалар – ечим айнан уларнинг қўлида эканини англатиш каби ишларни амалга оширади.

Уйғониш йўлида фаолият олиб борувчи мусулмон оламга назар соладиган ушбу махсус нукта уни, аввало, ўз Умматига таъсир ўтказишга ундайди. Токи, Уммат унинг мабдасини ўз мабдаси сифатида қабул қилсин, мустамлакачи кофирнинг кишанларидан озод бўлсин ва ўзи учун арконлари собит-мустаҳкам, биноти улуғвор бўлган бир давлат барпо этсин. Натижада бу давлат дунёга таъсир ўтказиб, Исломни олам учун ҳидоят тузуми ва нур ўларок кўтариб чиқсин.

Мусулмоннинг ўз давлати доирасида қарайдиган ушбу махсус нукта уни кофирларнинг макр-ҳийлаларини кўра билладиган қилиб кўяди. Натижада у айнан шу нукта асосида бир майдонда уруш очса, бошқасида сулҳ тузади ва фақат Аллоҳ йўлидагина жанг қилади. Моддий имкониятларининг чеклангани уни бойликларни қўлга киритиш илинжида мустамлакачилик қарашини қабул қилишга ёки шаръий ҳукмга хилоф иш тутишга ҳаргиз ундамайди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Азза ва Жалла бундай деган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا وَإِنْ خِفْتُمْ عَيْلَةً فَسَوْفَ يُغْنِيكُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ إِن شَاءَ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нажасдир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжидул Ҳаромга яқин келишмасин!»

Агар сизлар камбағалликдан қўрқсангизлар, (билингки) яқинда (Аллоҳ) хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. Албатта, Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» [Тавба 28]

Бунинг муқобилида эса, ушбу махсус қараш нуқтаси унга бутун дунёни ўз кўз ўнгига қўйиш ва ўлкаларни Ислом билан бошқариш учун фатҳ этишни осонлаштирадиган сиёсатни ишлаб чиқиш имконини беради. Шу боис, у бир томонга Ислом рисоласини етказадиган савдогарларни жўнатса, бошқа томонга Ислом даъватини олиб борувчи ахборот воситаларини йўналтиради. Шунингдек, бирор уруш ҳолатидаги давлатни ўз ички муаммолари билан овора қилиб қўйиш мақсадида, у ердаги мусулмон жамоаларни қўллаб-қувватлайди ва ўз кўшинини сафарбар этиб, у ерни фатҳ қилади.

Шунинг учун, агар инсон – гарчи хос нуқтадан бўлса ҳам – фақат маҳаллий ишларга назар соладиган бўлса, буни ҳақиқий сиёсий онг деб бўлмайди. Бу сиёсий онгсизлик ва уйғониш йўлидаги ҳаракатнинг оқсашидир. Чунки Умнатни уйғотиш учун иш олиб бораётган киши, Умнатга таъсир ўтказётган барча давлат ва миллатларга ҳам қараши, уларни махсус нуқтадан келиб чиқиб таҳлил қилиши лозим.

Умнат ичида сиёсий онгга эга алоҳида шахсларнинг мавжуд бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Чунки ундаги онгли кишиларнинг сони қанчалик кўп бўлмасин, бу омил Умнатни душманларнинг макр-ҳийлаларидан тўлиқ ҳимоя қила олмайди. Аксинча, гарчи Умнатнинг ҳар бир аъзосида буни ҳосил қилиш имконсиз бўлса-да, Умнат ўз мажмуасида сиёсий онгли Умнатга айланиши учун бор куч-ғайрат сарфланиши лозим.

Шунингдек, онгли киши сиёсатни ва халқаро вазиятни тушунишда ҳамда шундан келиб чиқадиган амалларда ўз ҳис-туйғулари оқимига тушиб қолишдан жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки ҳис-туйғуга, олдиндан қабул қилинган аҳкомларга ёки шахсий, ҳизбий ёхуд мабдаий мойиллик сабабли фаҳмлашда тарафкашликка оғиб кетиш – сиёсий тушунчани залолатга етаклайди. Бинобарин, бу ҳолат ушбу тушунчага асосланган амалларни беҳудаликка маҳкум этади.

Сиёсатларни белгилаш

Сиёсий онг соҳиби – ўзининг махсус қараш нуқтаси орқали кўра билган мақсадга етиши учун – аниқ режа ва услубларни қабул қилиши лозим. Агар ушбу сиёсий онг эгаси мусулмонлар ишларини бошқарадиган ҳамда Ислом давлатида бошқарув

жиловини ўз қўлида тутган кишилардан бўлса, у ҳолда сиёсатларни белгилаш – мақсадлар, уларга олиб борувчи сабаблар ҳамда ушбу сабаблар воситасида мақсадларга етиш учун қўлланиладиган услублар жиҳатидан – ўта зарур ва муҳим ишдир. Бугун бу қадар улкан тараққиёт ва глобаллашувдан сўнг, дунёда мақсадга эриштирувчи сиёсатни тайёргарликсиз юритиш жуда мушкул, балки хатарли ишга айланди. Шу боис, сиёсатларни белгилаш унинг кириш йўлларини (асосларини) чуқур эгаллаш талаб этиладиган бир санъатга айланди.

Дарҳақиқат, сиёсатларни белгилаш жараёнига сабабият қоидаси татбиқ этилади. Зеро, сиёсат мақсадларни рўёбга чиқариш учун ишлаб чиқилади. Мақсадга эришиш учун эса, аввало, у шунчаки умумий ном эмас, балки аниқ белгиланган бўлиши керак. Мақсад аниқ белгилангач, унга олиб борадиган сабаблар ўрганилади ва уларни аниқлаб олинади, сўнг шу сабаблардан келиб чиқиб, мақсадга эриштирувчи услублар белгиланади. Ушбу услубларни татбиқ этиш асносида – то мақсадга етилгунга қадар – кўзланган мақсад доимий эътиборда тутилиши лозим.

Мақсад зеҳнда ўрнашиб, қарор топгач, унга нисбатан муайян чора-тадбир белгиланади. Бу чора мақсаднинг ўзига ҳам, мақсад сари ҳаракат қилувчи кишининг савиясига ҳам мос даражада бўлади. Инсон, сиёсатчи сифатида, ўз олдига бир мақсад қўяди, масалан, ризқ топишни, сўнг шу мақсадга эришиш учун сабаб ва воситаларни белгилайди. Бу сабаблар эса мақсаднинг ва мақсад сари ҳаракат қилувчи шахснинг кўламига мос бўлади. Айримлар ризқ ҳақидаги тафаккурини фақат кундалик тирикчиликни таъминлаш билан чеклайди. Бошқалар эса ризққа аниқ таъриф бермай, қўлидан келган ишни қилиб юраверади. Яна бир тоифа бойликка интилган ҳолда ҳаракат қилади. Шу боис, фақат бор имконият билан иш юритадиган одам, бойликни мақсад қилган одамга нисбатан анча камроқ имконият эшикларини қоқади. Жамоалар ҳам айни шу тартибда ўз мақсадларини белгилашади. Улардан баъзиларининг мақсади фақатгина мавжуд воқеликда иштирок этиш билан чекланса, бошқалари вазиятни тубдан ўзгартиришни талаб қилади, уларнинг ҳар бири ўз мақсадининг кўламига мос чораларни кўради. Шунингдек, мақсад сари ҳаракат қилувчи киши, агар ўзини кўзланган мақсадни рўёбга чиқаришга қодир эмас деб билса, ўз имкониятларини мақсад даражасига етгунга қадар юксалтириш ҳаракатида бўлади.

Дарҳақиқат, глобал партиялар ва давлатлар сиёсатларни белгилашда тасавури чекланган алоҳида шахслар ёки гуруҳларга қараганда масалага анча чуқурроқ ёндашишади. Бу ўз-ўзидан аён ҳақиқатдир. Бунинг сабаби шундаки, агар шахс кўзланган мақсад учун бирор услубни қабул қилса-ю, унинг фойдасиз эканини кўрса, ундан юз ўгириб бошқасига ўтади ва бу ўзгариш унга қимматга тушмайди. Аммо глобал партиялар ва давлатлар партия ёки давлат миқёсида бирор чора кўриб, сўнг унинг нотўғри эканини англаб етишса, уларнинг бошқа йўналишга ўтишлари анча вақт талаб этади. Бу худди очиқ денгиздаги авианосецга ўхшайди, агар у мақсадига олиб бормайдиган нотўғри йўналишни олган бўлса, унинг капитани штурвални тўғри йўналишга буришга мажбур бўлади, бироқ кеманинг улканлиги ва шиддатли инерцияси туфайли, то кема тўғри йўналишга тушиб олгунга қадар, бу ўзгариш ўнлаб денгиз милларининг йўқотилишига олиб келади.

Шу сабабли, давлат режалар ва стратегиялар ишлаб чиқади ҳамда услубларни қабул қилади. Режалар ва стратегиялар улкан мақсадга эришиш учун белгиланади. Бу эса иккиламчи мақсадлардан иборат босқичларни ва вақтни талаб қилади. Услублар эса айнан шу режа ва стратегиялар доирасида қўлланилади. Режа ва стратегияларни тузувчи киши уларни кенг кўламли умумий йўналишлар сифатида белгилайди. Сўнгра бевосита ижрога киришилганда, мавжуд шароитда мақсадга эришишга муносиб бўлган аниқ услубларни ишлаб чиқади. Америка каби давлатлар ҳақида шу нарса маълумки, улар ҳар ўн йиллик учун ўзига хос режа ва йўналишлар белгилаб олишади. Масалан, 2000 йилдан 2010 йилгача Америка Яқин Шарққа бевосита ўзи кириб келиш ҳамда у ерда ўз ҳукмронлиги ва нуфузини ёйиш билан машғул бўлди. Натижада Афғонистон ва Ироқ урушларига кирди ҳамда Фаластин масаласи папкасини очди. 2010 йил кириб келиши ва мусулмонлар юртларида кўзғолонлар бошланиши билан, ўн йил давомида уларни бостириш ва йўналишларини буриб юбориш устида ишлади. 2020 йил кириб келгач, ўз эътиборини Хитой томонга қаратди. Бас, режалар белгилангандан кейин ўзгартирилмайди, услублар эса, воқелик ва шароитга мос равишда ўзгариб туради.

Кофирлар сиёсатларни белгилашда ҳеч қандай принцип ёки ахлоқ чегарасини билишмайди, балки уларнинг сиёсий амалиётида мустамлакачилик аллақачон принципдан кўра

устун бўлиб битган. Бунинг муқобилида мусулмонларда сиёсатларни белгилаш муайян чекловлар билан чегараланган. Биринчиси: мақсад ва сиёсат шаръий аҳкомларга асосланган бўлиши лозим. Шу боис сиёсатни белгиловчи шахс ўзи ишлаб чиқадиган йўналишга оид фикрдан пухта хабардор бўлиши лозим. Иккинчиси: давлат ва унинг вужудини, Уммат ва унинг ақидасини уларга таҳдид соладиган барча хатарлардан муҳофаза қилиш. Учинчиси: мусулмонларнинг ишончи ва розилигини таъминлаш. Бунга мисол, Набий ﷺ Худайбия сулҳида Қурайш билан аҳдлашдилар ва то улар ўзлари сулҳни бузишмагунча у зот сулҳни бузмадилар. Ҳолбуки, у зот сулҳ тузаётган пайтда асосий эътиборни Хайбар урушига қаратган эдилар. Шу боис ҳам, сулҳ имзолангач, Набий ﷺ сулҳга доир шаръий аҳкомларга риоя қилиб, Абу Жандал ибн Суҳайл ибн Амрни ҳам, Абу Басирни ҳам Мадинада қабул қилмадилар. Набий ﷺ га ваҳий қилинади ҳамда у зотнинг буйруқлари, амаллари ва сўзлари Ислому Уммати учун шариат манбаидир. Иккинчи чегара ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Абу Бакр رضي الله عنه муртадлиқ ҳаракати шунчаки закот тўлашдан бош тортишгина эмас, балки давлатнинг мавжудлигига жиддий таҳдид эканини кўргач, ушбу ҳаракатни илдизи билан кўпориб ташлашга қатъий қарор қилди. Саҳобалар бу борада у киши билан баҳслашганларида, улардан ҳеч бирининг сўзини олмади, балки уларни қатъан рад этди ва пировардида давлатни сақлаб қолиш борасидаги ўз раъйини амалга оширди. Ҳақиқатда, натижа айни шундай бўлиб чиқди. Учинчи чегара: Агар ҳукмдор, одамлар рози бўлишадими-ғазабланишадими, фарқига бормай уларга ичидаги бор нарсани очиқ-ойдин айтаверса, жуда соддалик қилган бўлади. Аксинча, у одамларнинг ишончи ва розилигини сақлаб қолиш учун, жуда зарур гапларни уларга ишора ва киноя услуби билан айтиши ҳамда мусулмонлар жамоасининг ўз ҳукмдорига қарши гижгижланишларига йўл қўймайдиган сиёсат юритиши керак бўлади. Бунга Табарий Мунофиқун сураси тафсирида келтирган ривоят мисол бўлади: «Ибн Убай бундай деди: Аллоҳга қасамки, агар Мадинага қайтсак, албатта кучлилар кучсизларни ундан қувиб чиқаради. Мен сизларга айтгандим: мусулмонларга инфоқ-эхсон қилманглар, агар уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганингизда эди, ейишга нарса топа олмай, тарқалиб кетган ва қочиб қолган бўлардилар. Шунда Умар ибн Хаттоб Набий ﷺ нинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Росули, Ибн Убай нима

деётганини эшитмаяпсизми?» деди. У зот: «Нима деяпти?» деб сўрадилар. Умар унинг гапини айтиб берди ва «ё Росулulloҳ, ижозат беринг, унинг бошини олай», деди. У зот: «Йўқ, акс ҳолда Ясрибда у сабабли кўп бурунлар ғазабдан титрайди», дедилар». Яна Қатоданинг ушбу ҳодиса ҳақида айтган ривояти ҳам мисол бўлади: «Мунофиқлар каттаси бўлган Абдуллоҳ ибн Убайнинг ўғли Абдуллоҳ Росулulloҳ ﷺнинг олдиларига келиб деди: «Ё Росулulloҳ, отамнинг қилмишлари туфайли уни ўлдирмоқчи экансиз. Агар шундай қилмоқчи бўлсангиз, менга айтинг, унинг бошини ўзим олиб келай. Қабилам Хазраж уларнинг орасида отани мендек хурмат қиладиган киши йўқлигини билади. Лекин бошқасига буюрсангиз, у отамни ўлдирса, чидай олмасликдан кўрқаман. Отамнинг қотили кўз олдимда юрса, ғазаб устида уни ўлдириб қўйишим мумкин. Кейин бир кофирни деб мўминни ўлдириб, дўзахи бўлиб қолмай». Росулulloҳ ﷺ: «Йўқ, аксинча, орамизда экан, унга мулойим бўламиз ва яхши муомала қиламиз», деб жавоб бердилар. Шундан сўнг вазият ўзгарди. Агар отаси бирор ноҳўя иш қилса, ўз қавми уни қаттиқ тергаб-койийдиган ва унга таҳдид қиладиган бўлди. Бунинг хабари Росулulloҳ ﷺга етиб келганда Умарга дедилар: «Қаранг, эй Умар! Агар сиз ўлдиришни таклиф қилган кунда уни ўлдирганимда, кўпчилик унинг ёнини олиб ғазабга минган бўларди. Агар ўшаларга бугун – уни ўлдиришлар десам, иккиланмай ўлдиришади». Умар ибн Хаттоб тан олиб деди: «Аллоҳга қасам, Росулulloҳнинг ишлари менинг фикримдан кўра барокатлироқ эканини тушуниб етдим».

Шунингдек, Набий ﷺ ансорлар жамоасининг – Исломига эндигина кирганларга ўлжалар тақсимланиб, уларга ундан ҳеч нарса берилмагани сабабли – у зотдан қалбларида оғринганларини кўрганларида, уларни рози қилишга интилдилар. Бу ҳақда Абу Саид Худрий رضي الله عنه бундай ривоят қилади: «Росулulloҳ ﷺ Қурайшга ва араб қабилаларига ўша улкан ҳадяларни улашиб, ансорларга ундан ҳеч нарса тегмаганида, ансорлар жамоаси қалбларида у зотга нисбатан қаттиқ оғриндилар. Ораларида гап-сўз кўпайиб, ҳатто айримлари «Росулulloҳ ﷺ ўз қавмини топиб олдилар», дейиш даражасига етди. Шунда Саъд ибн Убода у зотнинг ҳузурларига кириб: «ё Росулulloҳ, ансорлар жамоаси қўлга киритган бу ўлжангиз тақсимотида қилган ишингиздан кўнгиллари ранжиди, чунки уни ўз қавмингизга бўлиб

бердингиз, араб қабилаларига улкан ҳадялар улашдингиз, аммо бу ансорлар жамоасига ундан ҳеч нарса тегмади», деди. Росулulloҳ ﷺ: «Бу борада сизнинг фикрингиз қандай, Саъд?» деб сўрадилар. Ё Росулulloҳ, мен ҳам ўз қавмимдан бўлган бир кишиман, холос, бир нарса дея олмайман», деди. У зот: «Ундай бўлса, қавмингизни мен учун мана бу ҳовлига тўпланг», дедилар. Ровий айтади: Муҳожирлардан бир киши келди, Саъд унинг киришига рухсат берди, аммо бошқалар келганди, уларни киритмади. Улар тўпланиб бўлишгач, Саъд у зотнинг ҳузурларига келиб, ансорлар жамоаси сиз учун жамланди, деди. Шундан сўнг Росулulloҳ ﷺ уларнинг олдига келдилар, Аллоҳга У лойиқ бўлган ҳамду-санони айтдилар. Сўнгра бундай дедилар: **«Эй ансорлар жамоаси! Сиздан менга етиб келган бу гап-сўзлар ва кўнгилларингизда (менга нисбатан) пайдо бўлган бу ранжиш нимаси?! Ахир, сиз адашган эмасмидингиз, Аллоҳ мен сабабли сизни ҳидоят қилди, камбағал-муҳтож эмасмидингиз, Аллоҳ сизни бой қилди, бир-бирингизга душман эмасмидингиз, Аллоҳ қалбларингизни ошно қилди?!»**. Улар: «Аллоҳ ва Унинг Росули бизга марҳаматлироқ ва афзалроқдир», дедилар. У зот: «Менга жавоб қайтармайсизми, эй ансорлар жамоаси?» дедилар. Ансорлар: Сизга нима деб жавоб қайтарамиз, ё Росулulloҳ, илтифот ва фазилат Аллоҳ ва Росулига хосдир», дедилар. У зот дедилар: **«Аммо, Аллоҳга қасамки, агар истасангиз: ё Росулulloҳ, сиз бизга ёлғончига чиқарилган ҳолда келдингиз, биз сизни тасдиқладик, хорланган ҳолда келдингиз, биз ёрдам бердик, қувилган ҳолда келдингиз, биз бағримизга олдик, йўқсил ҳолда келдингиз, биз боримизни бўлишдик, дейишингиз мумкин эди ва бунда айни ҳақиқатни айтган ва тўла тасдиқланган бўлардингиз. Эй ансорлар жамоаси, дунёнинг арзимас, бир сиқим матоси деб кўнглингиз оғридими?! Мен ҳали иймони заиф одамларни Ислолда собит бўлсин деб кўнгиллари ошлаб, сизни эса Исломингизга топшириб (ишонч билдириб) кўйганим учун ранжидингизми?! Эй ансорлар! Айтингчи, одамлар уйларига кўй ва туяларни ҳайдаб кетсалар-у, сиз ўз уйларингизга Росулulloҳни олиб қайтсангиз, наҳот шунга рози эмассиз?! Муҳаммаднинг жони кўлида бўлган Зотга қасамки, агар ҳижрат бўлмаганда, албатта ансорлардан бири бўлардим! Агар одамлар бир дарадан, ансорлар эса бошқа дарадан юрсалар, мен албатта ансорлар**

юрган дарадан юрардим! Аллоҳим, ансорларга раҳм қил! Ансорларнинг фарзандларига раҳм қил! Ансорларнинг фарзандларининг фарзандларига раҳм қил!». Қавм йиғлади, ҳатто соқоллари ҳўл бўлиб кетди ва бундай дедилар: «Биз Росулulloҳ ﷺнинг бизга қисмат ва насиба бўлишларига розимиз». Сўнг Росулulloҳ ﷺ қайтиб кетдилар, улар ҳам тарқалдилар. [Мажмауз-завоид, Ҳайсамий].

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, вазиятлар, ижрочилар ва шароитларнинг ўзгариб туриши билан сиёсий ҳолатлар ҳам ўзгаради. Шу боис, битта мақсадни рўёбга чиқариш йўлида доимо битта сиёсатни қўллавериш ярамайди. Зеро, услубдан у услуб бўлгани учун эмас, балки у орқали мақсадга етиш учун фойдаланилади.

Агар мусулмон юртларидан бирида Ислom давлати барпо бўлса ва ўзига қўшни юртга кенгайишни мақсад қилса, аввало вазиятни ўрганади. Агар қўшни юртда Ислomга мойил раъйи оми шакллантириш қийин бўлса ҳамда Ғарб назорати остида тузилган гуруҳларнинг кўплиги сабабли, қўшиб олинган тақдирда давлат биқинидаги ханжарга айланиши эҳтимоли юкори бўлса, у ҳолда давлат унга нисбатан «узун нафас» (стратегик сабр) сиёсатини қўллайди. Яъни, у ердаги мусулмонларни қўллаб-қувватлайди, вазиятни фосик ҳукмдорларга қарши беқарорлаштиради ва Ислom давлати бошқарувини қабул қилиш учун раъйи оми ҳозирлайди. Сўнгра Ислom давлати ўша томонга кенгайди. Аммо, агар кенгайиш мақсад қилинган юрт аҳолиси Ислomни ва Ислom давлатини севадиган бўлса, у ҳолда бундай йўл тутишга ҳожат қолмайди, балки тўғридан-тўғри кенгайиш амалга оширилиши мумкин.

Сиёсатни белгиловчи ва уни ижро этувчи шахс иродага, чидамлилик ва «узун нафас»га эга бўлиши, ҳиссиётларни жиловлай олиши, балки ҳаракат пайтида уларни улоқтириб ташлаши лозим. Шунингдек, иймоний муҳитни ҳис қилиши, тўғри йўлда собитқадам бўлиши, Аллоҳга таваккул қилиши ва сабрли бўлиши лозим. Зеро, Аллоҳ сабрлилар билан бирга. Аллоҳ тақво қилганлар ва эҳсон қилувчилар билан биргадир. Аллоҳ мўминларнинг валийсидир. У нақадар яхши Хожа ва нақадар яхши ёрдамчидир.

Валҳамду лиллаҳи Роббил аламин. □

УЛУҒ САҲОБИЙ УТБА ИБН ҒАЗВОН ﷺ

Устоз Муҳаммад Машхур

Утба ибн Ғазвон ﷺнинг номи Исломга биринчилардан бўлиб кирган пешқадамлар карвонида ёрқин порлаб туради. У даъватнинг илк кунлариданоқ иймон машъалини баланд кўтарди, Росулуллоҳ ﷺ билан бирга Абу Толиб дарасидаги камалнинг аччиқ азобини тотди. Саҳобалар Макка кўчаларида кувғинга учраб, динларидан қайтариш учун қийноққа солинган оғир дамларда, у киши ҳам бу машаққатларга шерик бўлди. Аммо ҳеч қачон чекинмади ва зинҳор иккиланмади, аксинча, баланд қоя каби собит турди.

Утба ﷺ мусулмонларнинг заифлик даврини, унинг барча азоблари: очлик, кўрқув ва инкор этилиш билан бирга бошдан кечирди. Бир куни басраликларга хутба қилар экан, мен Росулуллоҳ ﷺ билан бирга иймон келтирган етти кишининг бири эдим, дарахт баргидан ўзга ейдиган нарсамиз йўқ эди, дея уларга ўша оғир йилларни эслатди. Сиртдан қараганда улар зулматли кунлар эди, лекин айнан ўша кунлар ер юзидаги барча олтинлар билан қадрини ўлчаб бўлмайдиган буюк инсонларни етиштириб чиқарди.

Орадан йиллар ўтиб, Утба Мадинага ҳижрат қилди ва ўз биродарлари билан бирга эзилган, заиф ҳолатдан чиқиб, куч-қудратга эришди. Макка кўчаларидаги тинимсиз таъқиблар ортда қолиб, Мадинада ўз давлатларини қуриш босқичига ўтдилар. Сўнгра у Бадр, Ухуд, Хандақ ва бошқа жанг майдонларида жавлон уриб, нусрат ҳеч қандай тўловсиз бериладиган шунчаки тухфа эмас, билъакс, нусрат сабр, букилмас сабот ва муқаддас жиходнинг ширин мевасидир, деган буюк ҳақиқатга гувоҳ бўлди.

Фатҳлар кенг қулоч ёйғач, Маккада қийноққа солинган бу йигит энди қочоқ эмас, балки Ислом қўшинининг

аскарига ва қўмондонига айланди, ҳатто халифа Умар уни Басрага ҳоким қилди. Утба унинг амри билан Басрани ушбу ёш давлат учун ҳарбий ва сиёсий марказга айлантирди. У ерда пул топиладиган бозор эмас, балки аскарлар саф тортадиган ва дин ишлари юритиладиган ҳарбий шаҳарча қурди. Унинг тушунчаси бўйича, шаҳар қуриш – шунчаки чиройли бинолар тиклаш эмас, балки Ислом даъватини дунёга ёйиш учун бир қурол эди.

Шуларнинг барчасига қарамай, унинг қалби дунё фитнасидан қўрққан зоҳидлигича қолди. У одамларга хутба қилиб, каттиқ огоҳлантирди: «Аммо баъд... Дунё тугаб, биздан юз ўгириб кетгувчидир. Идишдан сув тўкилганда тубида қанча намлик қолса, дунёдан ҳам шунча қолди. Сизлар бу ўтқинчи дунёдан мангу қоладиган диёрга кўчиб кетяпсиз. Шундай экан, қўлингиздаги энг яхши амаллар билан кўчинг. Менга етиб келган хабарга кўра, жаҳаннамнинг четидан ташланган тош етмиш йилда ҳам унинг тубига етиб бормас экан. Аллоҳга қасамки, ўша чуқурлик албатта тўлдирилади! Бундан ажабланияпсизми?! Яна эшитишимча, жаннат дарвозаларининг кенглиги 40 йиллик йўлга тенг экан, лекин шундай кун келадики, у ҳам одамлар тиқилинчидан тўлиб тошади. Эслайман, мен Росулulloҳ ﷺ билан бирга иймон келтирган бор-йўғи етти кишининг бири эдим. Ёйишга дарахт баргидан бошқа нарса йўқлигидан, оғизларимизнинг четлари яра бўлиб кетганди. Бир куни ердан бир бўлак мато топиб олдим ва уни Саъд ибн Абу Вакқос билан иккига бўлдик. Ярмини мен, ярмини у белига боғлаб, авратини ёпди. Бугун эса... ўша етти кишидан ким тирик қолган бўлса, ҳаммаси бир шаҳарга ҳоким бўлди. Мен одамлар кўзида улуғ, лекин Аллоҳнинг олдида кичик ва ҳақир бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман! Ҳар қандай Пайғамбарлик даври узоққа чўзилмайди, у охир-оқибат подшоҳликка айланади. Биздан кейин сизлар турли амирлар билан имтиҳон қилинасизлар». Утба رضي الله عنه бу сўзлари билан яшашдан мақсад мато йиғиш эмас, балки динни ғолиб қилиш эканини эслатди.

Шу тарика, Утбанинг ҳаёти бутунлай ўзгарди: Маккада кочиб юрган мазлум Басрада амирга айланди, очликдан силласи қуриган фақир давлат хазинасининг эгаси бўлди, заифлик ўрнини буюк кудрат эгаллади. Ушбу ҳаёт йўли даъватдаги Аллоҳнинг ўзгармас қонунини, яъни бу йўлда сабр қилиб, мустаҳкам турган кишилар охир-оқибат албатта нусрат ва ҳокимиятга эришажаklarини исботлади.

Хўш, бизчи, бундан ибрат оламизми?! Бугунги кунда ғолиблик йўли Утба ва унинг биродарлари босиб ўтган йўлдан қисқа эмас. То Аллоҳ Уммати Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик билан ер юзига ворис қилгунга қадар, бу амал, сабр ва мабдаий сиёсий жиҳод йўлидир.

Шундай экан, сиз бугунги куннинг Утбаси бўлинг...

Қувғинларга тик қарайдиган, босимларга чидайдиган ва Ислому давлатини тиклаш йўлида хизмат қиладиган инсон бўлинг. Бу ишингиз то Аллоҳ сизга ва Уматга нажот йўлини очмагунча давом этсин. Ана шунда Утба ва унинг сафдошлари дунёни қандай бошқарган бўлса, исломий етакчилик қайтиб, инсониятни яна шундай бошқаради. □

АНЪОМ СУРАСИДАГИ МАҚСАДЛАР

Устоза Умму Одам

Анъом сураси Набий ﷺ га Маккада бирданига тўлиқ нозил бўлган. Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنه бу ҳақда шундай дейди: «Анъом сураси Маккада тунда, яхлит ҳолда нозил бўлди. Уни нозил бўлишида етмиш минг фаришта ҳамроҳлик қилиб, баланд овозда тасбиҳ айтиб турдилар». (Табароний ривояти). Сураинг бирданига тўлиқ нозил бўлишининг сабаби шундай изоҳланади: Унда асосан усул ва ақида масалалари баён қилинган, бу масалалар эса шаръий аҳкомлар каби эмас. Чунки шаръий аҳкомлар вазият ва ҳодисаларга қараб бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлади. (яъни, иймон асослари бўлинмайди, у бирваракай қабул қилинади).

Демак сураинг асосий диққат марказида ақида ва унинг тўғрилигига қарши чиқиб бўлмас ҳужжат ва қатъий далилларни келтириш, мушрикларнинг уйдирмаларини рад этиш ва даъволарининг ёлғонлигини фош қилиш туради!

Шу сабабли, сурада кўз, қулоқ ва қалб каби ақл юритиш ва фикрлаш воситаларига кўп мурожаат қилинганини кўрамиз. Шунингдек, сурада қалби, кўзи ва қулоғи соғлом бўлгани учун ҳақни қабул қиладиган мўмин билан қалби, қулоғи ва кўзи мухрланиб қўйилгани учун ҳақни қабул қилмайдиган кофир ўртаси ғоят нозик ва чиройли киёсланган. Бу ерда қулоқ, қалб ва кўздаги нуқсон уларнинг ўз вазифасини бажара олмаслигида эмас. Чунки улар соғлом – кўради ва эшитади, лекин нуқсон ҳақ ёки ботилни ирода қилишдадир. Улар ҳақни рад этишади ва унга қарши курашади, ботилни эса хоҳлашади ва ҳимоя қилишади, гарчи ҳақ равшан бўлиб, унинг далиллари аниқ баён қилинган бўлса-да. Шу сабабли Аллоҳ уларнинг қалбларига пардалар солиб, уларни мухрлади, қулоқларини эса оғир қилди, улар эшитишмайди ва англашмайди. Натижада, ўзларига йўл қилиб танлаб олган куфр ва ширк зулматларида янада адашиб кетишди. Сўнг Аллоҳ уларни шу йўлда янада залолатга ботирди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا صُمٌّ وَبُكْمٌ فِي الظُّلُمَاتِ مَن يَشَاءِ اللَّهُ يُضْلِلْهُ وَمَن يَشَاءِ يُجْعَلْهُ عَلَىٰ

صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿﴾

«Оятларимизни ёлгон деган кимсалар зулматларда қолган кар ва соқовлардир. Аллоҳ хоҳлаган кишисини адаштирур, хоҳлаган кишисини тўғри йўлда (барқарор) қилур» [Анъом 39]

Бу маъно ушбу суранинг 36-оятда ҳам такрорланган:

﴿إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمَوْتَى يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ﴾

«Албатта, эшита оладиган зотларгина қабул қилурлар. Ўликларни (кофирларни) эса Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар» [Анъом 36]

Қуртубийнинг тафсирида шундай дейилган: «Эшита оладиган зотларгина қабул қилурлар», яъни диққат билан, тушуниб, ҳақни ирода қиладиган эшитишдир. Улар мўминлар бўлиб, эшитган нарсаларини қабул қиладилар, ундан манфаатланадилар ва унга амал қиладилар.

﴿وَالْمَوْتَى يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ﴾

«Ўликларни (кофирларни) эса Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Ўзига қайтарилурлар». Яъни улар ҳақни қабул қилишмаслиги ва ҳужжатга қулоқ тутишмаслиги жиҳатидан худди ўлик кабидир.

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

﴿وَمِنْهُمْ مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ وَجَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَنْ يَفْقَهُوهُ وَفِي آذَانِهِمْ وَقْرًا وَإِنْ يَرَوْا كَلَّ آيَةٍ لَا يُؤْمِنُوا بِهَا حَتَّى إِذَا جَاءُوكَ يُجَادِلُونَكَ يَقُولُ الَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ هَذَا إِلَّا أَسْطِيرُ الْأَوَّلِينَ﴾

«Улардан сизга қулоқ тутадиганлари ҳам бор. (Лекин) Биз уни (ҳақни) англамаслиги учун қалбларини пардалаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Улар бор оят-мўъжизаларни кўришса ҳам, уларга иймон келтиришмайди. Хаттоки сиз билан жанжаллашгани олдингизга келишган пайтда ҳам, кофир бўлган кимсалар: «бу фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос», дейишади» [Анъом 25]

«Тафсири Қуртубий»да бундай келган:

﴿وَمِنْهُمْ مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ﴾

(Улардан сизга қулоқ тутадиганлари ҳам бор), яъни Макка кофирлари бўлмиш мушриклар.

﴿وَجَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً﴾

(Биз уни (ҳақни) англамаслиги учун қалбларини пардалаб қўйдик), яъни Биз уларга кофирликларининг жазоси ўлароқ шундай қилдик. Бу ердаги маъно улар мутлақо эшитишмайди ва англашмайди дегани эмас. Йўқ, балки улар эшитган нарсаларидан фойдаланишмагани ва ҳаққа бўйсунмагани

сабабли, худди эшитмайдиган ва тушунмайдиган кимсанинг аҳволига тушиб қолишди. **أَكْتَتَهُ** пардалар дегани. **أَنْ يَفْقَهُوهُ** уни англашмаслиги. Бундан мурод уни тушунишни ёқтиришмаслиги ёки уни тушунишмаслиги учун (тўсиб қўйиш)дир.

﴿وَفِي آذَانِهِمْ وَقْرًا﴾

яъни кулоқларида эшитишга монелик қилувчи оғирлик қилиб қўйдик.

Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَخَذَ اللَّهُ سَمْعَكُمْ وَأَبْصَارَكُمْ وَخَتَمَ عَلَى قُلُوبِكُمْ مِّنْ إِلَهِ غَيْرِ اللَّهِ يَأْتِيَكُمْ بِهِ أَنْظَرَ كَيْفَ نُصَرِّفُ الْآيَاتِ ثُمَّ هُمْ يَصْدِفُونَ﴾

«*Айтинг (эй Муҳаммад), «Хабар берингиз-чи, агар Аллоҳ кулоқ ва кўзларингизни тортиб олса ва дилларингизни муҳрлаб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ у аъзоларни сизларга келтириб берур?» Қаранг, Биз оятларни қандай баён қилмоқдамиз, сўнгра улар юз ўгирмоқдалар»* [Анъом 46] «Тафсири Қуртубий»да бундай келган: «Аллоҳ Таолонинг

﴿قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ أَخَذَ اللَّهُ سَمْعَكُمْ وَأَبْصَارَكُمْ وَخَتَمَ عَلَى قُلُوبِكُمْ﴾

(*Айтинг (эй Муҳаммад), «Хабар берингиз-чи, агар Аллоҳ кулоқ ва кўзларингизни тортиб олса ва дилларингизни муҳрлаб қўйса»* деган каломидаги

﴿إِنْ أَخَذَ اللَّهُ﴾

кетказса ва тортиб олса, **وَخَتَمَ** муҳрлаб қўйса, демакдир. Айрим муфассирларнинг айтишича, бундан мурод ушбу аъзоларнинг айнан ўзидир. Чунки Аллоҳ баъзида аъзоларни уларнинг хусусиятлари билан бирга қўшиб йўқ қилиб юбориши мумкин. Бу оят кофирларга қарши ҳужжатдир. **أَرَأَيْتُمْ**нинг маъноси билдингизми, деганидир».

Ушбу сураи каримада баён қилинган фикрлаш воситаларидан яна бири, муайян воқеа ва ҳодисаларни улар ҳақида тафаккур қилиш ҳамда улардан ибрат ва дарс олиш учун келтиришдир. Сура бундай воқеаларга бир қанча мисоллар келтирган, жумладан:

- Росулulloҳ ﷺнинг замонларида Қурайш мушриклари билан юз берган ҳодисалар. Мушриклар Исломига ҳужум қилиб, унинг ақидасига қарши баҳс, жанжал, турли саволлар, масхара

ва истехзолар билан қарши курашишган. Бу сураи кариманинг кўп оятлари ўзига хос нозил бўлиш сабабига эга бўлган. Росулимиз ﷺ билан юз берган ушбу вазиятлар мўминлар учун эргашиш ва ўрناق олиш ўрнидир. Шундай экан, уларга тўхталиш, ҳикматини тафаккур қилиш, улардан ибрат олиб, Пайғамбаримиз ﷺ нинг кофирлар ва мушрикларга раддия беришда тутган манҳажларидан ибрат олиш вожиб.

• Сурада айрим пайғамбарлар ва ўтган умматлар хабарларининг зикр қилиниши. Унда саййидимиз Муҳаммад ﷺ ва мўминлар учун тасалли бор. Зеро, ҳақни рад этган ҳамда даъватни, Пайғамбар ва саҳобаларини масхара қилган Қурайш кофирларининг қилмиши, худди ўз пайғамбарларини куфр келтирган, ёлғонга чиқарган ва масхара қилган аввалги қавмларнинг қилмиши билан бир хил бўлган. Шу боис ушбу сурада анбиёларни ёлғончига чиқарган ва масхара қилган кофирларнинг оқибати ҳар қандай замонда бир хил – ҳалокат бўлиши, анбиёларни тасдиқлаган мўминларнинг оқибати эса Аллоҳнинг нусрати бўлиши, чунки Аллоҳ Субҳанаҳу уларнинг Вакили (таянчи) ва Валийси (дўсти) эканлиги айтилиб, Росулulloҳ ﷺ га тасалли ва эслатма берилмоқда. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломи шу маънода келган:

﴿وَمَا نُرْسِلُ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ ۖ فَمَنْ ءَامَنَ وَأَصْلَحَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٤٨﴾ وَالَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا يَمَسُّهُمُ الْعَذَابُ بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿٤٩﴾﴾

«Биз пайғамбарларни фақат (жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳоллардагина юборамиз. Бас, кимлар иймон келтириб, (ўзларини) ислоҳ қилсалар, уларга хавфу хатар йўқдир ва улар гамгин бўлмастар. Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса фосиқлар бўлишгани сабабли азобга гирифторм бўлурлар» [Анъом 48-49]

Ушбу оят ҳам шу маънода:

﴿وَلَقَدْ كَذَّبْتَ رَسُولٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبْرُوا عَلٰى مَا كُذِّبُوا وَأَوَدُّوا حَتَّىٰ آتٰهُم نَصْرُنَا وَلَا مُبَدِّل لِكَلِمٰتِ اللَّهِ ۗ وَلَقَدْ جَاءَكَ مِن نَّبِإِى الْمُرْسَلِينَ ﴿٥٠﴾﴾

«Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Бас, то уларга Бизнинг нусратимиз келгунича ёлғончи қилинганлари ва озорланганларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг («Пайғамбарларимни Ўзим қўллагайман») деган сўзларини ўзгартира олгувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга

(эй Муҳаммад), ўтган пайгамбарларнинг айрим хабарлари келган-ку!» [Анъом 34]

• Сурада келган воқеаларга мисоллар сифатида инсоннинг яратилиши ва ўлими, кеча ва кундуз, юлдузлар каби коинот ҳақидаги оятлар ҳам киради. Сура коинотнинг қатор оят-мўъжизаларидаги Холикнинг буюклиги далиллари ҳақида муфассал сўз юритган ҳамда Аллоҳ Азза ва Жалланинг қудратига ишора қилган.

Бас, ушбу коинотдаги буюк оят-мўъжизаларга назар солиб, улар ҳақида тафаккур қилган киши қандай қилиб уларнинг Яратувчисига иймон келтирмаслиги мумкин! Бунда яна шундай ибрат бор: яратиш ва йўқдан бор қилишга, коинотни буюк ва нозик низом билан бошқаришга қодир Аллоҳ – Яратувчисига иймон келтиришдан юз ўгирган, Унга ибодат қилиш ва таслим бўлишдан кўз юмган (кўр бўлиб олган) – кофирларни ҳалок қилишга, албатта, қодирдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا ظَبِيرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّا أُمَمٌ أَمْثَالُكُمْ مَا فَرَّطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يُحْشَرُونَ﴾

«Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқайтган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг қўл остимиздаги) жамоалардир. Китобда бирон нарсани қўймай (ёзганмиз). Кейин ҳаммалари Роббилари даргоҳига тўпланурлар» [Анъом 38]

Яна айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ فَالِقُ الْحَبِّ وَالنَّوَىٰ ۗ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ ۗ ذَٰلِكُمْ اللَّهُ ۗ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ۗ ﴿۱﴾ فَالِقُ الْأَصْبَاحِ ۗ وَجَعَلَ اللَّيْلَ سَكَنًا ۗ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ حُسْبَانًا ۗ ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ ۗ ﴿۲﴾ وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ النُّجُومَ لِتَهْتَدُوا بِهَا فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ ۗ وَالْبَحْرَ ۗ قَدْ فَضَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ۗ ﴿۳﴾ وَهُوَ الَّذِي أَنشَأَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ وَمُسْتَوْدَعٌ ۗ قَدْ فَضَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ﴾

«Албатта, Аллоҳ дон ва уругларни ёриб-ундиргувчидир. У ўликдан тирикни чиқарур, ўликни тирикдан чиқаргувчидир. Ана ўша зот Аллоҳдир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?! (Аллоҳ зулматни ёриб) тонгни чиқаргувчидир. У кечани сукунат ором қилди, қуёш ва ойни ҳисоб ўлчови қилди, бу Азиз (қудратли) ва Алим (билгувчи

зот)нинг ўлчовидир. У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизга юлдузларни яратиб қўйган зотдир. (Дарҳақиқат Биз) биладиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. У сизларни бир жондан пайдо қилган зотдир. Бас, (сизлар учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонат турадиган жойдир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик» [Анъом 96-98]

Ушбу сурада айни оят-мўъжизалар ва воқеалар ваъз-насихат, хужжат ва қатъий далил бўлиши учун келтирилди. Бироқ бу фақат англайдиган ва биладиган мўминлар учундир.

Бу сура бизга мушриклар ва кофирлар билан баҳс қилиш тарикатини ўргатади: ақлга суяниш, фикрий нутқ ва ҳақиқатни ёлғонга қарши қўйиш орқали. Бунга мисол қилиб Иброҳим عليه السلامнинг отаси Озар билан бўлган баҳси келтирилган.

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ لِأَيِّهِ أَزْرَأْتَتَّخِذُ أَصْنَامًا ءَالِهَةً إِنِّي أَرَأَيْتَكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ﴾

«Эсланг (эй Мухаммад), Иброҳим отаси Озарга – бутларни илоҳ қилиб олясанми? Мен сени ва қавмингни очиқ залолатда деб биламан, деган эди» [Анъом 74]

Шунингдек, Иброҳим عليه السلامнинг ўз қавми билан бўлган баҳси ҳам мисол қилиб келтирилган. У киши қавмининг Аллоҳни қўйиб осмон жисмлари ва юлдузларга сиғиниши очиқ залолат эканини, ибодатга лойиқ ягона Зот ҳар бир нарсанинг яратувчиси эканини исботладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَحَاجَّهُ قَوْمُهُ قَالَ أَتُحَاجُّونِي فِي اللَّهِ وَقَدْ هَدَانِ وَلَا أَخَافُ مَا تُشْرِكُونَ بِهِ إِلَّا أَن يَشَاءَ رَبِّي شَيْئًا وَسِعَ رَبِّي كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ﴾

«Қавми у билан тортишди, (шунда Иброҳим уларга) деди: Мен билан Аллоҳ хусусида тортишасизми?! Ахир (Унинг Ўзи) мени ҳидоят қилди-ку?! Мен сизлар Аллоҳга шерик қилган бутларингиздан кўрқмайман. (Чунки у бутлар ҳеч қандай зиён етказа олмас), магар Роббим хоҳлаган нарсагина (бўлур). Роббим барча нарсани Ўз илми билан қамраб олган, эслатма-ибрат олмайсизми?!» деди». [Анъом 80]

Анъом сураси Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланиб, ушбу ҳамдни Аллоҳнинг коинотни яратиши ва бошқаришига далолат қилувчи оятлар билан боғлади. Бундан мақсад, ёлғиз Аллоҳ мақтов ва ибодатга лойиқ эканини исботлаш, кофирлар эса бу ҳақиқатни кўра-била туриб ҳам, бошқа «илоҳлар»ни Аллоҳга тенг билишаётганини, уларга оят-мўъжизалар кўрсатилганда

Унга тоат-ибодат қилиш ва ҳамд айтиш ўрнига, юз ўгиришаётганини кўрсатиб беришдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَجَعَلَ الظُّلُمَاتِ وَالنُّورَ ۗ ثُمَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴿١﴾ هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ طِينٍ ثُمَّ قَضَىٰ أَجَلًا ۗ وَأَجَلٌ مُّسَمًّىٰ عِنْدَهُ ۗ ثُمَّ أَنْتُمْ تَمْتَرُونَ ﴿٢﴾﴾

«Ҳамду сано осмонлар ва ерни яратган, зулматлар ва нурни таратган Аллоҳ учундир, кейин кофир бўлган кимсалар (эса) Роббиларига (ўзгаларни) тенглаштиришади. У сизларни (Отангиз Одам Атони) лойдан яратиб, сўнгра ажални (яъни тириклик муддатини) белгилаб қўйган зотдир. Унинг ҳузурида яна бир белгиланган ажал бордир. Шундан кейин ҳам сизлар (эй кофирлар) шак-шубҳа қилмоқдасиз» [Анъом 1-2]

Сура Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг рубубиятини зикр қилиш билан якунланди. Унга қадар Аллоҳнинг қудрати, азамати, раҳмати ва олам ишларини бошқариши ҳамда мўминларнинг оқибати ва ҳақни ёлғонга чиқарувчи кофирларнинг оқибати ҳақида сўз юритди. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг Парвардигори ва ҳар бир нарсанинг Холиқидир! У инсонни дунё ҳаётида имтиҳон қилиш учун, унинг ҳаёти, намози, ибодатлари ёлғиз Аллоҳ учун бўлишини ирода этиб яратди. Инсон дунёдан Аллоҳнинг ҳузурига қайтади ва У инсонга қилган амаллари ва оқибатининг хабарини беради. У инсонни ер юзида халифа қилди ва унинг халифалиги тўғри бўлиши учун муайян ишларни ҳозирлади. Унга ақлни ва тафаккур қувватини берди, иймонга чорловчи ва тўғри йўлга бошловчи ҳужжатни тақдим этадиган росулларни юборди! Буларнинг барчаси – инсоннинг ердаги халифалиги камол топиши ва барқарор бўлиши учун ҳамда ҳаётдаги муқаддас вазифасини адо этиб, ёлғиз Парвардигориига ибодат қилиши ва Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмаслиги учундир!

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ إِنِّي هَدَيْتَنِي رَبِّيَ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ۖ دِينًا قَبِيْمًا مِّلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا ۚ وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١﴾ قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ لَا شَرِيكَ لَهُ ۗ وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ ﴿٣﴾ قُلْ أَغْيَرَ اللَّهُ وَجْهِي وَرَبِّيَ ۗ وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ ۗ وَلَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ إِلَّا عَلَيْهَا ۗ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ مَرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا

كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٦٥﴾ وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٦﴾

«Айтинг: мени Роббим тўғри йўлга, рост динга – ҳақ йўлга мойил бўлган Иброҳимнинг миллатига ҳидоят қилди. У (Иброҳим) мушриклардан бўлмаган эди. **Айтинг:** «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ учундир. Унинг биронта шериги йўқдир, мен мана шунга буюрилганман. Ва мен мусулмонларнинг аввали-пешқадамиман». **Айтинг:** «Аллоҳдан ўзгани Робб қилиб олайми?! Ахир У барча нарсанинг Робби-ку?! Ҳар бир жоннинг қилган гуноҳи фақат ўз зиёнига бўлур. Ҳеч бир кўтаргувчи (яъни гуноҳкор жон) ўзганинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармайди. Кейин Роббингизга қайтажаксиз. Бас, У сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизнинг хабарини берур». У сизларни ерда халифалар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган Зотдир. Албатта, Роббингиз тезда жазолагувчи ва албатта У мағфиратли, меҳрибондир» [Анъом 61-65]

Буюк Аллоҳ ҳақ-рост сўзлади. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Шом диёри Америка малайи бўлган Баас режими ишғолидан чиқиб, Жўлоний ва унинг гумашталари билан келишилган ҳолда, тўғридан-тўғри Америка ишғолига ўтмоқда		
<p>Дамашқ яқинидаги Думайр районига вертолётда келиб қўнган Америка махсус кучлари Сурия ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширган операция натижасида Аҳмад Абдуллоҳ Масъуд Бадрий ҳибсга олинди.</p> <p>Ал-Ваъй: Ислом Уммати бир ишғолдан иккинчисига ўтмоқда! Айтинг-чи, куч-қувват эгалари мустамлакачи кучларни ва уларга малай бўлган ҳукмдорларни улоктириб ташлайдиган ҳолис ва жиддий амални қачон бажараркин?!</p>		
Ливан давлати томонидан яҳудий вужуди билан «бевосита» ва «билвосита» музокара олиб борилишига ҳамда муносабатлар нормаллаштирилишига қарши чиққан Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари Байрутда ўғирлаб кетилди		
<p>2025 йил 17 октябр куни жума намозидан сўнг пойтахт Байрутнинг Ториқул Жадида минтақасида Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилоятининг икки аъзоси ҳибсга олинди. Улар яҳудийларнинг Ливанга қарши зарбалари давом этаётганини танқид қилган ва ҳокимиятни душман билан муносабатларни нормаллаштириш йўлидан боришда айблаган баёнотни тарқатаётганларида қўлга олинган.</p> <p>Ҳизб матбуот бўлими чиқарган баёнотга кўра, расмий хавфсизлик хизматига мансуб экани айтилган мотоциклдаги шахслар Ҳасан Абдулҳодий билан Салоҳ Довудни Имом Али масжиди олдида тўхтатишган ва ҳеч қандай ҳибсга олиш ордери ёки қонуний ҳужжат кўрсатмасдан, уларни олиб кетишган.</p> <p>Ҳизб бу ҳодисани – «ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш сиёсатига қайтиш» ҳамда «ҳокимият курсисидаги айрим шахслар алмашганига қарамай, хавфсизлик органларининг ўша эски, золимона табиати давом этаётганига яққол далил», деб баҳолади! Шунингдек, улар Ливандаги бу «янги давр» ваъда қилинган «қонун устувор бўлган давлат»ни қуришармикин ёки халқни алдаб, ўша машъум «эски услублар»ни давом эттиришармикин?! – деб кескин савол қўйди.</p> <p>Ҳизб ут-Таҳрир ўз баёнотида «бундай чоралар унинг ҳақ овозини ҳам, сиёсий фаолиятини ҳам зинҳор ўчира</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>олмаслигини» қатъий таъкидлади! «Исроил тажовузига қарши туришда ҳамда Ливан ва минтақадаги Америка лойиҳаларига таслим бўлиб, муносабатларни нормаллаштиришига қарши курашда давом этишини»ни алоҳида урғулади.</p>		
<p>Ҳизб ўз баёнотининг охирида Ливан ҳукуматидан ҳибсдаги икки мазлумни зудлик билан озод этишни талаб қилди. Шунингдек: «Бу ҳибс ҳеч қандай қонуний асосга эга эмас, аксинча, ўз фикрини фақат сўз ва ҳужжат асосида ифодалаётганларга нисбатан золимона хавфсизлик сиёсати ҳамон давом этаётганининг яққол кўринишидир!» деди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Тўғри, бу йигитлар кейинчалик қўйиб юборилди. Бироқ Ливан ҳукумати ҳамон «уруш ва тинчлик қарори фақат давлатнинг қўлида бўлиши керак» деган даъвои қилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад Исроилни душман деб билган ва бу позицияда қаттиқ турган ҳақиқат овозларини ўчиришдир. Лекин оғриқли ҳақиқат шуки, аслида уруш ва тинчлик масаласи ҳамон Американинг қўлида. Исломиё юртлар раҳбарлари эса шунчаки юғурдаклар, холос.</p>		
<p>«Миллий Жоҳилият Лигаси»га кўра, Жўлоний ҳукумати Шом заминидаги хорижий жангариларга қарши босимни кучайтирмоқда</p> <p>Бундан кўзланган ягона мақсад, Ғарб давлатлари, жумладан, Америка ва Франциянинг ифлос буйруқларини ижро этиб, кейинчалик уларни бадарға қилиш!</p>		
<p>Идлиб атрофида французларнинг «Ғурабо» жамоати билан Сурия ҳукумат аскарлари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди. Бу тўқнашувлар янги Суриядаги энг чигал ва кўп тортишувларга сабаб бўлаётган муаммони яна кун тартибига олиб чиқди.</p>		
<p>Идлиб шимолининг Ҳорим районида юз берган бу қонли тўқнашувлар умумий сиёсий саҳнадан узилган оддийгина «хавфсизлик ҳодисаси» эмас! Балки Дамашқ режими бир неча йиллик урушлардан кейин Сурия заминида қолиб кетган минглаб «хорижий жангарилар» тақдирини синаб кўрмоқчи шекилли!</p>		
<p>Энг ойдин манзара шуни кўрсатадики, сўнги воқеалар «хорижий жангарилар» масаласи билан жиддий шуғулланишнинг бошланиши бўлиб, бу мавзу яна кун тартибига қайтди. Бу воқеа янги шаклланаётган Сурия давлати янги Сурия армиясида хорижликларни раҳбарлик</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>лавозимларига тайинланишини тақиқлаш масаласида халқаро ҳамжамиятнинг ишончини қозониш йўлида маълум бир босқични босиб ўтганидан кейин содир бўлди.</p>		
<p>Воқеа 22 октябрда бошланди. Шу куни ички ишлар ходимлари Идлибнинг Ҳорим шаҳарчасидаги лагерга бостириб киришди. Бу ерда Умар Омсен лақабли Умар Диябий бошчилигидаги француз жангчилари яшар эди. Расмий хабарга кўра, операцияга жиддий қонунбузарликлар сабаб бўлган. Хусусан, Омсен гуруҳи бир қизни ўғирлаб кетгани ва ўзи таслим бўлишдан бош тортгани ҳақида шикоятлар тушган. Мақсад, лагерда қонунни татбиқ қилиш ва давлат назоратини ўрнатиш бўлган.</p>		
<p>Лекин «Ғурабо» жамоатининг асли африкалик француз қўмондони Умар Диябий ўзига қўйилган айбловларни кескин рад этди. Ўзи «сиёсий нишонга олиш» деб атаган бу фитнани уюштиришда Франция разведкасини айблади. Зеро, Париж Диябийга «француззабон мужоҳидларни» сафарбар қилувчи энг хавфли шахс сифатида қараса, Вашингтон уни 2016 йилдаёқ «глобал террорчи» сифатида қора рўйхатга киргизган.</p>		
<p>Оқибатда, ушбу жанг Ҳорим лагерида ўзбек, тожик ва туркистонлик жамоат амирларининг холис воситачилигида ўтган «сулҳ мажлиси» билан ниҳоясига етди. «Ғурабо» жамоати ўз Телеграм каналида ўт очишни тўхтатиш келишувига эришганини маълум қилди ва «Биз ҳақимизда яхши гумон қилган муҳожир ва ансор биродарларимизга ташаккурлар бўлсин!» дея миннатдорчилик билдирди.</p>		
<p>«Ғурабо» жамоати таркибида 70 нафарга яқин француз жангариси бўлиб, улар оилалари билан Туркия чегарасининг шундоққина ёқасидаги мустаҳкам химояланган лагерда яшайдилар. Лагернинг бундай жойлашуви хавфсизлик кучларининг ҳужум қилишини жуда қийинлаштирди. Шу сабабли, бўлиб ўтган отишмалардан сўнг, бошқа хорижий жангарилар амирларининг ўртага тушиши билан олти моддалик келишувга имзо чекилди ва низо ҳал қилинди. Келишув матнида қуйидагилар таъкидланди: «Ўт очишни тўхтатиш; лагерни ҳукумат кучларига очиб бериш; Умар Диябий ишини Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Шаръий маҳкама»га топшириш; оғир қуролларни лагердан олиб чиқиш ҳамда тўқнашув иштирокчиларини таъқиб қилмаслик кафолати».</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْلُدُهُ وَلَا يُخْفَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Хорижий жангарилар сони 5000дан зиёд деб тахмин қилинмоқда. Уларнинг асосий қисми мудофаа вазирлигининг махсус 84-дивизияси сафига бирлашган. Ҳозирда Сурия ҳукумати уларни юқори мансаблардан четлатиш борасида Ғарб пойтахтларининг қаттиқ босимига учрамоқда. Шу сабабли ҳукумат дунё давлатларини «овутиш» учун булар минтақа ва дунё хавфсизлигига заррача таҳдид солмайди, деб сиёсий мурожаат қилишга мажбур бўлди. Сурия президенти Аҳмад Шара «мухолафат сафларида жанг қилганлар бугунги янги жамиятнинг бир бўлагидир. Сурия улар билан четлатиш эмас, балки ярашув руҳида муомала қилади», деб таъкидлади. Уларнинг бир гуруҳи аллақачон янги армия сафларида ҳарбий унвон ва расмий мансабларга эга бўлдилар. Бу эса, эълон қилинган қамраб олиш сиёсатининг амалдаги ёрқин ифодасидир. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, ҳарбий идоралар расмий чиқиш қилиб, вазиятга ойдинлик киритдилар. Уларнинг таъкидлашича, Ҳоримдаги қуролли тўқнашув ҳукуматнинг умумий сиёсати ўзгарганини билдирмайди ва аввалги режа ўз кучида қолади.</p> <p>Ал-Ваъй: Эслатиб ўтамиз, 2025 йил май ойида Жўлоний Францияда президент Макрон билан учрашган эди. Айнан ўша учрашувдан кейин Суриядаги француз фуқароларини ортга қайтариш мавзуси кун тартибига чиққанди. Афтидан, манзара айни мазмундан ташқарида эмасдек кўринмоқда. Гарчи жангарилар қонунбузарликлар содир этган бўлса-да, кўпроқ тахминга кўра, Жўлоний Франциядан келган мусулмон жангарилар билан арзон ва паст мақсадлар йўлида савдолашишга шай турган эди, айниқса, хўжайинларнинг буйруқларини ижро этиш йўлида ўша чирик ватанпарварлик-миллатчилиқни қабул қилган унинг давлатига энди бу жангарилар ортиқча юкка айланган бир пайтда.</p>		
<p>Эрон Ливандаги ҳарбий партиясини сотмоқда</p>		
<p>Ҳизбуллоҳ раҳбари Наим Қосим яна бир бор баёнот бериб, ташкилот қуроларини топширмаслигини ва курашни тўхтатмаслигини маълум қилди. Наим Қосим сешанба кунги чиқишида бу сулҳнинг шартига нима учун рози бўлишганини тушунтирди. Унинг айтишича, келишувдаги «мақбул нарх» бу Ливан армиясининг қайтишидир. «Биз 42 йил давомида давлат йўқлигида унинг вазифасини бажариб турдик, энди давлат ўз</p>		

юкини кўтаришга тайёр экан, биз бунга розимиз», деди у ўзини оқлашга уриниб.

У, шунингдек, Ҳизбуллоҳ ўт очишни тўхтатиш келишувини фақат Литани дарёси жанубидагина тан олишини очиқлади. Унинг фикрича, шимолий аҳоли пунктларига ҳеч қандай хавф таҳдид солмаслиги ҳақидаги мажбурият эвазига Исроил Ливандан чиқиб кетиши ва асирларни озод қилиши лозим.

Шунингдек, у амалдаги ўт очишни тўхтатиш келишуви ўрнини босадиган ҳеч қандай янги келишув бўлмаслигини таъкидлади. Айни пайтда, аввалги келишув бандлари тўлиқ бажарилгандан сўнг, Ливаннинг қудрати ва суверенитети масалалари юзасидан, ҳар қандай ташқи аралашувсиз, ички мулоқот очишга тайёр эканини билдирди.

«Мавжудлигимизни ҳимоя қилиш учун ҳар қандай ишни қилиш бизнинг ҳаққимиз», деди у.

Ливан ҳукумати ўз шартини кескин қўйиб, қурол фақат давлатнинг қўлида бўлади, деди. Шунингдек, Ливан ҳукумати раҳбари Навоф Салом ҳам: «Ҳукуратимизнинг мақсади Ливан давлатини қайта барпо этишдир», деб баёнот берди.

Бу воқеалар бежиз эмас. Эслатиб ўтамиз, ўтган жума куни Навоф Салом қурол фақат давлат ихтиёрида бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтган эди. Ҳозирги гаплар ўша чақириқнинг давомидир.

У «Ливан технология ва сунъий интеллект саммити» доирасидаги мулоқот сессияси чоғида юртдан «Исроилнинг тўлиқ чиқиб кетиши ва тажовузни тўхтатиш учун араб давлатлариаро сиёсий қўллаб-қувватлов мавжуд» эканини маълум қилди.

Шунингдек, у Ҳизбуллоҳнинг кеча Ливаннинг Исроил билан музокара олиб боришини рад этиб қилган эълонига жавобан: «Ливан давлати уруш ва тинчлик қарори монополиясини қайтариб олди», деб қатъий таъкидлади.

Пайшанба куни Ҳизбуллоҳ президент Жозеф Аунга, ҳукурат раҳбарига ва парламент спикери Набиҳ Беррига очиқ мактуб йўллаб, унда Ҳизбуллоҳнинг Ливан ва (Исроил) ўртасидаги музокараларни рад этишини эълон қилди. Шунингдек, «Ливаннинг айни дамда (Исроил) билан музокара олиб боришдан эмас, балки тажовузни тўхтатишдан манфаатдор деб ҳисоблашини» билдирди.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Ҳизбуллоҳ бу позицияни, президент Аун муаммоларни ҳал қилиш учун (Исроил) билан музокара қилишга тайёрлигини кўп марта айтгандан кейин билдирди. Лекин (Исроил) бу тинчлик таклифларига фақат Ливан жанубига ҳужумни кучайтириш билан жавоб қайтаришини унинг ўзи ҳам тан олди. Эслатиб ўтамиз, Америка вакили Том Барак ўтган шанба куни Манамадан туриб, Ливанни (Исроил) билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга чақирган эди.</p>		
<p>Судан ҳарбий раҳбарияти Суданни янада кўпроқ парчалашни режалаштириш орқали Америка лойиҳаларини амалга ошириш йўлидан кетмоқда</p>		
<p>Суданнинг Фашир шаҳри Тезкор қўллаб-қувватлаш кучлари қўлига ўтганидан сўнг, барча нигоҳлар Обайидга қаратилмоқда. Чунки у Судан тақдирини белгилаб бериши мумкин бўлган шаҳар ҳисобланади. Фаширдаги воқеалар шуни кўрсатдики, оғир инсоний талафотларга қарамай, Тезкор қўллаб-қувватлаш кучлари ғалаба қозонишга қодир. Энди ҳамма нарса Обайидда ҳал бўлади. Бу шаҳар бизга икки нарсани кўрсатиб беради: Ё армия душманни тўхтата олади, ёки Судан шундай бўлиниб кетадики, буни энди ҳеч ким инкор қила олмай қолади.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ҳизб ут-Таҳрир - Судан вилояти ҳижрий 1447 йил 18 сафар, милодий 2025 йил 12 август куни чиқарган варақада қуйидагилар зикр қилинди: «Америка Дарфур минтақасини ажратишда Жанубий Суданни ажратишда қўллаган услубининг худди ўзини такрорламоқда. Чунки бу ерда қуролли гуруҳлар мероси ҳали ҳам мавжуд. Бу мерос эса ўз вақтида инглизлар ва европаликлар томонидан Суданни бўлиб ташлаш амалиётига замин яратиш учун қолдирилган эди. Давлатга қарши қуролли кўзғолонларни кўзғатиш, зулмлар ҳақида сўз юритиш, четлатилганлик ҳақидаги даъволар, ижтимоий ғзаб уйғотиш, ҳокимият ва бойликни минтақавий ҳамда ирқий талаблар асосида бўлиб бериш, буларнинг барчаси ана шу меросни амалга ошириш йўлидаги қадамлар бўлиб келди. Бу жараён худди Америка Жанубий Суданни бўлиб ташлашда йўл тутган усулга ўхшайди. Ўшанда Америка Жон Гаранг ва унинг одамларини инглиз ва европаликлар тузган кўзғолончи гуруҳларнинг бошига қўйган ва уларни йиллар давомида давлатга қарши қуролли исёнга етаклаган эди. Энди эса</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Америка худди шу манзарани Дарфурда такрорламоқда: ўзининг эркатойи бўлган Тезкор қўллаб-қувватлаш кучларини бу минтақадаги қуроли ҳаракатлар бошига қўйиб, Дарфурни ўз одамлари орқали ажратиб олишга уринмоқда. Бу сафар бу ишни – ўзининг одамларидан бири Умар Баширга қарши қўзғолон уюштирган инглиз ва европаликларнинг одамлари орқали эмас – ўзининг тўғридан-тўғри таъсири остидаги кучлар билан амалга оширмоқчи».</p>		
<p align="center">Жўлониё Шомдаги қурилиш ва бизнес лойиҳаларига Саудиянинг машҳур «Vision 2030» стратегияси доирасида маблағ жалб қилиш учун Саудия ҳукуматидан ёрдам сўради</p>		
<p>Сурия президенти Аҳмад Шара 2025 йилги «Келажак инвестициялар ташаббуси» анжумани доирасида шахсан шахзода Муҳаммад ибн Салмон иштирок этган «Янги Сурия истиқболлари» сессиясида «айнан Муҳаммад бин Салмон бошқарувидаги Саудия биз учун дунёга чиқиш калитидир», деди.</p>		
<p>Саудия – иқтисодий жиҳатдан қийналаётган минтақанинг иқтисодий қибласига айланди, бу иқтисодий муаммолар давлатларнинг миллий ва стратегик хавфсизлигига бевосита боғлиқ, деди у ўз баёнотида.</p>		
<p>У мансаб курсисига ўтирганидан сўнг илк хорижий сафарини айнан Қиролликдан бошлаганини изоҳлаб, Саудиянинг «янги либосдаги Сурия»ни қайта қуриш ва ислоҳ қилишдаги ўрнини тўлиқ англашини таъкидлади. Шунингдек, Шара Суриянинг ўтган 14 йиллик «муваффақиятсиз ва фалажланган давлат» даврига ишора қилиб, бу машъум даврнинг энг қора доғлари сифатида, бутун дунёни додлатаётган «Каптагон вабоси» ва ноқонуний миграция оқимини очик эътироф этди.</p>		
<p>У қуйидагиларни таъкидлади: Суриянинг оёққа туришидан дунё ҳам манфаатдор. Чунки Сурия Шарққа очиладиган асосий дарвозадир. Шунингдек, бу ерда бой табиий ва инсон ресурслари мавжуд. Бугун Дамашқ дунё билан муносабатларда янги даврни бошлади. Бу жараёнда Сурияга дўст давлатлар, айниқса, Саудия Арабистони ёрдам бермоқда ва юртни дунё иқтисодиётига тезроқ қўшишга ҳаракат қилмоқда.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Буларнинг ҳаммаси бир гўр. Ахир, «Тенг тенгини топар, тезак қопини», деб бежиз айтилмаган.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Германияда даъват етказувчиларнинг жамой ва жамиятга таъсирли фаолиятларини тўхтатиш йўлидаги навбатдаги уринишлар!		
<p>Германия бугун «Интерактив» исломий жамиятини тақиқлаганини, унинг маблағлари мусодара қилинганини ва яна бошқа икки исломий жамиятда ҳам тинтув ўтказилганини эълон қилди.</p>		
<p>Германия ички ишлар вазирлиги баёнотига кўра, бугун эрталабдан бошлаб «Generation Islam» ва «Realität Islam» жамиятларига нисбатан дастлабки терговлар доирасида Гамбургда 7та, Берлинда ва Гессен вилоятида 12та кўчмас мулк объекти тинтув қилинди.</p>		
<p>Ички ишлар вазири Александр Добриндт ўз баёнотида бундай деди: «Биз кўчаларимизда Халифаликка чақирадиган, Исроил ва яҳудийларга нисбатан тоқат қилиб бўлмас даражада нафрат кўзғатувчи ҳамда аёллар ва озчиликлар ҳуқуқларини таҳқирловчи ҳар қандай кимсага қонуннинг бор кучи билан жавоб қайтарамиз».</p>		
<p>«Интерактив» ташкилоти 27 апрелда ўтказган намоишлар чоғида «Халифалик бу ечим» деб ёзилган плакатларни кўтариб чиққан эди. Бу намоишда сўзланган нутқларда исломий юртлардаги ижтимоий муаммоларга ечим сифатида Халифаликни тиклашга чақирган эди.</p>		
<p>«Интерактив» ташкилоти Германия хавфсизлик органларининг кузатув рўйхатида эди. Улар 2020 йилда ташкил этилган бу ташкилотни 2003 йилдан бери тақиқланган «Ҳизб ут-Тахрир»га яқин деб ҳисоблашади.</p>		
<p>2024 йил июл ойида Германия Гамбургдаги Ислом марказини тақиқлаб, унинг филиалларида рейд ўтказган эди. Расмийлар марказ фаолиятини «конституцияга зид» деб таърифлаб, марказ ва унга қарашли ташкилотларни Ҳизбуллоҳни қўллаб-қувватлаш ҳамда «тажовузкор антисемитизмни тарқатиш»да айблаган эди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ушбу янги қарор Германия парламенти (Бундестаг) 2024 йил май-июн ойларида «Интерактив» фаолиятини тақиқлашни кўпчилик овоз билан рад этганидан сўнг пайдо бўлди. Кутилмаганда, 2025 йил ноябрида буйруқ умуман бошқа «даргоҳ»дан, ички ишлар вазирлигидан чиқди! Бу билан улар «сохта демократия» қийматларини ҳам,</p>		

парламентнинг аввалги қонуний қарорларини ҳам очикчасига оёқ ости қилишди. Афтидан, бу ҳужумдан мақсад, кўчалардаги ошкора оломон фаолиятларини жиловлаш ҳамда TikTok ва YouTube каби тармоқлардаги кучли таъсир доирасини чеклаш, шу орқали геноцидлар уюштирувчиси ва Ғарбнинг «эркатойи» бўлмиш яҳудий вужудига қарши янграётган ҳар қандай овозни ўчиришдир. □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

﴿مَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكِينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِمَّنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ يَخْتَصُّ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ﴾

«Роббингиз тарафидан сизга бир яхшилик (ваҳий) тушишини на аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар)дан бўлган кофирлар хоҳлашади ва на мушриклар. Аллоҳ эса раҳмат-марҳаматини ўзи хоҳлаган кишиларга хос қилиб беради. Аллоҳ буюк фазлу карам соҳибидир» [Бақара 105]

Устоз Иброҳим Салома

Аҳли китоб ва мушриклардан иборат куфр аҳли қалбида мусулмонларга нисбатан адоват ва ғаразни яширин сақлайди. Улар Роббингиздан сизга бирор яхшилик ва ҳидоят тушишини зинҳор исташмайди! Улар сиздаги Исломни ҳамда Аллоҳ ва Росулига итоатингизни ёмон кўришади. Бас, огоҳ бўлинг! Уларни дўст тутишдан сақланинг! Сизга вожиб бўлган иш динни маҳкам ушлаш ва иймон неъматини учун шукр қилишдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ Субҳанаҳу бу Умматни энг яхши рисолат билан мукаррам қилди ва Росули ﷺни шу Умматдан чиқарди. Пайғамбарлик ва иймон неъматига тенг кела оладиган бошқа ҳеч қандай олий неъмат йўқ!

Аҳли китобнинг мусулмонларга бўлган кек ва адовати бугун Фаластинда очик-ойдин юзага чиқди. Улар қирғин ва этник тозалаш йўли билан мусулмонлар қонини тўқишмоқда ва бизни яхудийларга таслим бўлишга ундашмоқда. Ачинарлиси шундаки, кўпчилик исломий юртлар Трамп ва Нетаняхунинг чизигидан чиқмаяпти. Улар ҳатто иймоннинг энг паст даражасида туриб бўлса ҳам «яхудийлар Ғарбий Соҳил ва Ғазодан чиқиб кетсин!» деб айта олишмаяпти. Шояд, бу воқеалар бежиз бўлмаса, Аллоҳ азалдан тақдир қилган иш албатта амалга ошажакдир. Қўлимиздаги қурооларни – қанчалик кам ва оддий қурол бўлмасин – душманга топшириш ҳаргиз мумкин эмас. Аслида яхудийлар ва америкаликлар Ғазо ҳамда Ғарбий Соҳилни ташлаб чиқиб кетишлари вожиб. Фаластин қўшниларига келсак, етар шунча пайтдан бери душманга бўйсуниб, бизга ёрдам бермай, хиёнат қилганлари. Ахир, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَا تُسْئَلُ عَنْ أَصْحَابِ الْجَحِيمِ ﴿۱۱۹﴾ وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ ۗ قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ ۗ وَلَئِنِ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِن وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿۱۲۰﴾﴾

«Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан хушxabар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахилар хусусида сиз масъул эмассиз. Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтнинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга қелган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди» [Бақара 119-120]

﴿إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ﴾

(Албатта Биз сизни ҳақ билан юбордик). Яъни ҳақ Ислому билан; иймон келтириб, итоат қилган, Аллоҳнинг динини қоим қилиб, бошқарув, сиёсат, иқтисод, ижтимо ва ҳаётнинг бошқа барча ишларида Унинг шариатини ҳакам қилган кишилар учун Аллоҳнинг раҳмати ва жаннати ҳақида хушxabар берувчи қилиб юбордик. Осий бўлган, куфр келтирган ва Аллоҳнинг шариати ҳукмрон бўлишини рад этган кимсалар учун огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ рисолатни етказдилар ва омонатни адо қилдилар. Бўлди, шундан сўнг у зот дўзах аҳли ҳақида сўралмайдилар.

Сўнгра Аллоҳ Субҳонаху огоҳлантириб

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ﴾

(Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар) деди. Бу хитоб Росулulloҳ ﷺ га, ҳукми эса у зотдан кейинги Умматигадир. Модомики динингизни маҳкам ушлар экансиз, то Ислому тарк этиб, уларнинг динига эргашмагунингизча аҳли китоб сиздан асло рози бўлмайдилар. Бас, уларни рози қилишга интилиш ҳам, уларнинг буйруқларига кулоқ солиш ҳам жоиз эмас. Дарҳақиқат, биз Ғазода уларнинг Ислому ва мусулмонларга қарши очик-ойдин диний урушда бирлашиб олишганини; ҳўлу қурукни ёқиб, қариялар, болалар ва аёлларни қириб ташлашаётганини кўрдик.

﴿قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ﴾

(Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлди»). Яъни: бу ҳидоят барча пайғамбарлар олиб келган, ёлғиз Аллоҳга ибодат ва итоат қилишга асосланган тўғри йўл ва ҳақ дин – тавҳид ва Аллоҳга итоат қилиш динидир. Шундай экан, Аллоҳ ва Росули ﷺ га итоат қилишда ҳеч қандай муросага йўл йўқ, кофирларнинг йўлига ҳам, нафс-ҳаволарига ҳам қаралмайди.

﴿وَلَيْنِ اتَّبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ﴾

(Агар сизга қелган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди). Бу сўзлар бугунги кунда яҳудий ва насронийлар билан иттифоқ тузаётган, уларга бўйсуниб, улардан ҳимоя ва ёрдам кутаётган ҳар бир кимса учун қаттиқ таҳдиддир. Чунки Аллоҳ бундай кимсаларни ўзлари қилган ёмонликлари ичида ёлғиз, ёрдамсиз ташлаб қўяди.

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كَتَبْنَا مُوَجَلًّا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الدُّنْيَا نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَنْ يُرِدْ ثَوَابَ الْآخِرَةِ نُؤْتِهِ مِنْهَا وَسَنَجْزِي الشَّاكِرِينَ﴾

«Ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади. Ким дунё савобини истаса, унга ўша истаган нарсасини берурмиз. Ким охирад савобини истаса, унга ҳам истаган нарсасини берурмиз. Ва шуқр қилгувчиларни муносиб мукофотлаймиз» [Оли Имрон 145]

Яъни: ҳеч бир жон Аллоҳ тақдир қилган ажали ва ризкини тўлиқ олмагунча ўлмайди. Бас, ўлимдан қўрқиб, Аллоҳга итоат этмасликнинг ва Унинг йўлида жиҳод қилмасликнинг маъноси йўқ. Зеро, ўлим мужоҳидга ҳам, уйда ўтирганга ҳам етади. Уни жиҳод тезлаштирмайди, ҳирс ва қўрқоклик кечиктирмайди. Бас, ким фақат дунё савобини истаса ва Аллоҳнинг амрини кўйиб, шу билан машғул бўлса, Аллоҳ уни ўзи юзланган нарсасига топшириб қўяди ва борар жойи дўзах бўлади. Ким охирад савобини истаса, Аллоҳ ва Росули ﷺ га итоат қилишга ҳаракат қилади ҳамда Ислому адолати ва омонлиги барча одамларга ёйилиши учун Аллоҳнинг калимасини олий қилиш йўлида жиҳод қилади.

﴿وَسَنَجْزِي الشَّاكِرِينَ﴾

(Ва шуқр қилгувчиларни муносиб мукофотлаймиз). Яъни: улар ҳидоят неъматига иймон ва амал билан ҳамда Аллоҳнинг

шариатини ҳакам қилиш билан шукр келтирадиган кишилардир.

Сўнгра Аллоҳ Субҳанаҳу мўминларга ибрат бўлсин учун улардан олдин ўтган иймон ва жиҳод аҳлини мисол қилиб келтирди ва бундай марҳамат қилди:

﴿وَكَايْنٍ مِّن نَّبِيٍّ قَاتَلَ مَعَهُ رَبِّيُونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا ضَعُفُوا وَمَا اسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٧﴾ وَمَا كَانَ قَوْلَهُمْ إِلَّا أَنْ قَالُوا رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿١٠٨﴾ فَآتَاهُمُ اللَّهُ ثَوَابَ الدُّنْيَا وَحَسَنَّ ثَوَابَ الْآخِرَةِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

«Қанчадан-қанча анбиёлар ўтганки, улар билан биргаликда кўндан-кўн раббонийлар (художўйлар) жанг қилганлар. Ҳамда Аллоҳ йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашлик, заифлик қилмаганлар ва (душманларига) бўйин эгмаганлар. Аллоҳ мана шундай сабр қилгувчиларни севади. Уларнинг айтган гаплари фақат шундан иборат эди: «Раббано, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни собит қил ва бу кофир қавм устидан нусрат бер!» Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунё савобини (нусрат ва мол-давлатни), ҳам охирадаги гўзал ажрни ато қилди. Аллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади» [Оли Имрон 146-148]

Оятдаги رَبِّيُونَ раббонийлар динда собитқадам бўлган, тақволи мужоҳидлардир. Улар Аллоҳ йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашлик, заифлик қилмадилар ва душманларига бўйин эгмадилар. Улар фақат Аллоҳга юзланиб, Ундан ёрдам сўраб,

﴿رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسْرَافَنَا فِي أَمْرِنَا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

(Раббано, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни собит қил ва бу кофир қавм устидан нусрат бер), деб дуо қилдилар ҳамда тавба, дуо, сабот ва жиҳодни жамладилар. Ана шунда Аллоҳ уларга ҳам бу дунё савобини, яъни нусрат ва мол-давлатни, ҳам охирадаги гўзал ажрни ато қилди. Бундан ҳам олийроғи эса:

﴿وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

(Аллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади). Сўнгра Аллоҳ Таоло огоҳлантириб бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تُطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يَرُدُّوكُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ فَتَنْقَلِبُوا خَاسِرِينَ ﴿١٤٩﴾
 ﴿بَلِ ٱللَّهُ مَوْلَىٰكُمْ وَهُوَ خَيْرُ النَّصِيرِينَ ﴿١٥٠﴾﴾

«Эй мўминлар, агар кофирларга итоат қилсангиз, сизларни ортингизга (куфрга) қайтарадилар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қоласизлар. Йўқ, (улар сизларнинг дўстингиз эмас, балки) Аллоҳ хожангиздир. Ва У зот энг яхши ёрдамчидир»

[Оли Имрон 149-150]

Яъни кофирлар, илмонийлар ва мунофиқлар сизнинг душманингиздир. Уларнинг мақсади сизни динингиздан қайтариш, токи оқибатда зиён кўрувчиларга айланишингиздир. Кофирларга итоат қилиш, уларнинг тузум ва қонунларига эргашиш ҳамда худди бугунги кунда кўплаб мусулмон ҳукмдорлар қилаётганидек, улардан нусрат сўраш иймондан қайтишга олиб бориши мумкин бўлган ўта хавfli сирпанчик йўлдир. Ҳақиқий мўмин Парвардигорнинг шариатига амал қилади, у билан ҳукм юритади, ундан ҳукм сўрайди ва куфр йўлларида бирортасини ҳам олмайди.

﴿بَلِ ٱللَّهُ مَوْلَىٰكُمْ وَهُوَ خَيْرُ النَّصِيرِينَ ﴿١٥٠﴾﴾

(Аллоҳ хожангиздир ва У нусрат берувчиларнинг энг яхшисидир).

Барча мақсадлар ортида Аллоҳ турувчидир (тавфик Аллоҳдандир).

Роббимиз, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни собит қил ва бу кофир қавм устидан нусрат бер! Саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг оилалари ва барча саҳобаларига Аллоҳнинг салавот, салом ва баракалари бўлсин. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин.

﴿وَأَللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِۦٓ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢١﴾﴾

«Аллоҳ Ўз ишида голибдир лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Юсуф 21] □

ВАЗИЯТНИНГ ТЕСКАРИ АЙЛАНИШИ: БУГУН ШАРИАТ ЮКГА, УНДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ҲАЁТ ТАРЗИГА АЙЛАНДИ!

Устоз Мунзир Абдуллох

Сўнгги йилларда тўғри йўлдан оғишни оқлаш ҳамда буюк Ислому шариати аҳкомларидан «сирғалиб чиқиш» учун баҳона кидиришдан бошқа ташвиши бўлмаган бир тоифанинг пайдо бўлгани кўзга яққол ташланмоқда. Эндиликда бу кимсаларнинг Исломуни етказиш ва ҳаётга татбиқ этиш куч-қудратга элтувчи йўл ва уйғониш манҳажини эканини кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолди. Аксинча, улар буни «оғир юк» деб ҳисоблаб, нима қилиб бўлса ҳам уни енгиллаштиришга уринишяпти. Бу эса Куръоннинг очиқ ҳукмига хилофдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ فَعَلُوا مَا يُوعَظُونَ بِهِ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَأَشَدَّ تَنبِيئًا﴾

«Агар улар қилинган панд-насиҳатларга амал қилганларида, ўзлари учун яхшироқ ва иймонларини мустаҳкам қилувчироқ иш бўлур эди» [Нисо 66]

Агар уларни Росулulloх ﷺнинг даъватларига – Исломуни татбиқ этишга даъват қилсангиз, сизга «Юртнинг аҳволини, у чекаётган қоқоқлик, муаммолар, коррупция ва расволикни кўрмайсанми? Олдин шуларни ўнглаб, муаммоларни ҳал қилайлик, кейин – юрт шароити яхшиланганда – шариатни татбиқ этамиз», дейишяпти!

Бу, шубҳасиз, «муаммолар Исломуни ҳам тўғри ҳал қилиниши мумкин», деган хомхаёлга асосланган нотўғри мантиқдир. Улар Исломуни гўёки ечим ва муолажаларни ўз ичига олмаган қуруқ бир диний мажбурият, холос деб билишади! Қолбуки, Ислому сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий ва хавфсизлик масалаларига оид самарали муолажаларни олиб келган. Одамларнинг муаммоларини ҳал қилиш ўрнига уларни янада кучайтирадиган вазъий (инсон ўйлаб топган) тузумлардан фарқли ўлароқ, инсон ва унинг жамияти учун яроқли тузум Ислому тузумидир.

Балки, айнан шу вазъий тузум юрт бошдан кечираётган балолар, коррупция ва ёмон аҳволни келтириб чиқарди!

Муслмонлар юртларидаги асосий муаммо ҳокимият тахтида ким ўтирганида эмас, балки у ерда татбиқ этилаётган

тузумдадир. Бугунги кунда Покистон, Миср, Туркия ва бошқа исломий юртларда ҳукм сураётган капиталистик тузум муаммоларни ҳал қилишга табиатан ожиз. Чунки у аслида моддий манфаатни ўлчов қилиб олиш, динни ҳаётдан ажратиш, иқтисодни эса «талаб ва таклиф» қонуни ва бозор очкўзлигига кўйиб бериш асосига қурилган.

Шунинг учун, капиталистик тузум, ҳатто айрим Ғарб давлатларидаги каби «намунали» тарзда татбиқ этилса ҳам, ҳақиқий барқарорлик олиб келмайди. Балки юртни рецессия (турғунлик), ишсизлик, инфляция, нарх-навонинг қимматлашуви ҳамда бойликнинг бир ҳовуч кимсалар қўлида тўпланиб қолиши каби тинимсиз айланувчи инкироз доирасига киритиб қўяди. Бир вақтнинг ўзида, ҳам шахслар, ҳам давлат миқёсида камбағаллик ва қарздорлик кўламини кенгайтиради.

Буни исломий юртларда бир асрдан кўпроқ давом этган сиёсий тажрибалар очиқ исботлади: хоҳ ҳарбий бўлсин, хоҳ фуқаровий, хоҳ номига «исломий» ёки очиқ-ойдин секуляр бўлсин, фарқсиз, раҳбарлар, башаралар ва партиялар алмашаверди. Аммо уларнинг барчаси айни бир тамойилни муҳофаза қилишди: капиталистик тузум, унинг қонунлари, муассасалари ва халқаро шартлари.

Оқибатда қайта такрорланадиган ёмон аҳвол сақланиб қоляпти: юртларимизга қарзлар, молиявий ёрдамлар ва вақтинчалик дастурлар тақдим этилиб, «оғриқ қолдирувчи дозалар» берилади. Булар оғриқни бироз енгиллаштиради-ю, кейин тезда юртни яна ноль нуқтасига ёки ундан-да ёмонроқ аҳволга қайтаради.

Сўнги ўн йилликлардаги Туркия тажрибасига назар солишнинг ўзи кифоя. Бу юрт маълум муддат баъзи ўсиш кўрсаткичларига эришди. Бироқ ташқи қарзлар, валюта курсининг ўзгарувчанлиги, одамларнинг даромадларини еб битираётган инфляцияга асир бўлиб, халқаро молия муассасалари чангалидан қутулишдан узоқ муддат давомида ожиз қолди. Буларнинг барчаси мусулмонлар юртларида капиталистик тузумни қайта ишга солиш уларга ҳақиқий ечим тақдим этмаслигига, аксинча, уларни асли шу тузум айлантираётган ичи бўш доира ичида тўхтовсиз айлантираверишига далолат қилади.

Албатта, Ислом шариати ўзининг кучи, самарадорлиги, равонлиги, мустаҳкамлиги, мукамаллиги, бойлиги ва кенлиги билан мўъжизакордир. У инсон энергиясини юзага чиқариш, шахсиятларни бино қилиш ҳамда етакчилар, мутафаккирлар, қахрамонлар ва мужоҳидларни етиштириб чиқариш қобилиятида ҳам беназир. Лекин мунофиқлар бунни билишмайди.

Росуллуллоҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«الإِسْلَامُ يَغْلُو وَلَا يُغْلَى»

«Ислом олийдир ва ундан олий бўлинмайди».

Қарашлардаги бундай йўлдан оғиш, шунчаки оддий хато эмас, балки вазиятнинг тубдан ўзгаришидир. Улар энди шариатни куч-қудрат ва шараф манбаи деб эмас, балки оғир юк деб қабул қилишмоқда. Улар учун Аллоҳнинг ҳукми эмас, нафс-ҳаво асосий ўлчовга айланди ва нусусларни ҳам ўз нафсларига мослаб тушунтира бошлашди. Оқибатда, инсон бор кучини динга амал қилишга эмас, ундан қочиш йўлларини топишга сарфламоқда. Ўз кучини шариатга амал қилишга сарфлаш ўрнига, ундан қочишга сарфламоқда, Аллоҳнинг ҳукмини излаш ўрнига, ўз хоҳиш-истакларига, ожизлигига ва азми-қарорини емираётган ваҳнга мос келадиган нарсани қидирмоқда.

Бу ёндашувнинг энг хавфли жиҳати шундаки, мазкур тоифа фақат осийлик қилиш билан кифояланмайди, балки ўша гуноҳга шаръийлик тусини беришга тиришади. Оқибатда, шариат ўз мазмун-моҳиятидан жудо қилиниб, ҳаёт манҳажига эмас, балки ҳеч вақоси йўқ «истиснолар рўйхати»га айлантирилади. Бундай залолатдан улар махсус мактаб ва манҳаж яшашга уринишмоқда ва бу билан мусулмонларнинг динини вайрон қилишни исташмоқда. Шунинг учун, динимизни асраб қолиш ва уни илдизи билан қуритадиган фитнага йўл қўймаслик учун бу адашган тоифага қарши қаттиқ туриш лозим.

Келинг, шу ерда Аллоҳнинг суюкли бандалари бўлган ва ҳақ йўлда собит турган ғариблар ҳақида Росуллуллоҳ ﷺ айтган сўзларни эслайлик: У зот: **«Ғарибларга жаннат бўлсин!»** дедилар. Саҳобалар: улар кимлар ўзи, ё Росуллуллоҳ? деб сўрадилар. Росуллуллоҳ **«Улар одамлар бузилиб кетган пайтда, уларни ислоҳ қиладиган кишилардир»**, деб жавоб бердилар. Бошқа бир ривоятда **«Одамлар бузган нарсаларни ислоҳ қиладиган кишилардир»**, деб жавоб берганлари айтилади.

Бу бузгунчи тоифанинг бундай ёндашуви, зарурат туғилганда ишларни осонлаштириш учун жорий этилган «руҳсат»ни доимий тамойилга айлантиради. Шу билан бирга шаръий тақлиф асоси бўлган «азималар»ни эътиборсиз қолдиради. Бу ҳам, агар уларнинг иши шаръий руҳсатни олиш қабилидан бўлса, шундай. Чунки, аксар ҳолларда уларнинг қилмиши ҳатто шаръий руҳсатга ҳам асосланмайди, балки, шаръий ҳукмдан бўйин товलाшади.

Роббининг шариатига бундай руҳда муомала қиладиган Умнат ҳаргиз уйғониш-юксалишга эришмайди. Зеро, уйғонишга ҳавойи-нафслар билан ҳам, мажбуриятдан қутулиш байроғини баланд кўтариш билан ҳам, осон йўл излаб, синган иродалар билан ҳам, Аллоҳнинг душманларига муросасозлик қилиш билан ҳам эришилмайди. Балки шариат ўзининг табиий ўрнига – куч-қувват манбаи, амалга ундовчи омил ҳамда йўл кўрсатувчи ва алмаштириб бўлмас компас сифатида – қайтарилгандагина уйғониш ва ривожланиш рўёбга чиқади.

﴿رَبُّوْاْ اَنْ اَهْلَ الْاَلْفْرِیِّ ؕ اٰمَنُوْاْ وَاتَّقَوْاْ لَفَتَحْنَا عَلَیْهِمْ رِبْعَتِ مِّنَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَلَٰكِنْ كَذَّبُوْاْ فَاَخَذْنٰهُمْ بِمَا كَانُوْا یَكْسِبُوْنَ﴾

«Агар қишлоқ-шаҳар аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону ердан баракот (дарвозаларини) очиб қўйган бўлув эдик. Лекин улар (пайгамбарларимизни) ёлгончи қилишди, бас, уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли ушладик»

[Аъроф 96] □

ЭПШТЕЙН МОЖАРОСИ: ҒАРБ ҲАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУКМРОН ЭЛИТАСИНИНГ ЮЗИ ОЧИЛГАН ПАЛЛА

Жеффри Эпштейн можароси шунчаки бой бир бузуқининг чекка оролда вояга етмаганларни жинсий эксплуатация қилгани ҳақидаги бир ҳикоя эмас. Ақсинча, бу воқеа орқали дунёга етакчилик қилишни даъво қилаётган Ғарб ҳазоратининг ҳақиқий башараси, шунингдек, халқлар тақдирини белгилаётган сиёсий, молиявий ва медиа элитанинг қандай ботқоққа ботгани намоён бўлди. Вояга етмаган қизлар билан боғлиқ жинсий савдода айбдор деб топилган америкалик молиячи Эпштейн маргинал (жамиятдан ажралиб қолган) шахс эмас, балки «элита клуби»нинг, яъни давлат раҳбарлари, шахзодалар, юқори мартабали сиёсатчилар, молия магнатлари, маданият ва медиа юлдузларини ўз ичига олган тармоқнинг бир қисми эди.

Қисман ошкор этилган суд ҳужжатлари, сўнгра жамоатчилик бугун тўлиқ очилишини талаб қилаётган «Эпштейн ҳужжатлари» тўлкини шуни кўрсатдики, АҚШнинг собиқ президентлари Билл Клинтон ва Дональд Трамп каби таниқли шахслардан тортиб, шахзодалар (масалан, шахзода Эндрю), илм-фан ва санъат оламидаги машҳур башаралар номи ҳам қайдларда учрайди. Бу номлар «қора дафтар»да, шунингдек, парвозлар, алоқа ва учрашувлар журналларида қайд этилган бўлиб, сиёсий, молиявий ва медиа қарор қабул қилиш марказлари билан вояга етмаган қизларни жинсий қулликка солиш жинойтлари исботланган бир шахс ўртасидаги чуқур ва тизимли алоқалар кўламини очиб берди. Шу билан бирга, Эпштейн 2008 йилда илк бор судланганидан кейин ҳам йиллар давомида элита доираларида эркин ҳаракат қилгани аён бўлади. Бугун кучайиб бораётган халқ ва медиа босими остида АҚШ Конгресси Адлия вазирлиги ва ФБРни маълум муддат ичида Эпштейн ҳужжатларини ошкор қилишга мажбурловчи қонунни қабул қилишга мажбур бўлди. Бу эса йиллар давом этган турли манёврлар, сизиб чиккан маълумотлар, унинг камерасидаги «ўлими» ҳақидаги зиддиятли ривоятлар ҳамда «мижозлар рўйхати» деб аталган расмий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги баҳслардан сўнг рўй бермоқда.

Бирок можаронинг моҳияти «самолётга ким чиқди?», «оролга ким борди?» деган савол билан чекланмайди. Масала бундан ҳам чуқур: бундай одамни элита учун «фойдали» қилган тизимнинг ўзи ҳақида. У молия, келишувлар, муносабатлар, йирик университетлар манфаатлари, улкан корпорациялар ва таъсир марказлари ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилган. Бу иш яқка ҳолдаги оғиш эмас, балки ўзини «жаҳон тартиби»нинг қўриқчиси сифатида кўрсатувчи қатламнинг ажралмас қисми бўлган ахлоқий ва сиёсий шармандалик занжирининг наватбаддаги ҳалқасидир. Булар қаторига Голливуддан черковларгача чўзилган жинсий эксплуатация можаролари; МеToo ҳаракати зарбалари остида қулаган сиёсатчилар; ёлгон урушлар можаролари; Ироқдаги оммавий қиргин қуролилари, Абу Ғурайб ва Гуантанамодаги қийноқлар ҳақидаги ҳисоботлар; молия ва банк коррупцияси можаролари; ипотека инқирозлари, «Панама ҳужжатлари» ва бошқалар қиради. Бу ҳолатларда халқ бойликлари офшор ҳудудларга олиб чиқилади, камбағалларга эса тежамкорлик ва солиқ юки юкланади. Бу жанжалларнинг барчасини боғлаб турган умумий омил «айрим шахсларнинг хатоси» эмас, балки манфаатни муқаддаслаштирган, инсонни товарга айлантирган, танани сотиладиган буюм, пулни эса Аллоҳдан ўзга илоҳга айлантирган бутун бир ҳазорий тузилмадир.

Эпштейн можароси ва унга ўхшаш можаролар мусулмонлар учун унутилмас бир ҳақиқатни очиб беради: дунё тақдирини белгилаётган, «терроризмга қарши кураш» қоидаларини ўрнатиб, юртларимизга таълим дастурлари, иктисодий қонулар ва «мақбул демократия» чегараларини мажбуран жорий этаётган бу тоифа аслида маънан чириган, емирилган элитадир! Улар ичидан Эпштейн қасрларига ўхшайди: ташки томондан ҳашаматли, ичида эса жиноят ва инсонни қул қилиш!

Бу ҳазорат молия, қуrol ва оммавий ахборот воситаларига эгалик қилса-да, ҳақ билан ботилни ажратиб берадиган барқарор мезонга, мустаҳкам ахлоқий асосга эга эмас. Чунки у динни ҳаётдан ажратди, инсонни – ўз ҳавойи-нафси, шахвати ва манфаати билан – қонунчилик, ҳукм ва қийматлар манбаига айлантирди. Шунинг учун бу ҳазоратнинг тизимларини мусулмон юртларга кўчириш, унинг элита ва маассаларига суяниш, аслида ўз юртидаёқ фасоди исботланган бир тизимнинг қўйинга ўзини ташлашдир.

Бас, Уммат – ушбу ахлоқий шармандаликни кўриб турар экан – Ғарбнинг «эркинлик», «шаффофлик» ва «қонун устуворлиги» каби ёлгон шиорларига алданиб қолмаслиги вожиб! Балки, Уммат ўзининг раббоний мабдасига ва ундан келиб чиққан тузумга қайтиши лозим. Бу тузум Аллоҳдан такво қилиш, ҳукмдорни муҳосаба қилиш, номусни сақлаш, мол, қон ва ақлни ҳимоя қилиш асосига қурилган, молия, фахш ва халқ мулкни ўзлаштириш тармоқларининг ялтироқ санаотларига эмас. Эпштейн можаролари шунчаки ёпиб юбориладиган саҳифа эмас. Балки у инсониятга етакчиликни даъво қилаётганларнинг асл башарасини мусулмонларга кўрсатадиган бир кўзгудир. Ушбу кўзгу орқали улар Ислому рисоласини оламга олиб чиқиш шунчаки ақлий эрмак эмас, балки инсонни ушбу «ниқобланган кризис»дан қутқариш учун зарурат эканини англаб етсинлар. □